

И. Абдуллаев

Абу
Мансур
Ас-Саолибий

Тошкент
"Ўзбекистон"
1992

83.3Ўз
А 15

Масъул муҳаррир Ўзбекистон Фанлар академияси
академиги М. М. ХАЙРУЛЛАЕВ

Муҳаррир Муҳиддин ОМОН

А 4402000000—34 доп. 118—92
М351 (04) 92

ISBN 5-640-00837-7

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, Тошкент, 1992 й.

МУҚАДДИМА

X аср ва XI аср биринчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросонда илм-фан ва маданият мисли кўрилмаган даражада тараққий этди. Бухоро, Кот, Урганч, Марв, Нишопур, Самарқанд, Рой, Ҳамадон, Исфаҳон каби шаҳарлар замонасининг йирик маданий марказлари сифатида шуҳрат қозонди.

Сомонийлар (875—999) даврида Бухоро Шарқнинг энг машҳур маданий маркази бўлган эди. Абу Мансур ас-Саолибий сўзи билан айтганда: "Бухоро Сомонийлар ҳукмронлиги (даврида) шон-шуҳрат макони, салтанат каъбаси ва замонанинг машҳур кишилари жамланган, ер юзи ва ўз даврининг фозил кишилари йиғилган жой эди". Бу ерда буюк шоир Рўдакий (вафоти 941 ёки 952) яшаб ижод этди, Абу Наср Форобий (873—950) Бухорода таълим олди, буюк олим Ибн Синонинг (980—1037) ёшлик ва йигитлик давлари шу ерда ўтди. Бухоро алломалар бешигига айланишида унда мавжуд бўлган жуда катта китоб бозори ҳам улкан роль ўйнаган. Бу ерга узоқ ўлкалар (Миср, Испания ва бошқа мамлакатлар)дан китоблар олиб келинар, Сомонийлар саройида эса дунёда энг бой кутубхона жойлашган эди. Бухорода форсий тилда ижод этган шоирлар билан бир қаторда 50 га яқин араб тилида ижод этган арабийнавис шоирлар яшаган.¹

Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун (997—1017) давларида Урганч Шарқнинг йирик савдо-сотик ва маданий марказига айлантирилди. Урганчда Ўрта Осиё ва умуман Шарқнинг бир қанча йирик олим, шоир ва адиблари тўпланди. Булар орасида Абу Али ибн Сино (980—1037),

¹ Бу ҳақда қаранг: Абу Мансур ас-Саолибий, Йатимат ад-даҳр, "Фан" нашриёти, Тошкент, 1976; И. Абдуллаев, Бухоронинг арабийнавис шоирлари "Фан" нашриёти, Тошкент, 1972 йил.

Абу Райҳон Беруний (973—1048), Абу Мансур ас-Саолибий (961—1038), Абу Саҳл ал-Масихин (вафоти 1010), Абу Наср ибн Ироқ (вафоти 1025 ёки 1035 йил атрофи), табиб Абул-Ҳасан Хаммор, Машҳур тарихчи Ибн Мискавайҳ (вафоти 1030) каби сиймолар яшаган эди. Булар жаҳон фани хазиначисига ўзларининг ўлмас асарлари билан катта ҳисса қўшдилар.

Машҳур тарихчи олим ва шоирлар Абу Наср Утбий, Абу Наср Жавҳарий, Абу Бакр ал-Хоразмийлар ҳам шу даврда яшаб ижод этдилар. 1017 йили Хоразм Маҳмуд Ғазнавий томонидан босиб олиниб, кўп олимлар мажбуран Ғазнага олиб кетилди, баъзилари турли томонларга тарқалиб кетдилар.

Ўрта Осиёлик олимлар фаннинг турли соҳаларида ўз ўлмас асарларини ижод этдилар: хусусан табобат, фалсафа, тарих, тилшунослик, адабиёт, илми ҳайъат (астрономия), жуғрофия, мантиқ каби соҳаларда улар эришган ютуқлар оламга доврўқ таратди.

Бу вақтда илмий асарлар асосан араб тилида ёзилган бўлсада тарихий ва бадий асарлар форсий-дарий тилида ҳам ижод этилди. Тожик шеърятини асосчиси Абу Абдуллоҳ Рўдакий, Абул-Ҳасан Шаҳид Балхий, "Офариннома" асари муаллифи Абу Шукур Балхий (915 йили туғилган), шоира Рабиъа, Абу Мансур Муҳаммад Дақиқий (вафоти 977) кабилар ўз шеърларини форсий тилида ёздилар. Буюк шоир Фирдавсий (934 ёки 941—1020 ёки 1025) ҳам ўзининг ўлмас асари "Шоҳнома"ни шу тилда яратди.

XI асрдан бошлаб туркий тилларда ҳам бадий асарлар ижод этила бошлади. Бунинг яққол мисоли Юсуф Хос Ҳожибнинг 1069—1070 йили ёзиб тугатилган "Қутадғу билиг" номли машҳур йирик шеърини асаридир. Маҳмуд Қошғарийнинг 1073 йили ёзиб тугатилган "Девони луғатут-турк" китобида туркий тилнинг X—XI асрлардаги намуналари келтирилган...

Юқорида номлари зикр қилинган олим ва шоирлар ижоди Совет Шарқ ва Ғарбий Оврўло олимлари томонидан ўрганилиб, улар ҳақида йирик илмий тадқиқотлар ва илмий-оммабоп китоблар нашр этилди. Лекин худди шу даврда яшаб ижод этган Ибн Сино ва Берунийлар

замондоши буюк олим, шоир, тилшунос, адиб ва тарихчи, Абу Мансур Абдулмалик ас-Саолибий ҳаёти ва ижоди ҳали етарли ўрганилгани йўқ. Ўрта Осиё халқлари тарихи ва маданияти соҳасида беқиёс илмий мерос қолдирган бу улуг сиймо ҳаёти ва ижоди ҳанузгача кўпчилик илм аҳли ва умуман кенг жамоатчиликка номаълум бўлиб қолмоқда. Ушбу кичик рисоламизда Абу Мансур Абдулмалик ас-Саолибийнинг ҳаёти ва ижоди, унинг бой илмий мероси хусусида фикр юритамиз.

АБУ МАНСУР АС-САОЛИБИЙНИНГ ҲАЁТИ

Олимнинг тўла исми Абу Мансур Абдулмалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас-Саолибий ан-Найсобурий (ан-Нишопурий). Унинг номи замондошлари ва ўзидан кейинги жуда кўп Шарқ олимлари томонидан фахр билан тилга олинган ва унинг ижодига юксак баҳо берилган. Саолибийнинг бой илмий меросидан ҳозиргача кенг истифода этилиб келинмоқда.

Саолибий¹ номини биринчи тилга олган олим унинг дўсти ва замондоши Абу Наср Утбий (961—1036) Маҳмуд Ғазнавий тарихига бағишланган "Тарих ал-Йаминий" номли асарининг бир неча саҳифасида Саолибий шеърларидан намуналар келтирган. Саолибийдан бироз кейин яшаган Абул-Ҳасан Али ал-Бохарзий (вафоти 1074 й.) ўзининг "Думйат ал-қаср" ("Қаср тасвири") номли асарида унинг таржимаи ҳолини келтириб, шеърларидан парчалар берган². Бохарзий Саолибийни Нишопурдан чиққан ал-Жоҳиз³, деб атайди ва уни худди қуёшдек маълум ва машҳур кишилигини эътироф этиб, отаси Саолибий билан Нишопурда қўшни бўлганини таъкидлайди.

Машҳур араб сайёҳи ва қомусчи олими Ёқут ибн Абдуллоҳ ал-Ҳамавий (1179—1229) ўзининг "Муъжам ал-удабо" ("Адиблар лугати") номли кўп жилдли асарининг бир неча жойида Саолибий номини тилга олган ва унинг асарларидан самарали фойдаланган⁴.

¹ Кулайлик учун аниқлик артикли (ас) ни бундан кейин тушуриб кетамиз.

² Думйат ал-қаср ва усрат аҳл ал-аср, Ҳалаб, 1030, 316-бет (араб тилида).

³ Абу Усмон Амр ибн Баҳр ал-Жоҳиз (вафоти 869) — машҳур араб адиби.

⁴ Ёқутнинг бу асари "Иршод ал-ариб ило маърифат ал-адиб" ("Адибларни таниш учун моҳир қўлланма") номи билан ҳам юритилади. Китоб 1907—1912 йилларда Лондонда олти жилдда; 1923—1928 йиллари Мисрда етти жилдда; 1926—1938 йиллари Қоҳирада 20 жилдда нашр этилган.

Араб тарихчи ва таржимаиҳолнавис олими Ибн Халликон (1210—1282) "Вафайот ал-аъйон" ("Аъёнлар вафотлари") асарида Саолибий ҳақида маълумот берган ва унинг шеърларидан намуналар келтирган. Ибн Халликон ўз маълумотини шундай сўзлар билан бошлайди: "У ўз даврида илм яйловларида ўтловчи, наср ва назм устозларининг мажмуаси, замона муаллифларининг тожи ва мусаннифларининг имоми эди, ўзи билан рақобатлашувчи кишилар устидан ҳукм юритарди, унинг томонига (доим) туялар (карвони) йўл оларди, унинг (шеърӣй) девонлари зулматда нур сочган юлдуз каби Машриқ ва Мағрибда нур сочиб турарди. Унинг асарлари яхши нарсаларнинг энг машҳури, ёритувчи нарсаларнинг энг нурлиси ва энг муқаддамидир"¹.

Юқорида кўрсатилганлардан ташқари Ибн Шокир ал-Кунонанинг "Уни ат-таворих" ("Тарихчилар чашмаси"), Ибн Шаҳбанинг "Табақот ан-нуҳот ва-л-луғавин" ("Грамматика ва луғат олимлари табақалари"), ал-Анборийнинг "Нузҳат ал-албоб" ("Доноларнинг ором олиши"), Ибн ал-Имюднинг "Шазарот аз-заҳоб" ("Олтин заррачалар"), ал-Ёфийнинг "Миръат ал-жинон" ("Жаннатлар кўзгулари"), Абул Фидонинг (1283—1331) "Мухтасар фи ахбор ал-башар" ("Башарият хабарлари ҳақида қисқача тарих"), Тош Кўприйнинг "Мифтоҳ ас-саодат" ("Саодат калити"), Муҳаммад Курд Алининг "Кунуз ал-ажод" ("Аждодлар хазиналари"), ал-Бағдодийнинг "Ҳадийат ал-орифин" ("Маърифатлилар учун ҳадя") ал-Хувансорийнинг "Равзат ал-жаннот" ("Жаннатлар боғи"), Хожи Халифа номи билан машҳур бўлган турк олими ва библиографи Котиб Чалабинийнинг кўп жилдли "Кашф аз-зунун" ("Шубҳаларнинг ечилиши") асарида ва бошқа жуда кўп манбаларда Саолибий ҳақида маълумотлар берилган, унинг асарлари зикр қилинган, улардан намуналар келтирилган, айримларида унинг шеърларидан байтлар илова қилинган.

Ҳозирги замон араб олими Умар Ризо Каҳҳола ўзининг "Муъжам ал-муаллифин" ("Муаллифлар луғати") номли

1

Шамсуддин Абулаббос Аҳмад ибн Иброҳим ибн Халликон, Вафайот ал-аъйон, 1-ж: Миср, 1892, 290—291-бетлар (араб тилида).

кўп жилдли асарида Саолибий ҳақида қисқа маълумот беради; унинг айрим асарларини зикр қилиб, у ҳақидаги манбаларни эслатиб ўтган¹. Ўзининг муаллифлар ҳақидаги бир қанча маълумотларини Саолибий асарларидан олган Миср олими Ҳанно ал-Фохурий "Араб адабиёти тарихи" номли асарида ҳам Саолибий ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган².

Турк олими Шамсуддин Сомий ҳам ўзининг турк тилида ёзилган "Қомус ал-аълум" номли китобида Саолибийнинг қисқа таржимаи ҳолини бериб, асарларининг баъзиларини кўрсатиб кетган ва олимнинг тўрт мисра шеърини илова қилган³.

Саолибий ҳаёти ва ижоди Шарқ олимлари томонидан анча ўрганилган бўлса ҳам, унинг бутун ҳаёти ва ижодий фаолиятини тўла қамраб оладиган мукамал асар ёзилмаган эди.

Бу борада ҳозирги замон Ироқ олими Маҳмуд Абдуллоҳ ал-Жодирнинг ҳижрий 1392 (1976 милодий) йили Бағдодда араб тилида нашр этилган "ас-Саолибий. Ноқид ва адиб" номли йирик тадқиқий асари муҳим илмий аҳамиятга эгадир.

Асар мусулмон олимларига хос "меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан" ибораси билан бошланган бўлиб, у сўз боши, ўчта йирик боб, сўнгги сўз, фойдаланилган манбалар рўйхати; исмлар, китоблар, жойлар, халқлар ва тоифалар, қофиялар, оят ва ҳадислар кўрсаткичларидан иборатдир. Китоб ҳажми 618 бет.

Биринчи боб Саолибийнинг ҳаёти ва маданий меросига бағишланиб, икки фаслдан иборат: унинг ҳаёти ва маданий мероси.

Иккинчи боб унинг танқидий қарашлари. Икки фаслдан иборат: унинг иқлимий қарашлари ва фанга оид қарашлари.

Учинчи боб эса алломанинг адабий меросига бағиш-

¹ Умар Ризо Қаҳҳола, Муъжам ал-муаллифин, 1—15 жилдлар. Дамашқ 1957—1961 (6-ж., 189—190-бетлар).

² Ханна аль-Фахури, История арабской литературы, т. II, Москва, 1960, б. 2., 4.

³ Қомус ал-аълум, 3-ж. Истамбул, 1891, 1740—1741-бетлар.

ланган. Бу ҳам икки фаслдан иборат: насрий асарлари ва шеърлари.

Китобда фаслларнинг ҳар қайсиси бир неча бўлимларга бўлинган бўлиб, уларда Саолибий ҳаёти ва ижодининг ҳамма томонлари тўла қамраб олинган ва илмий асосда таҳлил қилинган.

Маҳмуд Абдуллоҳ ўз асарини ёзишда Шарқ ва Ғарбнинг кутубхоналарида мавжуд бўлган Саолибий ҳақида маълумот берувчи деярли ҳамма қўлёзма ва босма манбалардан, шунингдек, Саолибийнинг бизгача сақланиб қолган асарларидан фойдаланган. Аммо совет олимларининг, шу жумладан бизнинг жумҳуриятимиз олимларининг Саолибий ҳақидаги илмий тадқиқотлари ва Саолибий асарларидан ўзбек тилига қилинган таржималар Маҳмуд Абдуллоҳ диққатидан четда қолиб кетган.

Абу Мансур Саолибий ҳақида ёзилган яна бир муҳим йирик тадқиқот 1976 йили Бағдодда нашр этилган 517 бетдан иборат. "ал-Адаб ал-арабий фи иқлими Хоразм" ("Хоразм диёрида араб адабиёти") номли китоб бўлиб, унинг муаллифи фаластинлик олима Ҳинд Ҳусайн Таҳадир.

Бу асар асосан Хоразм араблар томонидан фатҳ этилган 712 йилдан то Хоразмшоҳлар давлати тугатилган 1230 йилгача бўлган давр адабий ҳаёти хусусида бўлиб, мазкур китобда шу давр ичида Хоразмда ёзилган араб тилидаги шеърӣ ва насрий асарларга кенг ўрин берилган. Ҳинд Ҳусайн Таҳа шарқшуносликда биринчи бўлиб Хоразм адабиётининг 550 йилдан иборат даврини мукамал илмий ўрганди. Асарда Саолибий ҳаёти ва унинг "Йатимат ад-даҳр" тазкираси ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Китобнинг Абу Бакр ал-Хоразмӣ, Муҳаммад ибн Ҳомид, Абу Муҳаммад ар-Раққоший каби шоирлар ҳақидаги бўлимлари "Йатимат ад-даҳр" маълумотлар асосида ёзилган. Араб олимасининг ушбу асари VIII—XIII асрларда Хоразмда араб тилида яратилган бадий адабиётни чуқур таҳлил этган муҳим тадқиқотдир. Ушбу асарда Хоразм сўзининг талқини, Хоразмнинг жуғрофий тузилиши, унинг тарихий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти ҳақида ҳам алоҳида тўхтаб ўтилган.

Саолибий ҳақида Оврупо олимларининг кўпгина асар-

ларида маълумот берилган. Жумладан немис олими Карл Броккельманнинг "Араб адабиёти тарихи", Гибнинг "Араб адабиёти" каби асарларини кўрсатиш мумкин. Саолибий асарлари Да Слан, Ръё, Алвардт ва бошқа Ғарб олимларининг қўлёзмалар хусусидаги каталогларига киритилган ва уларда Саолибий ҳақида қисқача маълумотлар берилган.

Бизнинг мамлакатимизда Саолибий ҳаёти ва илмий мероси ҳақида биринчи марта машҳур шарқшунос олимлар В. В. Бартольд, Е. Э. Бертельс, И. Ю. Крачковский кабилар қимматли фикрларни айтиб ўтганлар.

Ўзбекистонда Саолибий илмий меросини ўрганиш 60-йиллардан бошланди. Ушбу асарлар муаллифининг ҳам Саолибий асарлари асосида бир неча илмий мақолалари ва "Бухоронинг арабийнавис шоирлари" (1965 й.), "Абу Мансур ас-Саолибий" (1972 й.), "Берунийга замондош шоирлар" (1975 й.) рисоалари ва рус тилида "Ўрта Осиё ва Хуросонда X—XI асрлардаги араб тилидаги шеърят (1984) деган асаримиз нашр этилди. Саолибийнинг машҳур "Йатимат ад-даҳр" номли тазкирасининг Хуросон ва Ўрта Осиё арабийнавис шоирлари ҳақида маълумот берувчи тўртинчи қисми, унинг "Латоиф ал-Маориф" ва "Татиммат ал-Йатима" асарлари ўзбек тилидаги таржимаси тадқиқот ҳамда изоҳлари билан нашр этилди.

Юқорида зикр қилганимиз манба ва адабиётлар асосида Саолибий ҳаёти ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин.

Абу Мансур Абдулмалик ибн Муҳаммад ас-Саолибий ҳижрий 350 (милодий 961) йили Нишопурда туғилган, шунинг учун ан-Нишопурий (арабча ан-Найсобурий) нисбаси билан юритилади. У вақтда Нишопур Шарқда илму-фан марказларидан бири эди. Олим шу ерда яхшигина маълумот олади, араб тили ва араб адабиётини ниҳоятда чуқур ва пухта эгаллайди. Тарих фани билан қизиқади, айниқса Эрон ва Ўрта Осиё халқлари тарихини мукаммал ўрганади. Нишопурлик йирик олим ва адиблар билан яқиндан алоқада бўлади. Ёқут Ҳамавийнинг ёзишича, ҳиротлик шоир Абу Сулаймон ал-Хаттобий (931—998) Саолибийнинг муаллими бўлган. ("Муъжам ал-удабо", 2-ж., 31-б) Саолибий ўз устози бўлмиш бу шоирнинг

ижодий намуналарини ўзининг "Ўатимат ад-дахр" тазкирасига киритган ва унинг номини зўр ҳурмат билан тилга олган. Суриялик адиб ва тарихчи Курд Али Муҳаммад (1876—1953) Саолибий Нишопурда машҳур хоразмлик шоир Абу Бакр ал-Хоразмийдан (935—993) ҳам дарс олганини ёзади ва у буюк шоир ҳамда таниқли адиб бўлган эди, деб таъкидлайди ("Кундуз ал-ажод", 233-бет). Саолибий Нишопурда Абу Бакр ал-Хоразмий билан машҳур шоир ва адиб Бадиуззамон ал-Ҳамадоний (969—1007) ўртасида бўлиб ўтган адабий тортишувларда иштирок этган. Унинг асарларидан маълум бўлишича, Саолибий Нишопурда ўша даврнинг машҳур олим ва шоирлари Абу-л-Ҳусайн ал-Форисий (вафоти 1030 й.), Абу наср ал-Утбий (961—1036 ёки 1040), Абу Наср ал-Жавҳарий (вафоти 1008 й.)лар билан яқин муносабатда бўлган. "Ўатимат ад-дахр" ва "Фиқҳ ал-луға" асарларидаги маълумотлар Саолибий Нишопурда амир Абу-л-Фазл Убайдуллоҳ ал-Меколий (вафоти 1044 й.) ҳокимлиги даврида яшаб, ундан кўп илтифотлар кўрганидан далолат беради. Саолибий "Фиқҳ ал-луға" китобининг муқаддимасида ал-Меколийни ниҳоятда мақтайди, унинг қўл остида яшаганини, мажлис ва суҳбатларидан кечасию кундузи баҳраманд бўлганини ёзади ("Фиқҳ ал-луға", 10-б). Маҳмуд Абдуллоҳ маълумотларига қараганда, Саолибий Исфароин шаҳрида яшаб, Абу-л-Аббос ал-Фазл ибн Али ҳузуридаги шоирлар даврасида бўлган, Ҳиротда Абу Аҳмад Мансур ибн Муҳаммад ал-Ҳиравий ал-Яздий ҳузурида яшаб, унга ўзининг "ал-Латиф фи-т-таййиб" ("Ёқимли нарсаларда нозиклик") ва "ал-Ийжоз ва-л-эъжоз" ("Нодир сўзлар ва қисқа иборалар") асарларини тақдим этган.

Шундай қилиб, Нишопурда савод чиқариб, илмини камолатга етказган олим ҳаёт қийинчиликлари туфайли савдогарлик билан ҳам шуғулланади. Ибн Халликоннинг "Вафайот ал-Аъён" асарида кўрсатилишича, Саолибий асосан тулки териси билан савдо қилган ва ундан турли нарсалар тикиш билан шуғулланган. Шунинг учун у "ас-Саолибий" (саълаб—тулки, саолиб—унинг кўплиги) лақабини олди ва шу лақаб билан машҳур бўлиб кетди. Маҳмуд Абдуллоҳ ал-Жодир эса "Абу Мансурнинг бо-

далиги камбағал оилада ўтган, унинг отаси тулки териси тикиш ва ундан мўйналар ишлаш билан кун кечирган” деб ёзади ва далил сифатида талайгина манбаларни келтиради¹. Савдогарлик билан шуғулланиш туфайли Саолибий кўп шаҳар ва мамлакатларни кезади, у ерларнинг давлат арбоблари, амиру вазирлари, олим ва шоирлари билан танишиб, уларнинг суҳбатларида бўлади. У Араб ярим оролининг кўп шаҳарлари (Макка, Мадина), Ироқ, Испания, Хуросон, Мовароуннаҳр, Хоразм ва бошқа жойларда бўлган. Ўзининг “Йатимат ад-даҳр” тазкирасида ёзишча, Саолибий 382 ҳижрий (992—993 милодий) йили Бухорога келиб, ушбу шаҳарда бир неча ой турган ва жуда кўп олим ва шоирлар суҳбатида бўлган².

Машҳур тарихчи Абу-л-Файз Байҳақийнинг (995—1078) “Тарихи масъудий” китобидаги маълумотларга кўра, Саолибий Хоразмда ҳам бир неча вақт истиқомат қилган, хоразмшоҳ Абу-л-Аббос Маъмун ибн Маъмун (1009—1017) суҳбатида бўлган ва унга атаб асарлар ҳам ёзган³.

Саолибий ўзининг “ат-Тамсил ва-л-муҳозарат” ва “Мубҳиж” номли иккита асарини Зиёрийлар амири Шамсул Маолий Қобус ибн Вушмгирга бағишлаган ва унга тақдим этган. Демак, олим Каспий олди вилоятлари ҳокими Қобус ибн Вушмгир (978—1012) саройида Журжонда ҳам яшаган.

Саолибий Маҳмуд Ғазнавийнинг биродари Абу Музаффар Наср ибн Сабуктагин (вафоти 1021) ҳимояси остида бир неча йил Ғазнада ҳам истиқомат қилган ва унинг буйруғи билан “Шоҳномаи Саолибий” номи билан машҳур бўлган “Ғурар ахбор мулук ал-фурс ва сийа-риҳум” асарини ёзган.

Маҳмуд Абдуллоҳ ал-Жодир ўз асарида Саолибийнинг устоз ва раҳнамоларини ҳам батафсил тавсифлаб ўтган. Улардан энг машҳурлари Абу Бакр ал-Хоразмий, Абу-ал-Фатҳ Бустий, Абу Али Муҳаммад аз-Зоҳир, Абу Тоҳир Маймун ал-Воситий, Абу Наср ал-Утбий, Абу Бакр ал-

1 “ас-Саолибий Ноқидан ва адибан”, 72-бет.

2 “Йатимат ад-даҳр”, 4-ж., 171-б. Ўзбекча таржимаси, 204-бет.

3 “Тарихи Масъудий”, 669-б. Русча таржимаси, 589-бет.

Кўҳистонийлар алоҳида зикр қилинган. Ҳша асарда Саолибийнинг шогирдлари ҳам тилга олиниб: "Ҳозирги кунимизгача ҳам у ўз казинаси билан бизга фойда келтироқда ва шундайлигича қолади",— деб ёзилган. Маҳмуд Абдуллоҳ ўз асарининг "Унинг шахсияти ва ахлоқи" деган бўлимида Саолибийнинг олийжаноб хислатлари; камтарлиги, дунё бойлиги билан иши бўлмагани, фақирона ҳаёт кечиргани, мўъмин, эътиқодли, замонасининг илғор кишиси бўлгани, жуда кўп адиб, олим ва мансабдорлар унга дўст бўлиб, ҳурмат ва иззатини ўрнига қўйишгани, олим уларнинг қалбидан жой олгани ҳақида ҳам айтиб ўтган.

Кўпгина мамлакатларни кезиш, машҳур олим, шоир ва адиблар билан учрашиш Саолибий учун катта билим манбаи бўлди. У ўз таассуротлари асосида бир қанча асарлар ёзди. Абу Мансур Саолибий 429 ҳижрий (1038 милодий) йили Нишопурда вафот этди. Баъзи манбаларда унинг вафоти 430 (1039) йил деб кўрсатилар эди, лекин Маҳмуд Абдуллоҳ 429 (1038) йил тўғри эканлигини илмий асослаб берди.

Уч буюк сиймо — Саолибий, Ибн Сино ва Абу Райҳон Берунийлар бир даврда ва бир давлат ҳудудида яшадилар, лекин улар бир-бирлари билан бевосита алоқада бўлгани ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Айниқса Саолибий Беруний билан учрашмаган дейиш қийин. Саолибий Берунийдан 12 йил аввал туғилиб, 10 йил олдин вафот этган. Беруний бўлган жойларнинг деярли ҳаммасида Саолибий ҳам бўлган, буюк мутафаккир билган кишиларнинг кўпчилигини Саолибий ҳам билган. Беруний ҳам, Саолибий ҳам Зиёрийлар сулоласи амири Шамсу-л-Маолий Қобус ибн Вушмгир (978—1012) қўл остида бир неча йил Журжон шаҳрида яшаганлар. Абу Райҳон Беруний ўзининг машҳур "ал-Осор ал-боқийа ан-ал-қурун ал-ҳолийа" ("Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар") асарини Қобус ибн Вушмгирга бағишлаб ёзган ва унга ҳадя қилган. Саолибий ҳам "ат-Тамсил ва-л-муҳозарат" ("Нодир сўзлар ва суҳбат") ва "Мубҳиж" ("Кўнгил очувчи") деган китобларини Қобус ибн Вушмгирга ҳадя қилган ва унга бағишлаб бир қанча шеърлар ҳам ёзган. Беруний бир қанча олимлар қатори хоразмшоҳ

Абу-л-Аббос Маъмун ибн Маъмун (997—1017) ҳузурида бир неча йил истиқомат қилган, Саолибий ҳам Маъмун саройида бўлиб, у билан кўп суҳбатлашган.

Юқорида айтганимиздек, Саолибий Маҳмуд Ғазнавийнинг биродари Абу Музаффар Наср ибн Сабуктагин қўли остида яшаган, Маҳмуд Ғазнавийни ҳам яхши билган. Беруний ҳам бир неча вақт Маҳмуд Ғазнавий саройида истиқомат қилган. Машҳур шоир ва котиб Абу-л-Фатҳ ал-Бустий (971—1010) Саолибийнинг энг яқин дўстларидан бўлган. Олим унга "Йатимат ад-дахр" тазкирасидан деярли бутун бир бобни ажратган, унинг насрий ва назмий асарларидан намуналар келтириб, истеъдод ва ижодига таҳсинлар айтган. Саолибий ўзининг бошқа асарларида ҳам Абу-л-Фатҳ Бустий номини ҳурмат билан тилга олган ва асарларидан намуналар бериб кетган. Абу-л-Фатҳ Бустий ҳам ўз навбатида Саолибийни ўзига энг яқин дўст деб билган ва унга атаб бир қанча шеърлар ёзган. Бундай шеърларни Саолибийнинг "Йатимат ад-дахр" тазкирасида учратиш мумкин¹. Шунингдек Беруний ҳам Абу-л-Фатҳ Бустийни яхши билган. Ёқут Ҳамавийнинг "Мўъжам ал-удабо" асарида Берунийнинг Абу-л-Фатҳ Бустийга атаб ёзган икки байт шеъри келтирилган.

Беруний ўзининг "Қимматбаҳо тошларни билиб олиш учун маълумотлар тўплами" асарида "Абу Мансур Саолибий шоирларнинг ўхшатишлар қўллаш одатига эргашиб, Али ибн Муқла тўғрисида ҳам гапиради" деб ёзади ва Али ибн Муқланинг Саолибий асаридан олинган икки байт шеърини келтиради². Саолибийнинг "Йатимат ад-дахр" асарида маълумот берилган шоир Абу-л-Ҳасан ал-Лаҳҳомнинг икки байт ҳажвий шеърини Беруний "Сайдана" асарининг мойчечак бобига киритиб кетган³.

"Йатимат ад-дахр"га киритилган шоирлардан ал-Лаҳ-

1

Абу Мансур ас-Саолибий, Йатимат ад-дахр; 345-бет. (Бетлар ўзбекча таржима бўйича берилган).

2

Абу-р-Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия) . М., 1960., б. 106.

3

Абу Райхан Бируни. Фармакогнозия в медицине, Ташкент, 1973, б. 222.

ҳом ва ас-Салломийларнинг номлари ҳам Берунийнинг "Минералогия" асарида тилга олинган. Берунийнинг бошқа асарларида ҳам бундай далилларни кўплаб топиш мумкин. Демак, Беруний ўз замондоши Саолибий асарларилан самарали фойдаланган. Лекин Беруний ва Саолибийларнинг ҳозирча бизга маълум бўлган асарларининг бирортасида улар бир-бирларини шахсан билганликлари ҳақида аниқ маълумот учрамайди. Бир давр, бир давлатда яшаб, бир хил амир ва бошқа машҳур шахслар билан дўст бўлган бу икки аллома бир-бирларини билмаган деб бўлмайди, албатта. Уларнинг асарларини ўрганиш орқали бу муаммо ҳал бўлса ажаб эмас.

Замондошлари Саолибийнинг илму фазилатига жуда катта баҳо берганлар. Жумладан юқорида эслатганимиз Абу-л-Фатҳ Бустийнинг унга атаб ёзган шеърида шундай сатрлар бор.

Менинг қалбим Нишопурда биродарим ҳузурида доимо қолган, (бутун) мамлакатлар қидирилганда ҳам, у каби дўст йўқдир.

Унга энг олий даражадаги ахлоқ сифатларида нисбат берилган, улардан: ақл, донолик ва шон-шухрат.

Яна:

Менинг ўзи, асли ва шохигача пок бўлган биродарим (бор), у менинг учун кўзим ва қулогим ўрнида туради.

Мен унинг биродарлигини мусибатларнинг (келиши) ва кўтарилиб кетишидаги икки ҳолатда синаб кўрганимда, дўстимнинг ақлдан ҳам насиҳатгўйроқ, муҳаббатдан ёқимлироқ, табиатдан мулойимроқ ва шариятдан файзлироқ эканини сездим.

Яна:

Агар одамлар биродарларини унутиб юборган бўлсалар, улар муҳаббатга хиёнат қилган хоинлар бўлади,

Менинг эса ғойиб биродарларим учун (шундай)

саҳифалар борки, сенинг (яъни Саолибийнинг) зикринг уларнинг сарлавҳасидир.

"Йатимат ад-дахр"га киритилган шоирлардан Нишопур амири Абу-л-фазл Убайдуллоҳ ал-Меколий (вафоти 1045 йил) шундай деган:

Шундай биродарим борки, унга бўлган муҳаббат мислсиздир, у сўзлагандаги иборалари ҳам мислсиздир.

Агар у бир кун бўлмаса, (мажлисда) иштирок этувчилар нигорон бўлишади, агар у иштирок этса, мажлис аҳли ундан роҳатланади.

АБУ МАНСУР САОЛИБИЙНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ

Саолибий — шоир

Абу Мансур Саолибий араб тилида ижод этган истеъдодли шоир бўлган. Замондошлари ва ундан кейин яшаган олимлар Саолибийнинг шеърий девони мавжудлигини ёзиб кетганлар. Лекин афсуски, бизгача Саолибийнинг девони тўлиқ ҳолда етиб келмаган. Унинг шеърлари олимнинг турли асарларида ва бошқа олимларнинг китобларида тарқоқ ҳолда учрайди.

Манбаларни синчиклаб ўрганиш бизга маълум бўлган асарларни кўздан кечириш натижасида унинг 160 байтдан ортиқроқ шеъри аниқланган холос. Шундан 66 байти Абу Наср ал-Утбийнинг "Тарих ал-Йаминий" китобида, Саолибийнинг асарлари саналмиш "Латоиф ал-маориф"да 33 байт, "ат-Тамсил ва-л-муҳозарат"га мисрлик олим Абдулфаттоҳ ал-Ҳулув ёзган сўз бошида 65 байт берилган. Маҳмуд Абдуллоҳ ал-Жодир Саолибий ижодига бағишланган китобининг "Унинг шеърияти" бўлимида шоирнинг бизга маълум бўлмаган жуда кўп асарларини синчиклаб ўрганиб, унинг қаламига мансуб 251 байт шеърини келтирган. Улар асосида Саолибий шеъриятининг "ўзига хос хусусиятлари"ни (60 байт), "мақсадлари"ни (5 байт), "мадҳлар" (51 байт), "васф" (30 байт), "ғазал" (22 байт),

"ихвониёт" (19 байт), хамриёт (11 байт), шикоятлар (36 байт), ҳикмат (5 байт), марсиялар (12 байт) каби жанр ва турларга бўлиб таҳлил қилган. Бу келтирилган 251 байтдан иборат шеърӣй парчалар Саолибий шеърӣй меросининг ҳаммасини ташкил этмайди албатта. Унинг ҳали топилмаган бошқа яна ўнлаб шеърлари бўлиши шубҳасиз.

Саолибийнинг бизга маълум бўлган шеърлари асосан тарихий воқеаларга, айрим ҳукмдорларга бағишланган қасидалардан, дўстларига ёзган ихвониётлардан, васфиялардан, ишқӣй шеърлардан, хамриёт (майни куйловчи шеърлар) ва марсиялардан иборатдир.

Утбийнинг "Тарих ал-Йаминий" асарига киритилган шеърӣй парчаларда биз ўша даврда бўлиб ўтган турли тарихий воқеаларга ва айрим машҳур кишиларнинг бадий сиймоларига дуч келамиз.

Абу Наср Утбий Бувайҳийлар сулоласи амири Фахруддавла (976—997), сомонийлар лашкарбошиси Хусумуддавла Абулаббос Тош (вафоти 983 ёки 987) ва Хуросон ноиб Абдулҳасан ибн Симжур (вафоти 989)лар орасида бўлиб ўтган воқеаларни ёзар экан, Саолибийнинг Ибн Симжурнинг Тошдан мағлубиятга учраши муносабати билан ёзган қуйидаги шеърини келтиради:

У зотга айтгин: мен унинг иштиёқидан қўрқаман¹,
сочилган чекка сочи юракларни овлапти.

Шундай чекка сочларки, шамол эсганда худди Ибн Самжурнинг қалби Тошни ҳис этаётгандай бўлиб кўринади.

"Тарих ал-Йаминий" да берилган бошқа бир шеър Бувайҳийлар амири, олим ва шоирлар ҳомийси ас-Соҳиб лақоби билан машҳур бўлган Абулқосим Исмоил ибн Аббод (938—995) вафоти муносабати билан ёзилган марсиядан парчадир.

387 ҳижрий (997 милодий) йили Мовароуннаҳр ва Хуросонда жуда катта воқеалар: тож-тахт учун курашлар юз беради, натижада Ғазнавийлар ҳукмронлиги ўрнатилиб, Сомонийлар сулоласи инқирозга юз тутди. Айни

¹ Шеърларни насрий таржимада бериб борамиз.

шу йилда газнавийлар давлатининг асосчиси Насируддин Сабуктагин, сомонийларнинг машҳур амири Нуҳ ибн Мансур ва Хуросон ноибни Абу Али ибн Симжурлар вафот этди. Бу воқеаларни Абу Наср Утбий "Тарих ал-Йаминий" асарида батафсил баён этар экан, шу йил воқеаларига бағишланган бир қанча шеърларни келтиради. Улар орасида Саолибий қаламига мансуб бир қасидадан олинган қуйидаги парча ҳам берилган:

Асримиз подшоҳлари тахтда турганларидан буён жарчи уларни ўлимга ва қатлга чорлаганини кўрганмисиз?

Ҳалокат қўли Нуҳ ибн Мансур қалбини ҳасратларга батамом гирифтор қилди.

Қандай бахтсизликки, Сарахс жангчи Мансур мулкини парчалаб ташлади ва у ҳалок бўлди.

(Ҳалокат қўли) унинг ёқасидан чок этди, у асир ва кўр бўлиб қолди, яқинлари ундан четлашдилар.

Миср ҳокими ўз йўлига равона бўлди, Жибол ҳукмдорини эса қиличлар мағлубиятга учратди.

Жўржония ҳокими надомат чекапти, ўлим кўзи уни кузатиб турибди.

Улар шароб косаларини биргалашиб кўтаришди, сўнг биргалашиб ўлим косаларини ичишди, ваҳоланки, қонлар оқиб турарди.

Хоразмшоҳ ноз-неъматларининг юзи ёмонлашди ва наҳснинг қовоғи солиқ куни унга дуч келди.

Абу Али (Ибн Симжур) то ҳалокат уни олиб кетгунча ер юзини оёқ-ости қилиб юрган эди.

Ёмонликнинг мустаҳкам тишлари у билан курашди, ов вақтида овчининг чап томонидан кўринадиган шум қуш унга намоён бўлди.

Бустнинг чангаллари Шарқ ва Ғарбни фатҳ этган мана бу шердай ҳоким.

Тақдирнинг зарбаси бутун куч билан уни тиз чўқтирди, тақдир ана шундай чап беради.

Сузувчи отлар шерга ўхшарди, дайдиб юрувчи филлар эса тоғлар каби эди.

Аскарлар майда тошлар ададидан ҳам кўп эди, улар билан (ўша жойнинг) текис ва нотекис ерлари тўлиб тошганди.

Матонатли Бувайҳийлар давлати уларнинг офат ёғдирувчи ўқлари билан бахтсизликларга йўлиқди.

Журжон ҳокими кучсиз кўприклардан ўтиб кетди ва ҳалок этувчи ўлим уни тугатди.

Бичилган Фоиқнинг¹ умри ҳам бичилди, у ғазаблан-япти, унинг учун йиғловчи эса кўз ёши ҳам тўкмаяпти.

Саолибийнинг бу мисраларидан кўриниб турибдики, олим ўша йиллар тарихий воқеаларининг чинакам шоҳиди сифатида, уларни рўй-рост шеърӣ услуб билан баён этган. Нима учун ушбу келтирилган парчада Саолибий Абу Али ибн Симжурга салбий муносабатда бўлмоқда. Демак, Хуросон ноиб, лашкарбошиси Ибн Симжур билан Саолибийнинг муносабати яхши бўлмаган. Абулҳасан Фоиқ билан ҳам унинг муносабати келишмагандай кўринади.

Саолибийнинг "Тарих ал-Йаминий"га киритилган шеърларидан бири Маҳмуд Ғазнавийнинг биродари, лашкарбошиси Абу Музаффар Наср ибн Насируддин Сабуктагиннинг Ғазна шаҳрини фатҳ этишдаги ғалабасига бағишланган. Саолибий бу одам билан яхши муносабатда бўлиб, унинг паноҳида яшаганини юқорида айтиб ўтдик.

Бошқа бир қасидадан олинган ўн етти байт шеър Сижистоннинг Маҳмуд томонидан 1003 йили босиб олиниши ҳақида яна бир шеърӣ парча Сижистон ҳокими Халаф ибн Аҳмаднинг 1009 йили Султон Маҳмуд томонидан асир олиниши воқеаси хусусида ёзилган.

Абу Наср Утбий ўз асарининг бир бобида шоир ва

¹ Абулҳасан Фоиқ ибн Убайдуллоҳ ар-Румий ал-Хосса (вафоти 999 йил) — Сомонийлар даври с-эсий арбобларидан, ўша давр давлат ишларида ва смёсий воқеаларда кўзга кўринган шахс бўлган.

олимлар ҳомийси Қобус ибн Вушмгирнинг ўзга юртлардаги саёҳатларидан сўнг 998 йили Журжонга қайтиб келиши ва унинг ғалабалари ҳақида ҳикоя қилар экан, кўпчилик шоирларнинг унга бағишлаб ёзган қасида ва шеърларига мурожаат қилган. Шулар орасида Саолибийнинг қуйидаги мисраларини ҳам учратиш мумкин:

Мунтазам бир ғалаба, замона (хурсандликдан) кулиб турибди.

Адолат ёйилди, ҳақиқат ўз аслига қайтди. Халқ бирлашди, жабру жафо йўқ қилинди.

Дунё ўз калитларини подшоҳга топширди. Шон-шуҳрат ва карам доимо у томонда бўлсин ва ундан юз ўгирмасин!

Шамсулмаолий (Қобус) Шарқ ва Ғарбга (ҳаёт берувчи) ёмғир, у шундай зотки, шон-шуҳрат, подшоҳлик ва сарой аҳли у билан фахрланади.

У раҳнамо, у олийжаноб бошлиқ, у тўлин Ой, у донм уйғоқ қўриқчи ва у (олим, шоирларга) қаламдир.

У шундай булутки, куч билан момақалдироқ келтиришдан ҳайиқади, араб ҳам, ажамлик¹ ҳам унинг ёмғирига умид боғлайди.

У (бир жойда) муқим турса ҳам, ажойиб хислатлари ҳамма ёққа ёйилган; гўё унинг буюклиги энг яхши (хулқларидан) назм қилинган.

Ер унинг қалби кенлигидан, куч-қудрат унинг қўли туфайли ва боғлар унинг ажойиб хулқидан кулиб турибди.

Эй, замона сиқиб қўйган пойтахтим бахтга эришсин деб унга ёндашган киши, сенга Тангри ёр бўлсин!

(Эй, Саолибий), хурсанд бўлавер, мана Тангри берган ғалаба қувонч билан келди, унга байроқ тиккан ғалабага ҳамроҳ бўл!

1

Ажамлик — араб бўлмаган халқлар, кўпроқ эронликлар арабларда шу ном билан аталади.

Эй шоҳлар (овламоқчи бўлган) ўлжа ва ундан ҳимоя истаб келган кишилар, кечасию кундузи Тангри ҳимоясида юраверинг!

Икки янги нарса (кеча-кундузни) янги ва узоқ умр билан ўтказавер, подшоҳлик тавфиқ ва қасам билан сенга хизмат қилаверади.

Саолибийнинг мадҳий шеърларидан яна бири Нишопур амири Абулфазл Меколийга бағишланган бўлиб, унинг ўн байти Ибн Халликоннинг "Вафайот ал-аъйюн" номли асарига берилган. Шоир ўз мадҳияларида фақат ҳоким табақаларнигина мадҳ қилмай, ўзига замондош бўлган фақир шоир ва олимларни ҳам васф этади. Унинг яқин дўстларидан бўлмиш шоир Абу Наср ибн Марзубон ҳақида муаммо жанрида ёзган қуйидаги беш мисраси "Йатимат ад-даҳр"да (413-бет) келтирилган:

Илм қуёши, асрнинг яғонаси, мавлоно надим амир
Насрга муаммо ёздим:

Ҳар бир шаҳар аҳлига керакли, ҳар бир ҳовли, ҳар
бир қасрда (бўладиган) сиқиб олингандан кейин бо-
зорларда сотиладиган нарса нима?

Шоир Абу Наср Саҳл ибн Марзубон Саолибийнинг
муаммо шеърига шундай жавоб қайтарган экан:

Эй камаймайдиган адаблар денгизи, ва илмдаги му-
ваффақиятлари оз бўлмаган (зот),

Сенинг айтган нарсангни тахмин қилиб кўрдим,
тахминимча, сен ўйлаган нарса зигир ёғи экан.

Уни қувватли ва кучли (киши) сиқиб олади.

Саолибийнинг етти байт шеъри унинг "Фиқҳ ал-луғат"
("Тил қонунлари") асарига киритилган. Унинг тўрт байти
китобнинг "отнинг одатидаги айблари ҳақида" деган бў-
лимида берилган ва бу шеър амир Абулфазл ал-Меколий
томонидан унга от ҳадя қилиниши муносабати билан
ёзилган:

Шундай саййид подшоҳим борки, ул ҳадя қилувчи
подшоҳ бўлиб кўринадур.

Унинг жоҳиллиги ҳам, малоллиги ҳам йўқ, қовоқ олиши ҳам, ғазаби ҳам йўқ.

Амир менга пешонасида қашқаси бор (от) билан сахийлик кўрсатади; у шимолдан ҳам, жанубдан ҳам (яъни ҳамма оёғи) тақаланган.

(Минганда) қаршилиқ кўрсатмайди, (эгасини итқитиб) қочиб кетмайди секин ҳам юрмайди, олдинги оёқларини кўтариб, тик туриб олмайди ҳам.

Абулфазл ал-Меколий ҳадя қилган от ҳақидаги беш байтдан иборат яна бир шеър Ибн Халликоннинг "Вафайот ал-аъйон" асарида берилган¹.

Саолибий ишқий шеърларидан унинг "Фикҳ ал-луғат" номли асарининг "ўхшатишга кирмаган ўхшатишлар" деган фаслида уч байт берилган:

У оҳу каби қаради, булбул бўлиб сайради, саллагул
каби нур сочди ва навдаги ўхшаб юрди.

Бошқа икки байтнинг таржимаси:

Сенда биз учун тўрт фитна бўлиб, улар бизга қарши
қиндан суғирилган шамширларни яланғочлаб турибди:

Оҳунинг қараши, кабутарнинг бўйни, оқ какликнинг
юриши ва қирғовулнинг кўриниши.

Саолибий шеърини меросидан келтирилган бу намуналар унинг шоирлик истеъдодидан бир томчи холос. Унинг шоирлик иқтидори ҳақида тўла маълумот олиш учун бизгача етиб келган ҳамма шеърларини турли манбалардан топиш, тўплаш, синчиклаб ўрганиш ва улар хусусида илмий-тадқиқий ишлар олиб бориш зарур. Имонимиз комилки, Саолибий шоир сифатида ҳам ўз мухлисларини топажак.

¹ Ибн Халликон, Вафайот ал-аъйон. Миср, 1892, 1-ж, 291-бет.

Абу Мансур Саолибий асосан ижтимоий фанлар соҳа-сида ижод этган ва юқори чўққиларга кўтарилган буюк сиймодир. Ҳа даврда ислом оламида давлат ва илм-фан тили сифатида араб тили амал қилган эди. Буюк олимлар Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Фарғоний кабилар жаҳоншумул асарларини шу тилда яратдилар ва дунёга шу тил орқали машҳур бўлдилар. Саолибий ҳам араб тилида ижод этган арабийнавис олимдир. Ҳожи Халифа номи билан машҳур бўлган турк жуғрофия ва библиограф олими Мустофо ибн Абдуллоҳ Котиб Чалабий (1609—1657) "Кашф аз-зунун" ("Шубҳаларнинг ечилиши") номли машҳур китобида Саолибийнинг 19 та асарини кўрсатиб ўтган, немис олими Карл Броккельманнинг "Араб адабиёти тарихи" китобида олимнинг 51 та асари кўрсатилган. Саолибийнинг "ат-Тамсил ва-л-муҳозарат" асарини нашр қилган ҳозирги замон Миср олими Абдулфаттоҳ ал-Ҳулув унинг 84 асари рўйхатини келтирган. Юқорида тилга олганимиз ҳозирги замон Ироқ олими Маҳмуд Абдуллоҳ ал-Жодир қаламига мансуб "ас-Саолибий. Ноқид ва адиб" асарида унинг 95 та китоби зикр қилиниб, ҳар қайси қўлёзма ҳақида у дунёнинг қайси кутубхонасида сақланиши ва қаерда чоп этилганлиги, тўғрисидаги маълумотлар ҳам таъкидлаб кетилган. Олимнинг кўрсатишича, мазкур асарлар тил, адабиёт ва тарихга оид китоблар бўлиб, улар Ўрта ва Яқин Шарқ, шу жумладан Ўрта Осиё халқлари адабиётини, тарихини ўрганишда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур асар ўша даврда араб тилининг Ўрта Осиё халқлари маданий ҳаётида тутган муҳим ўрнини ислом оламидаги халқлар бу тил орқали дунё маданияти бойликларидан баҳраманд бўлгани ва айни пайтда араб бўлмаган халқлар маданий мероси ҳам исломни қабул қилган бошқа халқлар ҳам баҳраманд бўлганини кўрсатиб беради. Биз қуйида Саолибий асарлари рўйхатини тўла келтирамиз ва унинг айрим йирик асарлари ҳақида муфассалроқ маълумотлар бериб, ўзбек китобхоналарини буюк олим ижоди билан имкон борича таништиришга ҳаракат қиламиз.

1. "Ўатимат ад-даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср" ("Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси").

2. "Китоб латоиф ал-маориф" ("Ажойиб маълумотлар ҳақида китоб").

3. "Шамс ал-адаб фи истеъмол-ил-араб" ("Араб тилидан фойдаланишда адаб қуёши"). Бу асари икки қисмдан иборат: 1) араб тилининг сирлари ва унинг гўзал шахобчалари; 2) араб тилида ишлатиладиган мажозий сўз ва иборалар, улардан грамматика ва флексияга тааллуқли бўлганлари, улар аксариятининг Қуръон бўйича талқин этилиши.

4. "Фиқҳ ал-луғот ва сирр ал-арабийя" ("Тил қонуни ва араб тилининг сирлари").

Бу китоб Саолибийнинг энг йирик асарларидан бўлиб, катта муқаддима билан бошланади. Китобни ёзишда Саолибий ўзидан аввал яшаган ва шунингдек ўзига замондош бўлган машҳур араб адиблари, луғатшунослари ва шоирларининг асарларидан фойдаланганини мамнуният билан гапириб, улардан кўпларининг номини тилга олган ва адиблар ҳақида қисқа маълумот ҳам берган.

"Тил қонунлари" асари 30 бобдан иборат, ҳар бир боб бир нечадан фаслга бўлиниб, жами 600 га яқин фаслдан ташкил топган.

Муаллиф асарда машҳур олим ва шоирларнинг қимматли фикрларидан мисоллар, шеърларидан парчалар келтирган. Баъзи ўринларда ўз шеърларини ҳам илова қилиб кетган. Шеърлар орасида Ўрта Осиёда яшаган арабийнавис шоирлар ижодларидан ҳам намуналар берилган.

"Фиқҳ ал-луғат" асари қадимий араб тили, луғати ва унинг сўз бойлигини, араб грамматикасини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. Асар Мисрда 1900, 1907 ва 1959 йиллари нашр этилган.

5. "Китоб ал-киноя ва-т-таъриз" ("Киноя ва ишора китоби"). Бу асар "Китоб ан-ниҳоя фи-т-таъриз ва-л-киноя" ("Ишора ва киноя ҳақида мукамал китоб") номи билан ҳам юритилади. Ҳожи Халифа ва К. Брокельман буни иккита асар деб кўрсатишган. Асар муқаддимасида ёзилишича, бу китоб Нишопурда 400 ҳижрий (1009—1010) йили ёзилган. Ҳожи Халифанинг ёзишича, бу асар ҳақидаги хабар хоразмшоҳ Абу-л-Аббос Маъмун

ибн Маъмунга етгач, Саолибий асарни қайтадан кўчириб, бобларини кўпайтирган.

Китоб етти бобга бўлиниб, ҳар қайси боб бир неча фаслга ажратилган. Боблар қуйидагилар: 1) оила ва хотинлар, улар билан юритиладиган ва улар зикри билан боғлиқ бўлган бошқа юмушлар ва аҳволлар тўғрисидаги киноялар ҳақида, боб беш фаслдан иборат; 2) гуломлар ва улар билан қўшиб айтиладиган кишилар зикри ва уларнинг тавсифи, аҳволларига тааллуқли киноялар ҳақида, беш фаслдан иборат; 3) таомнинг баъзи хиллари ва унинг учун тайёрлаб қўйиладиган жойлар ҳақидаги киноялар тўғрисида, тўрт фаслдан иборат; 4) қабиҳлик ва маразликлар ҳақидаги киноялар тўғрисида, 12 фаслдан иборат; 5) касалликлар, қарилик ва кексалик ҳақидаги киноялар тўғрисида, 12 фаслдан иборат; 6) вақт ва аҳвол вожиб қилган таом ва шароб ҳақидаги киноялар, икки фаслдан иборат; 7) киноя ва ишора билан боғлиқ бўлган турли санъатлар ҳақида, етти фаслдан иборат.

Китобнинг ҳар бир бобида муаллиф ўша номи қайд этилган нарсалар учун киноя тариқасида ишлатиладиган сўз ва ибораларни араб адабиёти, халқ оғзаки ижодидан намуналаридан олиб, санаб ўтган.

"Киноя ва ишора" китоби араб тилининг нозик томонларини, ундаги сўзларнинг бадиий адабиёт ва жонли тилда турли маъноларда қўлланишини ўрганиш борасида муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга бу асар кўплаб араб сўзлари сингиб кетган форсий ва туркий халқлар тилини, шу жумладан қадимги ўзбек тилини ўрганишда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Асар Маккада 1884, Мисрда 1908, Бағдодда 1971 йили нашр этилган.

6. "Ажнос ат-тажнис" ("Тажниснинг турлари"). Бу асар "Рисола фи-т-тажнис" ("Тажнис ҳақида рисола") номи билан ҳам юритилади.

Асар муқаддимасида Саолибий бу китобини Маҳмуд Ғазнавийнинг биродари Абу Музаффар наср ибн Насируддин Сабуктагинга (вафоти 1021 й.) бағишлаганини айтган. Демак, бу рисола 1021 йилгача ёзилган. Тажнис араб шеърлятидаги бадиий санъатлардан бўлиб, ҳамжинслик, ўхшашлик маъноларига эга. Араб риторикасининг сўнгги даврларида тажнис баъзан иштиқоқ (бир

ўзакдан этимологик усулда турли сўз ясалиши) сўзи билан алмашилиб келади. Тажнисда шоир ёки ёзувчи бир ўзакдан ҳосил бўлган сўзларни бир байтнинг ёки жумланинг ўзида турли маъноларда ишлатади. Форсий ва туркий адабиётда, шу жумладан, ўзбек адабиётида тажнис санъати кенг қўлланган. "Ажнос ат-тажнис"да сўзларнинг тўла ва тўла бўлмаган тажниси ҳақида баҳс юритилади. Асар уч қисмга бўлинади: 1) тасҳибга ўхшаган тажнислардан иборат бўлган ўхшатишлар ҳақида; 2) тўғри тажнислардан иборат бўлган ўхшатишлар ҳақида; 3) "тажниси хаттий" ва "Тажниси лафзий" дан иборат ўхшатишлар ҳақида.

Рисолада Саолибий ўзидан олдин яшаган ва ўзига замондош бўлган жуда кўп адибларнинг асарларида, шоирларнинг шеърларида ишлатилган тажнислардан мисоллар келтирган. Бу тажнислар орасида "Йатимат ад-дахр"га киритилган ўртаосиёлик шоирларнинг насрий иборалари ва шеърларидан парчалар ҳам учрайди. Асарда Саолибийнинг ўз шеърлари ва бошқа асарлари (масалан, "Китоб ал-мубҳиж")да учрайдиган тажнис қўлланган жумла ва иборалар, кўплаб халқ мақоллари ҳам кенг келтирилган.

Араб, форсий ва туркий тиллардаги XI аср бошигача бўлган адабиётда қўлланилган тажнис бадий санъатини ўрганишда "Ажнос ат-тажнис" муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Асарнинг бир нусха қўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. 2956) III).

7. "Сихр ал-балоға ва сирр ал-бароа" (Нотиқлик сеҳри ва нутқ санъатининг сирри)". Ҳожи Халифанинг ёзишича, муаллиф ушбу китоб муқаддимасида шундай деган: "Китобнинг баъзи қисмларида асрим нотиқларидан ер юзи юлдузларининг ғурури ва фазилат эгалари бўлган баъзи кишиларнинг насрда (айтган сўзларидан) тўпладим, баъзи қисмларига эса, "Йатимат ад-дахр" китобимда малиҳ шеърларини келтирганим амир шоирларнинг назмий (асарлари)ни жойлаштирдим". Асарнинг қўлёзмалари Париж, Мавсил, Бағдод кутубхоналарида сақланмоқда.

8. "Ғурур ал-балоға ва зураф ал-бароа" ("Нотиқликнинг энг яхшилари ва нутқ санъатининг зарифликлари").

Бу асар "Ғурур ал-балоға фи-н-назм ва-н-наср" ("Нотиқликнинг назм ва насрдаги энг яхшилари") "ал-Лаолий ва-д-дурар" ("Лаъл ва дурлар") номлари билан ҳам юритилади.

Асар ўнта катта-кичик бобларга ажратилган. Булардан тўққизтаси наср билан ёзилган асарлардан намуналар бўлиб, охирги боб шеърый парчаларни ўз ичига олади. Китобда машҳур кишиларнинг ҳикматли сўзлари, араб шоирлари ва ўртаосиёлик арабийнавис шоирлар шеъраларидан парчалар келтирилган. Нотиқлик санъати тарихини ўрганишда бу китоб муҳим аҳамиятга эгадир. Асарнинг бир қўлёзма нусхаси СССР Фанлар Академияси Ленинград бўлими кутубхонасида сақланмоқда (шифр А 29 (699)).

9. "Симор ал-қулуб фи-л-музаф ва-л-мансуб" ("Изофа қилинган ва нисбат берилган (сўз)лар ҳақида қалбларнинг мевалари"). Асар 61 бобга бўлиниб, унда Саолибий наср ва назмда учраган сўзларни араб адабиёти ва араб бўлмаган шоирлар асарлари мисолида таҳлил қилган. Ҳожи Ҳалифанинг ёзишича, бу китобга номаълум адиб томонидан "Нафқат ал-мажлуб мин "Симор ал-қулуб" ("Қалблар мевалари"дан тарқалган ёқимли ҳид") номи билан қисқартма (мухтасар) ёзган. Асарнинг муқаддимаси ва тўртинчи боби 1900 йили Байрутда "ал-Машриқ" журналида босилган. Тўла нусхаси Мисрда 1965 йил нашр этилган.

10. "Китоб лутф ва-л-латоиф" ("Донолик ва донолик билан айтилган сўзлар китоби"). Бу китоб ҳам машҳур кишиларнинг ҳикматли сўзларини ўз ичига олган. Ҳикматли сўзлар ҳаётнинг қайси жабҳасига тўғри келишига қараб, асар 12 бобдан ташкил топган. Булардан 11 таси насрий асарлардан олинган, охирги боби эса назмий асарлардан олинган ҳикматлар бўлиб, "шоирларнинг назм билан айтган ҳикматли сўзлари" деб номланган. Унинг қўлёзмалари Берлин, Вена, Миср ва Ленинградда мавжуд.

11. "Наср ан-назм ва ҳал ал-иқд" ("Назм қилинганни сочиб ва шодани ечиб юбориш"). Асар Хоразмшоҳ Абул-Аббос Маъмуннинг подшоҳлик даврида (1017 йилга қадар) ёзилган ва унга бағишланган. Китоб номидан маълум бўлишича, у шеърый асарлардан тўпланган ҳикматли

сўзлардан иборат бўлиши керак. Дамашқда 1300 (1883 милодий), 1301 (1884 милодий), Мисрда 1317 (1899—1900 милодий) йиллари босилган.

12. "Китоб ман ғоба анҳу мутриб" ("Хурсанд қиладигани бўлмаган киши учун китоб"). Бу асар нотиклик ҳақида, йилнинг фасллари ҳақида, кеча ва кундуз тавсифи ҳақида, ишқ-муҳаббат ҳақида, шароб ҳақида, дўстлик ҳақида ва бошқа турли мавзулар ҳақида деб аталувчи еттита бобга бўлинади. Унда араб адабиёти ва арабий-навис ёзувчи, шоирлар асарларидан ана шу мавзулар ҳақидаги насрий ва шеърий парчалар келтирилган. Асар 1302 (1885 милодий) йили Истамбулда нашр этилган.

13. "Бард ал-акбод фи-л-аъдод" ("Оқин сувлар билан юракларни совутиш"). Саолибий бу асарда турли ҳикматли сўзлар, асарлар ва шеърлардан намуналар келтирган. Унинг бир қанча қўлёзмалари дунё кутубхоналарида сақланади. Истамбулда 1301 (1884 милодий) йили нашр этилган.

14. "ат-Тавфиқ ли-т-тафлик" ("Нарсалар мазмунини чақишга муваффақ бўлиш"). Жамоат ва шахсий кишиларга тааллуқли сўзлар ва мазмуни мавҳум бўлган турли нарсалар ҳақида. Мазкур асар қўлёзмаси Берлинда сақланади.

15. "Мирьот ал-муруот ва аъмол ал-ҳасанот" ("Муруват ва яхши ишлар кўзгуси"). Ҳожи Ҳалифанинг ёзишчи, бу асарнинг қисқартмаси (мухтасари) 15 бобга бўлинган. 1898 йили нашр этилган.

16. Китоб ал-муҳозарат ва-т-тамсил" ("Сухбат ва нодир сўзлар китоби"). Бу асар "Китоб ат-тамсил ва-л-муҳозарат" ("Нодир сўзлар ва сухбат китоби"), "Китоб ат-тамассул ва-л-муҳозарат" ("Ўшатишлар учун олинган сўзлар ва сухбат китоби") номлари билан ҳам юритилади.

Саолибий бу асарини Шамсулмаолий Қобус ибн Вушгирга бағишлаган ва унга атаб ёзган. Демак, у 1012 йилга қадар ёзилган.

Бу тўрт фаслдан иборат тазкира бўлиб, унда Қуръондан олинган оятлар, ҳадислардан, Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алиларнинг ва бошқа машҳур кишиларнинг ҳикматли сўзлари, исломгача ва ислом даврида яшаган араб ҳамда арабийнавис шоирларнинг шеърларидан, фай-

ласуфларнинг ҳикматли сўзларидан, мақолаларидан мисоллар келтирилган. Бу келтирилган ҳикматли сўз ва шеърлар мавзуга қараб фасллар (боблар)га бўлиб жойлаштирилган. Тазкира қуйидаги фаслларга бўлинади: 1) Кириш ва (асарга киритилган) турли фанлар ҳақидаги фикрлардан намуналар; 2) Инсон табақаларининг бошлиқлари, турли мартаба ва санъат эгалари ҳақида тарқалиб, мақолга айланиб кетган ва халқ орасида кезиб юрувчи сўзлар; 3) Жамики ашёлар учун мисол тариқасида кўплаб ишлатиладиган сўзлар; 4) бошқа санъат ва мақсадлар ҳақида. (Бу фасл ўз навбатида яна тўрт фаслга бўлинади).

"Суҳбат ва нодир сўзлар китоби"да X аср ва XI аср бошларида яшаган, ҳали ҳаёти ва ижоди тўла ўрганмаган жуда кўп ўртаосиёлик арабийнавис шоирларнинг нодир сўзлари ва шеърларидан намуналар берилган. Асарнинг бир қўлёзма нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. №1848 (1)). Тазкира Абдулфаттоҳ Ҳулув деган мисрлик олим томонидан сўз боши ва изоҳлари билан Қоҳирада 1961 йили нашр этилган. Ношир бир қанча қўлёзмалардан ҳам фойдаланган.

17. "Китоб ал-ғилмон" ("Ғуломлар учун китоб"). Мазкур асар "Ғилмон" номи билан ҳам аталади. Ғуломлар, яъни қулларнинг сифатлари ва ишлари ҳақидаги қасидалар тўплами. Қўлёзмаси бор.

18. "Тухфат ал-вузаро" ("Вазирларга туҳфа"). Асар Хоразмшоҳ вазири Абу Абдуллоҳ ал-Ҳамдунийга бағишлаб ёзилган. Унинг бир қанча қўлёзмалари мавжуд.

19. "Канз ал-кутуб" ("Котиблар учун ҳазина").

Бу асарда 250 шоирнинг шеърларидан 2500 га яқин парчалар берилган. Улар турли сабабларга кўра ёзилиши зарур бўлган хатларга киритиш учун мўлжалланган, асар котиб (дабирларга) қўлланма сифатида ёзилган. Чунки ўша даврда дабирлик санъати ниҳоятда ривожланган бўлиб, уларга жуда катта талаблар қўйилар ва котиблар ўқимишли, билимдон бўлиши шарт эди. Турли хат ва рисоалар, подшоҳ, султон ва амирларга юбориладиган махсус хатлар Қуръони карим оятлари ва ҳадислар, машҳур шахслар сўзлари билан дабдабали қилиб безати-

лар ва кўпинча саяжда ёзилар эди. Бу котибларнинг ўта билимдон; сўзамол ва истейоддли бўлишини тақозо этарди. Бунинг учун шоҳлар саройида махсус девони рисола ёки девони мунший (ёзишмалар девони) бўларди ва у ерда бир неча котиб-дабирлар хизмат қилиб, шоҳ хазинасидан маош олардилар. Баъзан котиблар шахси машҳур кишиларга ҳам хизмат қилганлар. Ривоят қилишларича, Муҳаммад пайғамбарнинг ҳам Зайд ибн Собит деган котиби бўлган.

Саолибий мазкур тазкирасини котиблар эҳтиёжини қондириш ва уларга қулайлик туғдириш учун бир маълумотнома сифатида ёзган бўлиши керак. Асар келтирилган парчалар мазмунига қараб 15 бобга бўлинади: 1) хат ёзиш, котиблик санъати ва назмдаги фасоҳат (нотиқлик) ҳақида; 2) табриклаш ва ҳадялар бериш, улар билан боғлиқ бўлган нарсалар ҳақида; 3) таъзия, марсия ва бу иккисига тегишли нарсалар ҳақида; 4) мулойим хулқ, мадҳ этиш ва шуларга ўхшашлар ҳақида; 5) узр сўраш ҳақида; 6) шукур айтиш, миннатдорчилик ва буларга яқин нарсалар ҳақида; 7) ҳурмат қозониш, таъна қилиш ва узр сўраш ҳақида; 8) ҳажв қилиш ва ёмон томонлари эслаш ҳақида; 9) замондан ва (ўз) аҳволидан шикоят қилиш ҳақида; 10) мақоллар, ҳикматли сўзлар ва ақл-одоб ҳақида; 11) биродардик ёзишмалари ва соғиниш ҳақида; 12) султонлик ва унга яқин нарсалар ҳақида; 13) ҳибсага тушиш, бахтсизликка йўлиқиш ва (улардан) ҳолис бўлиш ҳақида; 14) ибодат ва унга тааллуқли нарсалар ҳақида; 15) ўйин-кулгу ва унга яқин нарсалар ҳақида.

"Канз ал-кутуб"нинг бир қўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. № 1848 (II)).

20. "Китоб фароид ва-л-қалоид" ("Дурлар ва шодалар китоби"). Бу асар "Китоб ал-амсол" ("Мақоллар китоби"), "Уқд-ан-нафис ва нусхата-ал-жализ" ("Нафис шодалар ва суҳбатдошларнинг кўнгил очиши") номлари билан ҳам юритилади. Кўпроқ "Китоб ал-амсол" номи билан машҳур.

Саолибий ушбу китобида мингта араб мақолини тўплаган ва уларни мазмунига кўра саккизта бобга ажратган ҳолда ўқувчи ҳукмига ҳавола этган: 1) илм ва ақлнинг

фазилатлари ҳақида; 2) зоҳидлик учун қўлланиладиган мақоллар; 3) тилнинг адабига оид мақоллар; 4) нафснинг адабига оид мақоллар; 5) олийжаноб хулқларга оид мақоллар; 6) гўзал ҳаётга оид мақоллар; 7) яхши сиёсатга оид мақоллар; 8) гўзал нотиклик санъатига оид мақоллар.

"Китоб ал-амсол" 1909 йили Мисрда нашр этилган.

21. "Аҳосин ал-маҳосин фи-л-муҳозарот" ("Сухбатлардаги гўзал нарсаларнинг энг гўзали"). Асар 24 бобга бўлинган бўлиб, унда Саолибий назм ва насрда ёзилган энг яхши асарларни тўплаган.

22. "Аҳсану мо сумиъа" ("Эшитилган нарсаларнинг энг яхшиси") Бу асарни "Аҳсану мо самиъту" ("Эшитилганларимнинг энг яхшиси") деб ҳам аташади. Ҳожи Ҳалифа эса бу асарни "ал-Лаолий ва-д-дурар" деб атаган. Китоб 1324 (1906 милодий) йили Мисрда нашр этилган.

23. "Китоб ал-мубҳиж" ("Кўнгил очувчи китоб"). Асарда зикр қилинишича, Саолибий Қобус ибн Вушмгир олдига келганда, бу китобни унга тақдим этган. Кейин уни қайта ишлаб, кенгайтирган ва ўзгартирган. Оқибатда, етмиш бобдан иборат бошқа бир асар дунёга келган. Боблар мавзуи бўйича адабий, сиёсий, ижтимоий каби ҳаётий масалаларга оид бўлиб, уларнинг айримларига муаллиф ўз шеърларидан ҳам киритган. Асар Мисрда 1904 йили босилган.

24. "ал-Латоиф ва-з-зароиф фи мадҳи-л-ашё ва аздо-дуҳа" ("Нарсаларнинг мадҳи ва уларнинг зидди ҳақидаги латифалар ва нодир сўзлар"). Асар "аз-Зароиф ва-л-Латоиф" номи билан юритилади. Асар муқаддимасида ёзилишича, Саолибий бу китобни Урганчда яшаган даври охирларида Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмунга атаб ёзган. Асар Қуръони Карим, ҳадиси шариф, айрим насрий асарлар ва шеърый парчалардан иборат. Унинг қўлёзмалари Лейден, Мавсил кутубхоналарида сақланади. Китоб 1275 (1858—1859 милодий) йили Мисрда, 1282 (1865—1866 милодий) йили Бағдодда, 1296 (1879 милодий) ва 1307 (1889—1890 милодий) йиллари Мисрда қайта нашр қилинган.

25. "ал-Йавоқит ва-л-мавоқит фи мадҳ-ий-шайъи ва заммиҳи" ("Нарсани мақташ ва койиш ҳақида вақт ёқутлари"). Саолибий ушбу асарини Нишопурда ёзишга

киришиб, Журжон, Урганча давом эттирган ва Ғазнада тугатган. Бу асар Саолибийнинг "аз-Зароиф ва-л-латоиф" китобига илова тариқасида ёзилган ва уни муаллиф Маҳмуд Ғазнавийнинг биродари амир Абу Музаффар Наср ибн Насируддинга тақдим этган. Асар қўлёзмаси Тунисда "аз-Зароиф ва-л-латоиф" билан бирга сақланади ва ҳар иккиси бирга нашр этилган.

26. "Аҳсану калим ан-Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва-с-саҳоба ва-т-тобийй ва мулук ал-жоҳилийя ва мулук ал-ислом ва-л-вузаро ва-л-куттоб ва-л-булағо ва-л-ҳукамо ва-л-уламо" ("Пайғамбарлар, саҳобалар, (пайғамбарларнинг) тобеълари, исломгача ўтган подшоҳлар, ислом подшоҳлари, вазирлар, котиблар, нотиклар, ҳокимлар ва олимларнинг энг яхши сўзлари"). Бу асарнинг арабча матни ва лотинча таржимаси Валетен томонидан Голландияда нашр этилган.

27. "ал-Эъжоз ва-л-ийжоз" ("Нодир сўзлар ва қисқа иборалар"). Бу асар юқорида тилга олганимиз "Ғурар ал-балоға ва зураф ал-бароа" китобига ниҳоятда ўхшаш бўлиб, худди унинг бошқача ёзилган нусхаси кабидир. Бу ҳам "Ғурар ал-балоға" каби ўнта бобга бўлинган.

"Нодир сўзлар ва қисқа иборалар" китоби 1897 йили Қоҳирада нашр этилган.

28. "Мунтахаб ал-эъжоз ва ийжоз" ("Нодир сўзлар ва қисқа иборалар"дан танлаб олинганлари"). Бундан аввалги китобнинг танлаб қисқартириб олинган нусхаси. Сўз бошида ёзилишига қараганда, бу қисқартмани Саолибийнинг ўзи ёзган. "Мунтахаб" ҳам асосий асар каби ўнта бобга бўлинган, лекин бундаги маълумотлар танлаб олинган. Бу асарнинг 1727 йили кўчирилган қўлёзма нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда (инв. №1848/1). Бу китоб Саолибий асарлари ҳақидаги бирор бир манба каталогда учрамайди. Шунинг учун мазкур қўлёзманинг ягона, нодир нусха эканлиги хусусидаги фикрларга қўшилиш мумкин. Лекин бу қисқартма бут эмас, унда фақат биринчи бобнинг озгина қисми ва саккизинчи бобдан кейинги боблар қисқармаси берилган, холос.

29. "Мунис ал-ваҳид фи-л-муҳозарот" ("Сухбатлар уч-

ун ягона дўст"). Бу асарни Абдуллоҳ ал-Жадир Саолибийга нотўғри нисбат берилган, деб ёзади.

30. "Ҳашш ал-ҳашш" ("Бўстон бўстони"). Бу асарда машҳур котибларнинг рисола ва хатларидан намуналар берилган.

31. "Китоб ал-муташибиҳа" ("Ўхшатишлар китоби"). Буни Абдуллоҳ ал-Жадир "Ажнос ат-тажнис" китоби деб атаган.

32. "Тароиф ат-тураф" ("Нодир сўзларнинг нодирлари"). Абдуллоҳ ал-Жадир бу китобни ҳам Саолибийга нотўғри нисбат берилган, деб ёзган.

33. "ал-Иқтибос мин-ал-Қуръон" ("Қуръондан олинган сўзлар"). Асар Абу Музаффар Наср ибн Насируддинга ҳада қилинган ва у 396 (1006 милодий) йилдан илгари ёзилган. Китоб 25 бобга бўлинган. Унда Қуръони Карим оятлари лафзий, маънавий, амалий асосда иқтибос қилинган. Қуръонга тааллуқли хоҳ насрий, хоҳ шеърий, хоҳ нодир сўзлар бўлсин ушбу, асарда берилган. Унинг қўлёзмаси араб давлатлари Қўлёзмалар институти кутубхонасида ва бошқа кутубхоналарда сақланмоқда.

34. "Дурур ал-ҳикам" ("Ҳикматли сўзларнинг дурлари"). "Жавоҳир ал-ҳикам" номи билан ҳам аталади. Асар топилмаган.

35. "аш-Шакво ва-л-итоб ва мо вақаъа би-л-хуллон ва-л-асҳоб" ("Шикоят, таъна ва дўстлар ҳамда яқинлар орасида юз берадиган бошқа воқеалар"). Абдуллоҳ ал-Жадир ёзишича, бу китобни Саолибийга нотўғри нисбат беришган.

36. "Қурозат аз-заҳаб ва маъдан ал-адаб" ("Олтин резгилари ва адаб кони").

37. "Маърифат ар-рутаб фий мо варада мин калом-ил-араб" ("Араб сўзларида келадиган мартабаларни билиш").

38. "Мақорим ал-ахлоқ" ("Ахлоқ афзалликлари").

39. "Сирож ал-мулук" ("Подшоҳлар учун чироқ"). Бу асар "Китоб ал-мулук" ("Подшоҳлар учун китоб") номи билан ҳам юритилади.

40. "ал-Мунтахаб мин самар-ил-араб" ("Арабларнинг тунги суҳбатларидан танлаб олинганлари"). Маҳмуд Абдуллоҳ Жадир китобида бу асар кўрсатилмаган.

41. "Таҳассун ал-қабих ва тақбих ал-ҳасан" ("Қабихларнинг яхши бўлиши ва яхшиларнинг қабих бўлиши").

42. "Мавосим ал-умр" ("Умрнинг мавсумлари").

43. "Сирр ал-ҳақиқат" ("Ҳақиқат сирри").

44. "ал-Анвар ал-баҳайъа фий таъриф мақомоти фусаҳо" ("Нотиқларнинг тутган ўрнини таърифлашда ёрқин нурлар").

45. "Китоб ал-одоб" ("Адаблар китоби"). Маҳмуд Абдуллоҳ Жадир бу асарни "Уюн ал-одоб" деб атаган.

46. "Ғурар ахбор мулук ал-фурс ва сийарухум" ("Эрон подшоҳлари ҳақида хабарлар ва уларнинг тарихи"). Бу асар юқорида эслатганимиз турк олими Ҳожи Ҳалифанинг "Кашф аз-зунун" ва немис олими К. Броккельманнинг "Араб адабиёти тарихи" китобида "Сийрат ал-мулук" ("Подшоҳлар тарихи") номи билан берилган. Кўпинча "Шоҳномаи Саолибий" ("Саолибий "Шоҳномаси") деб юритилади.

Саолибийнинг асар муқаддимасида ёзишча, бу китоб Маҳмуд Ғазнавийнинг биродари Хуросон ҳокими Абу Музаффар Наср ибн Насируддиннинг (вафоти 1021) буйруғи билан ёзилган. Олим бу даврда ана шу ҳукмдор қўл остида яшаган. Демак, асар XI аср бошларида Наср ҳаётлик даврида ёзилган ва унга тақдим этилган. Қизиғи шундаки, худди шу даврда буюк Фирдавсий ўз "Шоҳнома"сини ёзиб тугатган ва уни 1010 йили Маҳмуд Ғазнавийга тақдим этган. Бир хил мазмун асосида икки йирик асар бунёдга келди ва бири ака, иккинчиси ука ҳукмдорга тақдим этилди. Бири шеър билан форс тилида ёзилган бўлса, иккинчиси наср билан араб тилида ижод этилди.

Саолибий "Шоҳнома"си 54 бобдан иборат бўлиб, у Фирдавсий "Шоҳнома"сидан мазмунан фарқ қилмайди. Бу икки шоҳ асар ҳақида мукамал маълумот олиш учун ҳозиргача тадқиқотчиларимиз диққатидан четда қолиб келган Саолибий "Шоҳнома"си билан муфассал таънишиш лозим.

"Эрон подшоҳлари ҳақида хабарлар" асари билан биринчи бўлиб қизиққан олим француз шарқшуноси Х. Зотенберг (1836—1914) эди. У 1900 йили асарнинг арабча матни ва французча таржимасини нашр қилди. Бу нашрга кенг муқаддима ёзилган бўлиб, унинг охирида асарлар кўрсаткичи илова қилинган.

Эрон олими Маҳмуд Ҳидоят "Шоҳномаи" Саолибийни форс тилига таржима қилиб, 1950 йили нашр эттирган.

Асар икки қисмдан иборат бўлиб, бизгача унинг фақат биринчи қисми — Эрон подшоҳлари ҳақидаги қисмигина етиб келган, холос. Х. Зотенбергининг ёзишича, китобнинг иккинчи қисмида, шубҳасиз, X аср иккинчи ярми ва XI аср бошларидаги Саолибий ўзи деярли шоҳид бўлган воқеалар; Бувайҳийлар, Сомонийлар, Ҳамдонийлар ва Сопқа сулолалар тарихи, Сабуктагин ва унинг ўғиллари, шу жумладан, Маҳмуд Ҳазнавий тарихи ёритилган бўлса керак.

Асарнинг қўшимча бобларида пайгамбар-подшоҳлар Юсуф, Довуд, Сулаймонлар ҳақида, Миср подшоҳлари — фиръавнлар ҳақида маълумотлар берилган. Яман подшоҳлари, Сурия ва Ироқда ўтган араб подшоҳлар тарихи ҳам қисқача баён қилинган. Бу боблар Фирдавсий "Шоҳнома"сида йўқ. Шунингдек, яна учта қўшимча боб бўлиб, уларда ҳиндлар, хитойлар, туркманларнинг дини ва урф-одатлари ҳақида гапирилган. Мазкур боблар ҳам Фирдавсий "Шоҳнома"сида йўқ.

Саолибий ўз "Шоҳнома"сини ёзишда ўзидан олдин ўтган бир қанча олимларнинг тарихий асарларидан фойдаланган, айримларини эса ўрни билан эслаб ўтган. Булардан араб тилшунос ва тарихнавис олими Ҳамза ибн Ҳусайн Исфаҳонийнинг (вафоти 970—971 йиллар ораси) "Тарих ал-умам" ("Халқлар тарихи"), араб жуғрофия олими Абулқосим Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Хурдадбеҳнинг (тахминан 820—913) "Китоб ал-масолик ва-л-мамолик" ("Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб"), Ибн Жарир ат-Табарийнинг (839—923) "Тарих ар-русул ва-л-мулук" ("Пайгамбарлар ва подшоҳлар тарихи") асарларини кўрсатиш мумкин. Масалан, Искандар буйруғи билан китобларнинг куйдирилиб юборилиши ҳақидаги ривоятлар Ҳамза Исфаҳонийдан олинган. Зардушт ҳақидаги афсонавий ҳикоятлар, Баҳманнинг Кай Ардашер билан расмий ёзишмалари ҳақидаги ривоятлар Табарий китобида ҳам бор. Баҳром Гўрнинг арабча ва форсча шеърлари ва Маздакнинг ўлими ҳақида маълумотлар ҳам Табарийда мавжуддир.

Саолибий ҳиндларнинг эътиқод ва урф-одатлари ҳақидаги маълумот ва ривоятларни "Махлуқот ва тарих" китобидан олганини айтиб ўтган. Бундан ташқари у

тарихчи Абул Ҳасан Али ал-Масъудий (вафоти 956 йил) "Китоб ат-танбеҳ ва-л-ишроф" ("Танбеҳ ва кузатиш китоби") асарида тилга олган қадимги форс адабиётининг муҳим ёдгорлиги "Худайнома" асарини ҳам кўпгина ўринларда эслатиб ўтган.

Абу Райҳон Беруний худди шу даврда, яъни 1000 йили ёзиб тугатган "ал-Осар ал-боқийа ан-ил-курун ал-Хомийа" ("Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар") асарининг қадимги юнон, Эрон ва Сосоний подшоҳлари тарихига оид жуда кўп ўринларида Фирдавсий ва Саолибий "Шоҳнома"ларидаги кўпгина воқеаларни баён этган. Демак, Фирдавсий ҳам, Беруний ҳам, Саолибий ҳам бир хил манбалардан фойдаланганлар.

Беруний асарининг бир неча жойида Абу Мансур ибн Абдураззоққа бағишлаб ёзилган "Шоҳнома" китобини эслатади ва ундан парчалар келтиради. Абу Мансур Муҳаммад ибн Абдураззоқ ат-Тусий Бувайҳийлар сулоласи асосчиларидан бири бўлиб, Тус вилояти ҳокими бўлган. У 962 йили Сомонийлар томонидан ўлдирилган. Беруний бу "Шоҳнома"нинг муаллифи шоир Абу Али Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Балхий деб ёзади. В. В. Бартольд эса бу асар муаллифи Абу Мансур Муҳаммад ибн Аҳмад Дақиқий бўлиши керак ва бу ерда бошқа куня билан Абу Али деб аталаётгандир деган тахминни айтади. Е. Э. Бертельс бу "Шоҳнома"ни шеърӣ деса ҳам, Беруний маълумотларидан маълум бўлишича, бу насрий асар бўлган ва шубҳасиз, ундан Фирдавсий ва Саолибийлар ҳам фойдаланганлар.

"Шоҳномаи Саолибий" қуйидаги бобларга бўлинади ва бу боблар Фирдавсий "Шоҳнома"си бобларидан деярли фарқ қилмайди: 1) Қаюмарс подшоҳлиги ва унинг ҳақидаги ихтилофлар зикри; 2) Хушанг подшоҳлиги; 3) Жамшид подшоҳлиги; 4) Биворасп подшоҳлиги; 5) Афридун подшоҳлиги; 6) Манучеҳр подшоҳлиги; 7) Нузур ибн Манучеҳр подшоҳлиги; 8) Зав ибн Таҳмосф подшоҳлиги; 9) Кайковус подшоҳлиги, уни арабчада Қобус деб ҳам аташади; 10) Лихсара ибн Сиёвуш подшоҳлиги ва бошқалар.

Бу боблар орасидаги майда боблар ҳам худди Фирдавсий "Шоҳнома"сидагидек берилган, фақат жузъий фарқларгина мавжуддир.

Саолибий "Шоҳнома"сига анчагина шеърлар киритилган бўлиб, улар асосан олимнинг "Йатимат ад-дахр" тазкирасидан олинган. Бу шеърий парчалар Хуросон ва Ўрта Осиёдаги арабийнавис шоирлар ижодини ўрганишда илк манба сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

47. "Лубоб ал-одоб" ("Адаблар қалби").

48. "ал-Ашарат ал-Мухтора" ("Танлаб олинган ўнта нарса").

49. "Мухтасарот мин китоби "Мунис ал-ваҳид фи-л-муҳозарот" ("Йиғилишлар учун ягона дўст" китобидан қисқартма)". Бу юқорида эслатганимиз "Мунис ал-ваҳид фи-л-муҳозарот" асаридан Саолибий қисқартиб ёзган китоб. Немис арабшуноси Густав Фиюгель (1802—1870) томонидан Венада 1829 йили асарнинг арабча матни ва немисча таржимаси нашр этилган (Бир бет матн, иккинчи бет таржима). Сўз бошида Саолибийнинг таржимаи ҳоли ва 19 та асари рўйхати берилган.

Бу асарда аввал битта ҳикматли сўз, мақол ёки сарлавҳа қўйилиб, кейин шунга оид ҳикоя, ривоят ва шеърлар келтирилади. Асар бошдан охиригача шу тартибда тузилган. Унда жами 332 та ҳикматли сўз ва мақол берилган. Буларда ақл-одоб, саҳийлик, камтарлик каби олижаноб хислатлар ҳақида баҳс этилган.

50. "Татиммат ал-Йатима" ("Йатимат ад-дахрга" қўшимча").

51. "ал-Аҳосин фий бадои-л-булағо" ("Нотиқлик санъатида энг яхши нарсалар"). Бу асар топилмаган.

52. "ал-Усул ва-л-фусул" ("Асослар ва фасллар). Асар "ал-Усул-фи-л-фусул" ("Фасллардаги асослар") номи билан ҳам юритилади. Топилмаган.

53. "Афрод ал-маоний" ("Маъноларни ажратиб олиш"). Асар топилмаган.

54. "Унс ал-мусофир" ("Мусофирнинг хурсандчилиги"). Асар топилмаган.

55. "ал-Анис фий ғурар ат-тажнис" (Энг яхши тажнислардаги суҳбатдош"). Бу асар "ал-Унс фий ғазал ат-тажнис" ("Тажнисли ғазалдаги хурсандлик") номи билан ҳам юритилади. Китоб топилмаган.

56. "Баҳжат ал-муштоқ" ("Муштоқ бўлганнинг шодланиши"). Асар "Баҳжат ал-ушшоқ" ("Ошиқларнинг шодланиши") номи билан ҳам юритилади. Топилмаган.

57. "Тухфат ал-арвоҳ ва мавоид ас-сурур ва-л-афроҳ" ("Руҳларга туҳфа ҳамда хурсандлик ва шодлик базми"). Топилмаган.

58. "ат-Туффоҳа" ("Олма"). Топилмаган.

59. "Тафаззул ал-муқтидирин ва танассул ал-муътазирин" ("Қудратлиларнинг даъвоси ва узрлиларнинг четлашиши"). Асар топилмаган.

60. "ал-Сулж ва-л-матр" ("Қор ва ёмғир"). Бу асар топилмаган.

61. "Жавомеъ ал-калим" ("Калималар мажмуаси"). Топилмаган.

62. "Хужжат ал-ақл" ("Ақл ҳужжати"). Топилмаган.

63. "Хос ал-хос" ("Хос дўст"). Қоҳирада 1908 йили нашр этилган.

64. "Хасоис ал-фазоил" ("Фазилатларнинг ўзига хослиги"). Топилмаган.

65. "ал-Хуворазмийёт" ("Хоразмликлар тўплами"). Топилмаган.

66. "Сажъ ал-мансур" ("Қофияли наср"). Асар ўн беш бобдан иборат бўлиб, Саолибий унда "Маноҳиж" деган китобини шарҳлаган. Биринчи ва иккинчи боблар мақталган ва койилганлар сифатлари ҳақида, учинчи боб сўзнинг жавоҳирлари ҳақида, олтита боб сажъга ва вазнга солинган мақолларга, кейинги олтита боб эса умумий мақоллар ва дуоларга бағишланган. Асарнинг қўлёзмаси Араб мамлакатлари уюшмаси маъҳади кутубхонасида (Қоҳира) сақланади.

67. "Сир ал-адаб фий ма жорий калом-ил-араб" ("Араб жумлаларида охириги сўзнинг турланишида адиб сирлари"). Маҳмуд Абдуллоҳ Жадир бу асар номини "Сирр ал-арабийя фий мажорий арабийя" ("Араб сўзларида охириги сўзнинг турланишида араб тили сири") деб атаган ва бу китоб "Фикҳ ал-луға" асарининг иккинчи қисми деб кўрсатган.

68. "Сир ал-баён" ("Баён сири"). Топилмаган.

69. "Сир ал-вузаро" ("Вазирлар сири"). Бу эҳтимол, юқорида эслатганимиз "Вазирларга туҳфа" асарининг бошқа ном билан юритилишидур. Топилмаган.

70. "Сиёсат". Саолибий бу асарни ўзининг "ал-Муташибиҳа" китобида эслаб ўтган. Асар бизгача етиб келмаган.

71. "Сийрат ал-мулук" ("Подшоҳлар тарихи"). Бу юқорида эслатганимиз "Ғулар ахбор мулук ал-фурс" асари бўлиши мумкин.

72. "Санъат аш-шеър ва-н-наср" ("Шеър ва насрий асарлар ёзиш санъати"). Топилмаган.

73. "ат-Тураф мин шеър ал-Бустий" ("ал-Бустий шеърларидан нодир нарсалар"). Топилмаган.

74. "ат-Таййиб" ("Яхши нарсалар"). Маҳмуд Абдуллоҳ Жадир бу асарни кўрсатмаган. Топилмаган.

75. "Уюн ал-маориф" ("Маърифат булоқлари"). Маҳмуд Абдуллоҳ Жадир китобида бу асар "Унвои ал-маориф" деб кўрсатилган ва етиб келмагани қайд этилган.

76. "Уюнан-наводир" ("Нодир нарсалар булоқлари"). Топилмаган.

77. "Ғулар ал-музоҳика" ("Кулгили ҳикояларнинг танланганлари"). Топилмаган.

78. "ал-Фусул ал-форсийа" ("Форс тили ҳақида фасллар"). Топилмаган.

79. "Можаро байн ал-Мутанаббий ва Сайфуддавла" ("ал-Мутанаббий ва Сайфуддавла ўртасида бўлган можаролар"). Ҳамдонийлар амири Абу-л-Ҳасан Сайфуддавла (944—967) билан араб шоири ал-Мутанаббий ўрталарида бўлган воқеалар ҳақида. Асар Лейпцигда 1847 йили нашр этилган.

80. "ал-Мадиҳ" ("Маддоҳ"). Топилмаган.

81. "ал-Мушаввиҳ" ("Шавқ уйғотувчи"). Маҳмуд Абдуллоҳ ал-Жадир китобида бу асар номи "ал-Машриқ" ("Нур сочувчи") деб кўрсатилган. Китоб Хоразмшоҳга ҳадя қилинган, деб ёзилган. Асар топилмаган.

82. "Мифтоҳ ал-фусоҳа" ("Нотиқлик учун калид"). Топилмаган.

83. "ал-Мақсур ва-л-мамдуд" ("Қисқартирилган ва чўзиб юборилган"). Асарнинг қўлёзмаси Дор ал-кутуб кутубхонасида (Миср) мавжудлиги айtilса ҳам, Абдуллоҳ ал-Жадир бу асар Саолибийники эмас, деб қайд этган.

84. "ал-Мунтаҳил" ("Адабий ўғри"). Асар бошқа китоблардан кўчириб, адабий ўғирлик қилувчилар ҳақида ёзилган бўлиши керак. Мисрнинг Искандария шаҳрида 1903 йили нашр этилган.

85. "Мунодимат ал-мулук" ("Подшоҳлар суҳбатлари"). Бу асар топилмаган.
86. "Насим ал-унс" ("Хурсандчилик насими"). Топилмаган.
87. "Насим ас-саҳар" ("Тонгги насим"). Асар Бағдодда 1971 йил нашр этилган. Унинг қўлёзмалари Араб давлатлари уюшмаси кутубхонаси ва бошқа кутубхоналарда сақланади.
88. "ан-Наводир ва-л-баводир" ("Нодир нарсалар ва ажойиботлар") Топилмаган.
89. "ал-Вирд" ("Манба"). Топилмаган.
90. "ал-Амсол" ("Масаллар"). Китоб 111 бобга бўлиниб, унинг қўлёзмаси Тунисда Аҳмадия кутубхонасида сақланади. Асарда Қуръони Карим оятлари, ҳадис, араблар ва араб бўлмаган халқларнинг турли нарсаларни мақтаб ва ёмонлаб айтган сўзлари келтирилган.
91. "Девон Абу-л-Ҳасан Али ибн ал-Ҳасан ал-Лаҳҳом ал-Ҳарроний". Саолибий "Йатимат ад-дахр" китобида шоир Абу-л-Ҳасан ал-Лаҳҳом ҳақида маълумот бериб, шундай ёзади: "Мен ал-Лаҳҳом шеърларининг девонга тўпланганини кўрмадим. Унинг тарқалган шеърларини тўплашга ва сочилган (мисраларини) бир-бирига қўшишга киришдим. Сўнгра мазкур китобимга лозим топганларимни улардан танлаб олдим". Шунга асосланиб Маҳмуд Абдуллоҳ бу асарнинг мавжудлигини ёзган. Асар топилмаган.
92. "ал-Мулукий". Бу Саолибийнинг "Сийрат ал-мулук" ("Подшоҳлар таржимаи ҳоли") асари бўлиши мумкин, лекин уни Саолибий ўзининг "Тухфат ал-вузаро" асарида эслатиб ўтган. Китоб топилмаган.
93. "Ҳашв ал-лавзинаж" ("Лавзинаж шираси"). Саолибий бу асарни ўзининг "Симор ал-қулуб" китобида зикр қилган. Топилмаган.
94. "Ҳасоис ал-булдон" ("Мамлакатларнинг ўзига хос нарсалари"). Буни Саолибий ўзининг "Симор ал-қулуб" китобида тилга олган. Асар топилмаган.
95. "Сир ас-синоа" ("Санъат сир"). Бу танқид санъати ҳақида бўлиб, бизгача етиб келмаган.
96. "ал-Бароа фи-л-калом ва-с-синоа" ("Сўзлар ва сўз санъати ҳақида билим"). Бу асар топилмаган.

97. "Таржимат ал-котиб фий одоб ас-Соҳиб" ("ас-Соҳиб одоби ҳақида котиб ёзган таржимаи ҳол").

98. "ал-Муҳаззаб мин ихтиёр девон Абу-т-Таййиб ал-Мутанаббӣ ва аҳволуҳу ва-с-сийратуҳу ва можаро байнаҳу ва байн-ал-мулук ва-ш-шуаро" ("Абу-т-Таййиб ал-Мутанаббӣ девонидан танлаб олиб, тўғриланган шеърлар, унинг аҳволи, таржимаи ҳоли ва у билан подшоҳ ва шоирлар ўртасида бўлиб ўтган можаролар"). Китоб қўлёзмаси Бағдодда "Дор ал-кутуб" да сақланади.

99. "Ҳиллат ал-муҳозара, унвон ал-музокара ва майдон ал-мусомара" ("Сухбат безаги, музокара унвони ва кечки ўлтиришлар майдони"). Асар қўлёзмаси Парижда сақланади.

100. "Уюн ал-одоб" ("Одоб булоқлари"). Асар етиб келмаган. Юқорида кўрсатганимиз "Китоб ал-одоб" билан битта китоб бўлса керак. Чунки "Китоб ал-одоб" Маҳмуд Абдуллоҳ Жадири асарларида кўрсатилмаган.

101. "Муллаҳ ан-наводир" ("Нодир нарсаларнинг яхшиликлари"). Топилмаган.

102. "Девон шеъри ас-Саолибий". Топилмаган.

103. "ал-Адаб миммо ли-н-носи фийҳи араб" ("Инсонлар учун унда мақсад бўлган адаб"). Асар етиб келмаган.

104. "Лубоб ал-аҳосин" ("Энг яхши нарсаларнинг сараси"). Топилмаган.

105. "ал-Мулаҳ ва-т-тураб" ("Зийраклик ва хурсандлик"). Топилмаган.

106. "Жавоҳир ал-ҳикмат" ("Ҳикмат жавҳарлари"). Топилмаган.

107. "Унс аш-шуаро" ("Шоирлар суҳбатдоши"). Топилмаган.

108. "Тухфат аз-зурофо ва фоқиҳат ал-лутафо" ("Зарифлар тухфаси ва донолар меваси"). Қўлёзмаси Мадинада Ориф Ҳикмат кутубхонасида сақланмоқда.

109. "ат-Тадаллий фи-т-тасаллий" ("Тасаллийда тўпланган нарса"). Қўлёзмаси Мадинада Ориф Ҳикмат кутубхонасида сақланади.

110. "Натоиж ал-музокара" ("Музокаралар натижалари"). Қўлёзмаси Мадинада Ориф Ҳикмат кутубхонасида сақланади.

111. Нузҳат ал-албоб ва умдат ал-кутуб" ("Қалблар шодлиги ва котиблар таянчи"). Қўлёзмаси Мадинада Ориф Ҳикмат кутубхонасида сақланади.

Биз Саолибий асарлари рўйхатини бериш билан бу олим жаҳон фани хазинасига қанчалик ҳисса қўшганини таъкидламоқчи бўлдик. Бу асарларнинг баъзи бирлари икки ном билан юритилган китоблар бўлиши ҳам мумкин. Буни фақат олим асарларини бир-бирига солиштириш орқалигина аниқлаш мумкин. Китоблар дунёнинг турли кутубхоналарида сақланиши ва бир қанчаси бизгача етиб келмаганлиги учун бундай имкониятдан маҳруммиз.

Маҳмуд Абдуллоҳ Жадир юқорида биз зикр қилган асарлардан 11 тасининг рўйхатини бериб, бу асарлар хатолик ва шубҳа билан Саолибийга нисбат берилган, дейди. Улардан еттитаси Саолибийнинг "ат-Тамсил ва-л-муҳозара" асарига Абдулфаттоҳ ал-Ҳулув ёзган сўз бошида Саолибий асарлари қаторида санаб ўтилган. Биз ҳам ушбу рўйхатга киритдик. Бу асарлар: "ал-Мақсур ва-л-мамдуд", "Дур ал-ҳикам", "Тароиф ат-тураф", "аш-Шакво ва-л-итоб", "Мунис ал-воҳид", "ал-Фароид ва-л-қалоид" ва "Макорим ал-ахлоқ". Агар бу етти асар чиқиб кетса, Саолибий асарлари 104 та бўлади.

Маҳмуд Абдуллоҳ Саолибийнинг 95 асарини кўрсатиб, 24 таси нашр этилгани, 21 тасининг қўлёзмаси қаерда мавжудлиги, 50 таси топилмаганини таъкидлаб кетган.

Биз Саолибийнинг юқорида зикр этилган асарларидан бевосита Ўрта Осиё тарихи ва маданиятига оид энг муҳимлари ҳақида мукамалроқ маълумот беришни лозим топдик.

"ИТИМАТ АД-ДАҲР ФИ МАҲОСИН АҲЛ АЛ-АСР"

Абу Мансур Саолибий номини дунёга танитган ва унга шуҳрат келтирган энг йирик асари "Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси" номли тазкирасидир. Бу китоб "Аср шоирларининг фазилатлари ҳақида замонасининг дурдонаси" деб ҳам айтилади.

Тазкира Саолибийнинг муқаддимаси билан бошланиб, унда китобнинг мақсади ҳақида шундай дейилган: "Китоблар муаллифлари ўтиб кетган шоирлар (ҳақидаги маълумотлар)ни тартибга солиш, уларнинг табақа ва даражаларини зикр қилиш, сўзларини баён этиш, қасида ва қитъаларидан танлаб олишни аввалдан бажариб кел-

ганлар. Улар бир қанча ажойиб китоблар яратдилар ва шундай ажойиб шодалар тиздиларки, ҳозирги вақтда улар янгилигининг эскиргани ва либосининг кийилгани учун уларни фақат кўзнинг мос келмайдиган айблаши, улар қайта эшитилгани учун қулоқ уларни рад этиши ва кўп такрорлангани учун қалбга малол келиши мумкин. Шу аср аҳли янги (нарса)ларининг энг яхшилари, тоза (нарса)ларининг энг ҳаловатлиси, замонанинг яқин (нарса)ларининг энг лаззатлиси ва фойдалисининг кўплиги туфайли ортиб кетган юксаклигини ўз ичига олган фазилатлари бирор китобга тўпланмадики, уларнинг тарқалиб кетган нарсаларини ўзига йиғса, сочилган олтин зарраларини назмга терса ва куч-қудратини мустаҳкамласа. Муаллифлар ҳақида уларнинг нодир (сўз)лари қайд қилинган, фойдали томонлари абадийлаштирилган бирорта тўплам ҳам йўқ. Шу ишни бажаришга умримнинг бахтга эришган навқиронлигида уч юз саксон тўртинчи йили киришдим¹. Демак, Саолибий ўз асарини дастлабки нусхасини 384 (милодий 994) йили ёза бошлаган. Асардаги баъзи маълумотларга қараганда уни 1000 йиллари ёзиб тугатган. Кейин олим яна кўп жойларга саёҳат қилиб, бир қанча олим, шоир ва адиблар билан учрашган ва тазкирани 1011—1016 йиллар орасида янги шоирлар ҳақидаги маълумотлар билан тўлдирилган нусхасини ёзган. Тазкира тўрт қисмдан иборат.

Биринчи қисм. Ҳамдон хонадони² шеърларининг энг яхшилари, уларнинг шоирлари ва улардан ташқари Шом аҳлидан бўлган ва унга қўшни бўлган Миср ва Мавсил (шоирлари) ва улар хабардорларининг нур сочиб турганлари ҳақида. Бу қисм ўн бобдан иборат.

Иккинчи қисм. Бувайҳийлар хонадони подшоҳлари ва уларнинг шоирлари ҳақида.

Учинчи қисм. Жибол, Форс, Журжон ва Табаристон аҳли шоирларининг малиҳи (шеърлари) ни ўз ичига олган.

¹ "Йатимат ад-даҳр фий маҳосин аҳл ал-аср", Қоҳира, 1956, 17-б. (Бундан кейин: "Йатимат ад-даҳр" деб берилади" И. А.).

² X асрда Сурия ва Ироқда тахт сўраган Ҳамдонийлар сулоласи ҳақида гап борапти. Пойтахти Ҳалаб (Алеппо) шаҳри бўлган.

Тўртинчи қисм. Хуросон ва Мовароуннаҳр аҳлининг фозиллари ҳақида.

"Йатимат ад-даҳр"нинг тўрт қисмида X асрда XI аср бошларида яшаб, араб тилида ижод этган 415 та шоир ҳақида маълумотлар берилиб, уларнинг шеърлари ва насрий асарларидан намуналар келтирилган. Асарнинг бевосита Ўрта Осиё ва Хуросон шоирларига бағишланган тўртинчи қисми Ўрта Осиё халқлари адабиёти учун араб тилида ёзилган шеърятни ўрганишда ягона манба бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун бу қисм ҳақида тўхтаб ўтамиз.

Тўртинчи қисм ўн бобга бўлинади: 1) ҳозирги бизнинг (яъни Саолибийнинг) асримиз аҳлларидан озгина олдин яшаб, улардан салгина муқаддам ўтган қавмлар шеърлари ва (улар ҳақидаги) хабарларнинг энг гўзал ва нафисларидан келтириш; 2) шу асрда Бухорода яшаган (шоирлар) хабарлари ҳақида; 3) ал-Маъмуний ва ал-Восиқий зикри, улар ва уларнинг шеърлари ҳақида нафис хабарлар; 4) Хоразм фозилларининг кўзга кўринганлари ҳақида; 5) Абулфазл ал-Ҳамадоний; 6) Абулфатҳ Али ал-Котиб ал-Бустий ва Буст аҳлидан бўлган бошқа шоирлар зикри; 7) Нишопурдан ташқари Хуросон аҳлининг айрим малиҳ ва гўзал шеърлари ҳақида; 8) Амир Абулфазл Убайдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Меколий зикри ҳақида; 9) Турли мамлакатлардан ҳар хил мартабадаги кишиларнинг Нишопурга келиб қолганлари зикри; 10) Нишопурликлар зикри ҳақида.

Тазкиранинг тўртинчи қисмига 124 та Хуросон ва Мовароуннаҳрлик шоир ҳақидаги маълумотлар киритилган ва уларнинг назмий ҳам насрий асарларидан намуналар берилган. Шоирларни тазкирага жойлаштиришда уларнинг қайси шаҳарда яшаб ижод этишлари асос қилиб олинган, уларнинг асл келиб чиққан жойи ҳисобга олинмаган. 124 шоирдан 47 таси Бухорода яшаган, еттитаси хоразмлик, биттаси ҳамадонлик, тўққизтаси Буст шаҳрида яшаган (улардан тўрттаси сижистонлик), 15 таси Хуросоннинг турли шаҳарларида яшаган шоирлар, 16 шоир турли томонлардан Нишопурга келиб яшаган, 29 шоирни Саолибий Нишопур шоирлари деб атаган.

Бухорода яшаб ижод этган шоирлардан Абу Муҳаммад

ал-Матроний — тошкентлик, Абу-л-Фазл ал-Марвазий — марвлик, Абу Аҳмад Муҳаммад ан-Насафий-Насаб (Қаршилик) лик шоирлардир.

Тазкирада ўша вақтда Хуросон ва Мовароуннаҳрда юз берган жуда кўп тарихий воқеалар ва турли тарихий шахслар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилган. Бу жиҳатдан "Йатимат ад-даҳр" муҳим тарихий аҳамиятга ҳам моликдир.

Тазкиранинг тўртинчи қисмида берилган шеърлар қасида, васфий, ҳажвий шеърлар, марсия, муздавижа (маснавий), уржуза, ғазаллар, ихвониёт (дўстлик, биродарлик ҳақидаги шеърлар), нужумиёт (воқеа, ҳодисаларни мунажжимлик илмига боғлаб ифодаловчи шеърлар), хамриёт (май ҳақидаги шеърлар), тиббиёт (табобатга оид), адабиёт (адабга оид), фикҳиёт (шариат йўл-йўриқлари — фикҳга оид), фалсафиёт (фалсафий мазмундаги) шеърлардан иборатдир.

Қасидаларнинг кўпчилиги амир, вазир, турли вилоят ҳокимлари ва ҳарбий қўмондонларга бағишлаб ёзилган. Шоирлар қасидаларини ўз қаламкаш дўстларига ҳам бағишлаганлар, бир-бирларининг шон-шуҳратини юқори кўтариб, ҳурмат билан тилга олганлар.

Қасидалар орасида қариликдан шикоят ҳам асосий ўринни эгаллайди. Шоирлар ёшликнинг ўтиб кетиши, қарилик мусибат эканини тасвирлаш билан соч оқидан шикоят қилганлар. Қариганда шоир айш-ишратдан маҳрум бўлади, ёшлар даврасига қўшилолмайди, подшоҳлар базмини безолмайди. Баъзи шоирлар эса қарилик кишининг ақли тўлган, ҳаётни тушуниб етган, фойда-зарарни ажратган даври, қариликда ҳаёт лаззатини суриш керак, ёшларга ўрнаткич бўлиш керак деб ёзадилар.

Қасидаларда замондан, ҳаётдан, ўз моддий аҳволдан шикоят қилиш, тақдир туфайли азоб-уқубатга, қашшоқликка гирифтор бўлганини ифодалаш ҳам кўп учрайди. Айрим қасидалардан олинган парчалар фақат ҳажвий хусусиятга эга бўлса, баъзилари турли кишилар вафоти муносабати билан ёзилган марсиялардир. Жуда кўп қасидаларда ишқ-муҳаббат куйланади, маҳбуб ва унинг ҳамма сифатлари тавсиф қилинади, шоирнинг муҳаббат йўлида, ёр куйида сарсон-саргардонликлари акс

эттирилади, табиат ва унинг гўзал кўринишлари, баҳор, гул ва баъзан май тараннум этилади.

Мовароуннаҳр шоирлари яратган қасидаларга хос ва ҳеч бир араб ва форс шоирлари ижодида учрамайдиган бир хусусият шуки, Бухорода яшаган шоир Абу Абдуллоҳ Зарир ва номаълум бир шоир қасидасида форсча мақол ва маталлар араб тилига таржима қилинган.

Ҳажв. Ўртаосиёлик арабийнавис шоирлар ижодида ҳажвиёт ҳам асосий ўрин тутди. Замонасининг йирик шоири, бутун умрини ҳажвий шеърлар ёзишга бағишланган шоир Абулҳасан ал-Лаҳом Бухорода яшаб ижод этди. Бу давр шоирлари ўз ҳажвияларида очиқдан-очиқ ва қўрқмай амир, султон, вазир ва бошқа мансабдорларни ҳажв тиги остига олдилар. Айниқса сомонийлар ҳукмронлигининг вазирлари жуда қаттиқ ҳажв қилинди. Шоирлар уларнинг номини тўғридан-тўғри тилга олиб, жасурлик билан ҳажв қилдилар. Вилоят ҳокимлари, сомонийлар ноиблари, лашкарбошилар ҳам бу ҳажв нашта-ридан бенасиб қолмадилар. Ҳажвда шоирлар бир-бирларини ҳам аямадилар. Айниқса ўша даврнинг кўзга кўринган иккита йирик шоири Абу Бакр ал-Хоразмий ва Абул фазл ал-Ҳамадоний ўртасидаги рақобатлар, бир-бирини аёвсиз ҳажв қилиш энг юқори поғонага кўтарилган. Бошқа шоирлар орасида ҳам бир-бирини ҳажв қилиш шеъриятда кўплаб учрайди. Х аср араб тилидаги шеъриятда ҳажвнинг энг йирик намоён-даси Абулҳасан ал-Лаҳҳом деган шоир бўлиб, у Бухорода яшаб ижод этди. Мавжуд маълумотларга кўра, ўз даврида унинг ҳажв тигидан ҳеч ким омон қолмаган.

Васфий шеърлар. Васф арабча сўз бўлиб, "тавсифлаш", "тасвирлаш", "сифатлаш" каби маъноларни англатади. Шеъриятда бирор воқеа-ҳодисани ёки нарсани чиройли ўхшатишлар, мажозий иборалар орқали бадий тавсифлаб бериш васф деб аталади.

Васфий шеърлар қасидадан ажралиб чиққан. Исломгача ва унинг бошланғич давларида васф бадавий шоирлар яратган қасидаларнинг бир қисмини ташкил этиб, унда шоирлар ўз туясини, отини, ваҳший ҳайвонларни ёки саҳрода юз берадиган турли-туман ҳодисаларни тавсифлаганлар. Кейинчалик шаҳарларнинг ривож топиши билан

шоҳлар ва зодагонлар ҳаёти, улар базмини безайдиган турли зебу зийнатлар уй анжомлари, лазиз таомлар, ширин мева ва сабзавотлар шоирлар васфи учун мавзу бўлиб қолди. Васфнинг муайян мавзуи бўлмаган. Васф шоирдан ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган, кутилмаган ажойиб сифатларни топишни талаб этган. Масалан, халифа Ҳорун ар-Рашид бирор буюмни уйнинг ўртасига қўйиб, шоирлардан уни тавсиф қилишни талаб қилган ва энг муваффақиятли чиққан шеърлар учун катта мукофот берган. Васф форсий ва туркий тилдаги адабиётда ҳам бениҳоя ривож топган.

"Йатимат ад-даҳр"нинг тўртинчи қисмида зикр этилган шоирлар ижодида васф алоҳида аҳамиятга эгадир. Арабийнавис шоирлар орасида Бухорода яшаб, ижодининг кўпчилиги қисмини васфий шеърлар ёзишга бағишлаган ва ўз замонасида шеърининг бу турида тенгсиз ва беназир бўлган Абу Толиб Маъмунийдек машҳур шоир етишиб чиқди. Тазкирага кирган васфий шеърларнинг аксарияти ана шу забардаст шоир қаламига мансубдир.

Васфий шеърларнинг мавзуи турли-туман бўлиб, улардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

Йил фасллари ва табиат ҳодисалари: қиш, қор, ёмғир, дўл, муз, сув, ҳилол, тонг, зилзила, ой тутилиши кабилар.

Уй жиҳозлари ва рўзғор буюмлари: курси, шаъм, шаъмдон, челақ, кажава, кўза, шиша, ойнақ, қадаҳ, гулоб идиши, сочиқ, елпуғич, тароқ, қилич, пичоқ, қайчи, оташкурақ, қафас кабилар. Бунга китоб ва қоғоз, сиёҳдон, қаламдон, қалам каби ёзув қуролларини ҳам киритиш мумкин.

Турли-туман лазиз таомлар, ширин ичимликлар, мевалар, сабзавот ва гуллар: май, шарбат, сирка, асал, туз, нон ва унинг навлари, пишлоқ, қовурма, қовурилган балиқ, қуймоқ, ҳариса (гўшт ва буғдойдан тайёрланадиган овқат), ҳабиса (ширинлик), музаввара (ёвғон шўрва), лимон, тоғ ёнғоғи, узум, майиз, чилон жийда, ловия, тарвуз, олма, беҳи, нок, анор, хантал (горчица), ейиладиган кесак, қизил гул, бинафша, нарғиз, райҳон, шақойиқ, баҳор (гиёҳ номи) кабилар.

Ҳайвонлардан от, ҳашаротлардан бурга, пашша, чивин ҳам васф қилинган.

Булардан ташқари қаср, уй, ҳовуз, ҳовузга ўрнатилган шаъм, минора, фаввора (фонтан), турли либослар ҳақида ҳам анча васфлар ёзилган.

Шоир бирор нарсани тавсиф қилар экан, кўпинча уни ўз номи билан атамай, бошқа нарсаларга ўхшатиб, мажозий йўллар билан васф қилади. Шунинг учун васфий шърлар маъносини ҳар вақт ҳам осонлик билан англаб бўлмайди, улар баъзан шърий топишмоқларга айланиб кетади.

Васфлар нафақат бадий қийматга эга, балки улар муҳим тарихий-этнографик аҳамиятга ҳам эгадир. Зеро уларни синчиклаб ўрганиш орқали ўша давр халқларининг кундалик ҳаётига оид муҳим воқеа-ҳодисаларни аниқлаш мумкин. Васфлар бизга жуда кўп таом ва ичимликлар, уларни тайёрлаш усули ҳақида маълумотлар беради. Васфларда ҳозирга қадар Ўрта Осиёда стиштириладиган жуда кўп мева ва сабзавотлар ҳақида қимматли маълумотлар бор. Шунингдек, уларнинг айримларида илм-фан масалалари олдинга сурилган. Турли ёзув қуроллари, китоб, хат кабиларни тавсифлаш орқали шоирлар фаннинг жамият тараққиётида тутган ўрнини кўрсатишга ҳаракат қилганлар. Қуйида шоир ал-Маъмуний қаламига мансуб айрим васфларнинг ўзбекча таржимасини бериб кетамиз.

Тазкирага анчагина насрий асарлар ҳам киритилган бўлиб, булар ўша давр бадий ва тарихий адабиётида кенг тарқалган қофияли наср-сажъ билан ёзилган.

Сажъ — арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси булбул, тўтиқуш, кабутар, мусича каби сайроқи қушлар овозининг ҳар хил оҳангда янграши демакдир. Адабиётда эса у сўз санъатининг бадий усулларидан бирини ифода этади.

Сажъда жумланинг айрим қисмлари ёки ундан бир неча сўз ўзининг вазни жиҳатидан қофиялашни талаб этади. Сажъ билан ёзилган асарлар тили оддий насрда ёзилганларга нисбатан анча мураккаб бўлиб, баъзан тушуниш ҳам қийинлашиб кетади. Сабаби ёзувчилар сажъ қоидаларига риоя қилган ҳолда, баъзан грамматика қоидаларидан четга чиқиб кетадилар. Араб адабиётида сажънинг энг юксак намунаси Қуръони Каримдир. Муҳаммад

алайҳиссалом ҳадисларининг анчагина қисми сажъда ёзилган. X—XI асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда сажъ жуда кенг қўлланди. Саолибий асарларининг кўпчилиги, Абу Наср Утбийнинг (361—1022) Маҳмуд Ғазнавийга бағишланган "Тарих ал-Йаминий" китоби, Абу-л-Фазл ал-Ҳамадоний мақомлари сажъда ёзилган. Буюк олим Замахшарийнинг "Атвоқ аз-заҳаб" ("Олтин шодалар") номи китоби ва бошқа баъзи асарлари, мақомлари ҳам сажъ билан ёзилган.

"Йатимат ад-даҳр"га киритилган сажъда ёзилган насрий асарлар Абу-л-Ҳасим Искофий, Абу Бакр Хоразмий, Абу-л-Фазл ал-Ҳамадоний, Абу-л-Фатҳ Бустий, Абу-л-Фазл Меколийлар ижодига мансуб рисола, руқъалари, мактублари, ҳикматли сўзлари ва бошқалардан иборатдир. Бу асарларни ўрганиш жуда кўп тарихий шахслар, воқеалар ва ўша давр ҳаётига оид маълумотлар олиш имконини беради. Сажъ билан ёзилган асарлар орасида подшоҳ ва амирлар, бойлар, судхўрлар устидан ёзилган жумлалар ҳам кўплаб учрайди. Сажъда ёзилган насрий асарларда сомонийлар ва Ғазнавийлар ўртасидаги ўзаро тахт учун курашлар, Маҳмуднинг босқинчилик юришлари, мамлакатдаги нотинчликлар натижасида юз берган қаҳатчилик ва очарчилик туфайли меҳнаткаш халқ оммасининг аҳволи ниҳоятда оғирлашгани ўз аксини топган. Яна бир қанча ҳаётий масалалар ҳам насрий асарлар учун долзарб мавзу бўлган.

Энди "Йатимат ад-даҳр" асарининг тўртинчи қисмига киритилган айрим шоирлар ҳақидаги фикрларимиз билан ўртоқлашамиз.

Саолибий "Йатимат ад-даҳр"нинг иккинчи бобида Бухорода яшаган шоирлар ҳақидаги маълумотини берар экан, бу шаҳри азим ҳақида шундай ёзади:

"Бухоро сомонийлар ҳукмронлиги (даврида) шон-шуҳрат макони, салтанат каъбаси ва замонанинг илғор кишилари жамланган, ер юзи адибларининг юлдузлари порлаган ва ўз даврининг фозил кишилари йиғилган (шаҳар) эди.

Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо ал-Мусавий менга ҳикоя қилиб шундай деган эди: "Менинг отам Абу-л-Ҳасан амир ас-Саъид (Наср ибн Аҳмад) даврида Бухорога

даъват этилган эди. У ерга Абу-л-Ҳасан ал-Лаҳҳом, Абу Муҳаммад ибн Матрон, Абу Жаъфар ибн ал-Аббос ибн ал-Ҳасан, Абу Муҳаммад ибн Абу-с-Сиёб, Абу Наср ал-Хузаймий, Абу Наср аз-Зарифий, Ражо ибн ал-Волид ал-Исфажоний, Али ибн Ҳорун аш-Шайбоний, Абу Исҳоқ ал-Форисий, Абу-л-Қосим ад-Динаварий, Абу Али аз-Завзаний ва у (сомоний)лар хизматида бўлган энг фозил муҳожирлар тўпланган эди. Улар ҳаммалари у ерда йиғилишгач, дўстлик суҳбатлари уларни бир-бири билан яқинлаштирган эди. Улар ажойиб музокаралар олиб боришар, мусохаба райҳонлари билан алмашишар, адаб мушқларини сочишар, бир-бирларига мармарид дурларини сепишар, ва сеҳр тугунига дам солишарли. Отам менга шундай деган эди: "Эй ўғлим, бу кўпчилик (атоқли) кишилар тўпланган машҳур даврдир, унинг тарихини энг машҳур фазилатли ва замонанинг яғонаси бўлган кишилар тўпланган (давр) ҳисобла ва мендан кейин давримизнинг ҳайитларида ва уларнинг энг яхши пайтларида у (давр)ни эслаб қўй. Ўйлайманки, йиллар давомида ана шунга ўхшаш йиғилишни сен (қайтиб) кўрмайсан". Ҳақиқатан ҳам иш (отам) айтгандай бўлди. Ўшанга ўхшаш йиғилишни кўзларим (қайтиб) кўрмади"¹. Саолибийнинг бу сўзлари X асрда Бухоро йирик илм-фан маркази бўлганини ва бу ерга турли мамлакатлардан адиб ва шоирлар йиғилиб ижод этганлигини кўрсатиб турибди. Шу билан бирга бу пойтахт халқининг меҳмондўстлиги, араб халифалигининг турли шаҳарларидан бу ерга келиб қолган муҳожирларга нисбатан кўрсатилган меҳр-шафқатнинг, халқлар дўстлигининг юксак намунасиدير.

Абу Аҳмад ибн Абу Бақр Ал-Котиб

Унинг отаси Абу Бақр ибн Ҳамид амир Исмоил ибн Аҳмаднинг котиби ва амир Аҳмад ибн Исмоилнинг буюк (вазир) Абу Абдуллоҳ ал-Жайҳонийдан аввалги вазири бўлган. Абу Аҳмад хайри саховатли қилиб тарбияланган, у бахт (билан) озуқлантирилган (бўлиб), салтанат таянчи

¹ "Ятимат ад-даҳр", 101-бет; Ўзбекча таржимасида 136 б.

эди. Адабли, зариф ва маҳоратли кишиларнинг ва Мо-вароуннаҳрни (яхши) билганларнинг биринчиси эди. Ироқ аҳлига тақлид қилиб шеър айтарди. Унинг сўзлари (бутун) мамлакатларни кезиб юрарди.

У (шундай) деган:

Агар сен Ироқликда илм дарёси ва адаб хазинасини кўрсанг ажабланма.

Бироқ келиб чиқиши жоҳиллик мамлакати бўлганлар бош билан думни фарқ қила билса, ажабланишинг мумкин.

У Ибн Бассомнинг йўлидан борди. Сўз ўйини, замондан шикоят (қилиш), султонни улуғлаш, бошлиқлар ва (ўз) биродарларини ҳажв қилишда ибн Бассомга эргашди. Кўп ҳолларда унга тақлид ҳам қилди. Ибн Бассом ўз отаси ва биродарларини ҳажв қилганди, шунинг учун унинг ҳақида (шундай) дейилган:

Кимки Алини ҳажв қилса, (ундай кишининг) шеъри унинг ўзини ҳажв қилган бўлади. Агар у ҳақиқатан ҳам отасининг (ўғли) бўлганда, ўз падарини ҳажв қилмаган бўларди.

Абу Аҳмад ҳам у (Ибн Бассом)нинг қолипи билан қуйди ва унга тақлид қилиб (шеър) тўқиди, ҳатто отаси ҳақида (шундай) деди:

(Шундай) отам борки, ҳеч бир гуноҳ қилмасам ҳам, (мени) койийверади. У менинг учун ўлимдан ҳам жирканчлироқ бўлмаганда эди, мен унинг баҳридан ўтмаган бўлардим.

Ўз биродари Мансур ҳақида у қуйидагиларни айтган:

Сенинг отанг — менинг ҳам отам, сен бўлсанг менинг биродаримсан, лекин отамиз шўр ерга (дон) сочган экан. Мен билан рақобатлашмоқчимисан, лекин мен чопгандай чополмайсан. Ахир пиёдалар рухлар каби чопа оладими?

У ўзини вазирлик (лавозими)га ал-Жайҳоний ва ал-Балъамийларга нисбатан ҳақлироқ деб ҳисоблади. Чунки

вазирлик билан адаб ва котибликдаги машхурлик унга (отасидан) мерос эди. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар иккисига таъналар қилишни, ҳажв билан уларни шарманда қилишни тўхтатмади. Уларни ҳеч қачон хизмат ва ҳурматларига яраша қадрламади. Натижада улар (шоирни) яккалаб қўйишди ва (ҳаётини) хавф остида қолдиришди. У ғазабланиб ва ўжарлик қилиб (Бухородан) чиқиб кетди, ҳажга борди кейин бир оз Бағдодда истиқомат қилди. Ватанини (доимо) қўмсади ва Бухорога қайтди. Омул деган қишлоққа етиб келганда жуда чиройли қилиб (шу байтни) айтди:

Мен Омул саҳросини кесиб ўтдим, ишонаманки, бу (менинг) халос бўлишим.

Бухорода амирнинг менсимаслиги ва вазирнинг илтифотсизлиги туфайли унга нафрат билан қарашди. Доимо уйда қолиб, (ўзига) суҳбатдошлар қидириш, дўстлар билан мажлис қуриш, ашула ва ўйин-кулги майдонида жавлон уриш билан шуғулланди. Мол-мулкни нес-нобуд қилиш учун (ўзини) талата бошлади. Шундай қилиб, унинг аҳволи танглик қирғоғига бориб тақалди. У ал-Атавий шеърларига берилиб, унинг девонини ёдлаб олди, унга сафдош шоирларнинг (ҳаммасидан) уни устун қўяди, унинг ҳикматли сўзлари нутқдаги ва ёзишмаларидаги ажойиб иборалари ҳақида жуда кўп гапиради. (Шу туфайли) ал-Атавий деган лақаб олди. Абу Таййиб ат-Тоҳирий ва ал-Муъабийлар қатори (ал-Котиб)нинг суҳбатдоши бўлган (шоир) Абу Мансур ал-Абдуний унинг ҳақида (шундай) дейди:

Э, Абу Аҳмад, сен (ўз) исрофгарчилигинг билан султон ва ота-онанг сенга топширган бойликни совуриб юбординг.

Сен ҳар томонлама шарманда бўлдинг ва ишинг юришмагани туфайли "ал-Атавий" лақабини олдинг. Сен қўлдан берган (нарсаларинг)ни қайтариб олишни ўйладинг, лекин (сенинг) эшак каби хўрланишинг бунга тўсқинлик қилди.

Орқага қайтиш ҳақидаги раъинг (шундай) қарорки, сен уни қисқичбақанинг юришидан олгансан ва ундан ўргангансан.

Кейин у Ҳирот, Бўшанж ва Бодғис вилоятларига бошлиқ қилиб тайинланди ва ўз вазифасини бажариш учун жўнади. У ўзига ноиб қилиб Абу Талҳа Қасвара ибн Муҳаммадни тайинлади ва уни қўл остига олиб, мартабасини улуглади, ҳатто ундан кейин (Қасвара ибн Муҳаммад) Хуросоннинг бош ҳукмдорларидан бири бўлиб қолди. Қасвара тасҳифлар билан энг (кўп) қизиқувчи кишилардан эди. Абу Аҳмад бир куни унга: "Сендан сўраш учун бир тасҳир топиб қўйдим, (агар топсанг) сенга юз динор бераман" — деди. "Аминманки, уни ечишга ожизлик қилмайман", — деди (Қасвара). Шунда уни Абу Аҳмад: "Фи қушури ҳайнамин жамадун"— деди. Қасваранинг эшаги ўрнида тўхтаб қолди, бўшашиб кетди, пули ўтмасланди.

"Агар шайх менга бир кун муҳлат беришни лозим топсалар, шундай қилсинлар", — деди у.

"Сенга бир йил муҳлат бердим", — (Абу Аҳмад). Бир йил ўтиб кетди, лекин (Қасвара) бир тукни ҳам юлиб ололмади. Абу Аҳмад унга деди: "Бу сенинг номинг" Қасвара ибн Муҳаммаднинг ўзи-ку". (Қасваранинг) хи-жолатлиги ва ғамгинлиги кучайди.

Абу Талҳа ҳақидаги хотираларда шундай ривоятлар бор: у кўса бўлган эди, унинг ҳақида (шоир) ал-Лаҳҳом (шундай) деган:

Шўринг қурсин, эй, Абу Талҳа, уялмайсанми, ёшинг етмишга етса (ҳам), соқолинг чиқмайди.

Абу Аҳмад ўз лавозимидан бўшаш ҳақида (амирдан) рухсат сўраб, Нишопурда хутба ўқигандан кейин, унинг талаби қондирилади. Унинг Нишопурда (айтган) сўзларидан сўнг амалдорлар ер эгаларидан хирож боқимандаларини (тўлашни) талаб қилишган эди:

Хирож девони қотибларига ҳар куни менинг номимдан худонинг саломи (тегсин).

Биз никоҳ пулини тўлашга (яъни хотин олишга) ожизлик қилиб турган пайтда улар боқимандалар талаб қиладилар.

(Шоир) ас-Сожий у (ал-Котиб)ни пойтахтда ҳажв

қилибди (деган хабар) унга етиб келди. У (шундай) деди:

Агар бизнинг феълимиз насабларимизни мақтаса, биз (шундай) кишилармиз. Агар бизни ҳажв қилсалар, ор қилишдан қўрқмаймиз.

Агар ўзимизни ўзимиз аҳмоқона ҳаракатлар билан ҳажв қилсак, (ҳамма ёққа) тарқалган мақтов ҳам бизни юқори кўтаролмайди.

(Вазир) ал-Жайҳонийга (шундай) деган:

Эй, жаноб раис, (сен) фозиллик, ва олижанобликда (ҳеч кимга) қиёс қилиб бўлмайдиган кишисан.

Сен юмшоқ табиат ва юқори мартабалисан, лекин ҳамсуҳбатларинг хасисдирлар.

Унинг ўз ҳажвларида, ал-Жайҳоний ҳақида (айтган) сўзи:

Эй, Ибн Жайҳон, хоҳ газаблан, хоҳ рози бўл, сенинг номинг билан онт ичаманки, сен (ҳатто) қоровулликка ҳам ярамайсан.

Кишиларга ҳайронманки, сенга ўхшаган (одамни) давлатлари тепасига бошлиқ қилиб қўйдилар.

Агар халқ орасида адолатли тадбир ва ҳукм (чиқариш) бўлганда, сен (кўча) супиришга ҳам тайин этилмаган бўлардинг.

Унинг (ҳамма ёққа) тарқалган ҳикматларидан:

Агар бировнинг давлатида одамнинг улуши ва бахти бўлмаса, у бундай (давлат)нинг ҳалокатини тилайди. Бу ўша (давлатни) кўролмасликдан эмас, балки у (киши) давлатнинг кетишини хоҳлаш билан бошқасига умид боғлайди.

Унинг сўзи:

Мен ва Жаъфар, қачонки мен уни синаб кўрдим ва юриш-туришидаги ахлоқини текширдим (ва шундай қарорга келдим):

У (ёмон нарса) ҳақида ҳар вақт шубҳаланса керак,

(чунки) у аввал уни ҳидлаб кўради, кейин яхшироқ билмоқчи бўлиб тотиб кўради.

Унинг сўзи:

Замона (сенга) яхши боқса ва у сенга кафил бўлса, сен (ҳам) яхшилик қил.

Эҳсонларинг билан кечаларни ҳам босиб ўт, чунки уларнинг макридан омонлик йўқ.

Меҳмонга (келишини) таклиф қилиб, Абу наср ибн Абу Ҳаббага (хат) ёзади, у эса касаллигини баҳона қилиб, келишни хоҳламайди. (Шунда) Абу Аҳмад унга ёзди:

Олдинга вакил борганда, ўзингни касалликка солибсан, ахир дўстлик бундай бўлмас эди-ку.

Онт ичаманки, сен ҳеч қандай касалликка йўлиққан эмассан, фақат бизнинг тўғримиздагина фикринг касал, холос.

Абу Аҳмаднинг энг яхши саналган (шеърларидан), унинг сўзи:

Ўз қадаҳинг учун кўнглингни очадиган суҳбатдошлар ахтар, агар (улар) бўлмаса, улар ўрнига машҳур китобларни (ўзингга) суҳбатдош қил.

Ахир дўстлик фаҳш ва шубҳали (ишлардан) қайтарувчи аслзода суҳбатдошлар орасида бўлади-да.

Буниси (суҳбатдошинг) сенга юлдузлар ҳақидаги илмдан фойда берса, униси (китоб) зариф ва ажойиб хабарларни келтиради.

Агар (суҳбатдошлар сендан) қочишган бўлса, ўзингни китоблар орасида (топ) ва улар билан илм ва адабнинг энг гўзал боғларида (кезиб юр).

Агар бадиҳатан айтиладиган шеър билан дўст бўлсанг, у кўнглини очадиган сараланган хабарларга олиб боради.

Бу дўстликни қўлида узумдан сиқиб олинган ёқути билан шошиб турган эпчил (ва) хушчақчақ соқий тўлдиради.

(Шунда) сен гоҳ жиддийликнинг гўзал манзарасида гоҳ хурсандчиликнинг серунум яйловида кезасан.

Йигит умрининг энг яхшиси — ҳаётни жиддийлик ва ўйин-кулги ўртасида тақсимлаб ўтказилган умрдир. Бунинг (китоб билан дўстликнинг) бахти илм ва адабда бўлса, у (дўстлар билан бўлиш)нинг бахти лаззат ва хурсандчиликдадир.

Ҳикоя қилишларича, фақиҳ Абу Ҳафс бир куни Абу Аҳмадга узукни ўнг (қўли бармоғи)га таққани учун дашном беради. Абу Аҳмад (жавоб бериб), бунда ҳақиқатан тўртта манфаат бор дейди:

Биринчидан, бу бевосита пайғамбарнинг, худо унга раҳмат ва саломини йўлласин, ўздан ўтиб келган суннат (бўлиб), у ҳарвақт узукни ўнг қўлига таққан. Тўғри йўлдан борган халифалар ҳам ундан (пайғамбардан) кейин то Сиффин воқеаси ва иккита ҳукм (чиқарилгунгача) худди шундай қилишган. (Бу судда) Амр ибн Ос нутқ сўзлаб, (шундай) деган эди: "Мен халифаликни Алидан худди мана шу узугимни ўнг қўлимдан олгандай оламан-да, уни худди мана шу (узугимни) чап қўлимга таққандай қилиб Муовияга ўтказаман". Шундай қилиб Амрнинг суннати авом (халқ) орасида ҳозирги кунимизга қадар қолиб келмоқда".

Иккинчидан, Аллоҳ таолонинг китобидан, мана унинг сўзи "Худо одамга фақат (бажаришга) қурби етган нарсанигина юклайди". Маълумки, ўнг қўл чап қўлдан кучлироқдир, демак нарсани кўтаришни заифга эмас, кучлироққа юклаш вожибдир.

Учинчидан, қиёсдан (мисол олсак), у ўнг (қўл) билан таҳорат қилишни ман қилади, (бу) тўғри, чап (қўл) билан таҳорат қилиш адабдандир.

Тўртинчидан, узук — эркаклар зийнати, унинг форсча номи ҳам "ангушт оройи". Демак, ўнг (қўл) чапга нисбатан уни (тақишга) авлороқдир.

Абу Аҳмад Нишопурдан Бухорога қайтгандан кейин унинг мол-мулкига лойқа тушди ва турли-туман кўнгилсиз ҳодисалар (юз берди). Давлат ишларидан четлаштирилгани, озиқ-овқатнинг етишмаслиги, кўзига доғ тушиши ва юрагининг ғам-ғуссага (тўлиши) туфайли қайғуларди. Фақиҳ Мансурнинг (қўйидаги) иккита байтини ҳар доим такрорларди:

(Одамлар) ҳаётни мақтаб, (мақтовни) исроф қилиб юборишганда мен уларга айтдим: "Ўлимда минглаб билиб бўлмайдиган фазилат бор.

Улардан (бири) у билан учрашганда (бу) учрашувнинг ишончли бўлиши ва жамики инсофсиз кишилардан халос бўлиш".

Шу икки байтнинг маъносида у ҳам (шундай) деган: Агар бировлар яшамоқни истаса, мен ўлишни ва (азоблардан) халос бўлишни орзу қиламан.

Ўлимда мингта фазилат (бор), агар уни билсалар эди, унинг йўли уни севиш бўларди.

У кечасию кундузи (Қуръоннинг) мана шу оятини ўқиш билан машҳур эди: "Мусо ўз қавмига: эй (менинг) қавмим, сиз (олтин) бузоққа сиғиниб, ўзингизга ўзингиз зулм қилдингиз, сиз яратувчингизга (илтижо билан) тавба қилинг ва бир-бирингизни ўлдиринг". Унинг дўстларидан кимдир деди: "Биз худога тегишлимиз, Абу Аҳмад ўзини-ўзи ўлдирди". Воқеа унинг айтишича бўлган эди: у заҳар ичиб ўлган экан.

Абу-л-Ҳусайн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Муродий

Бухоронинг энг машҳур шоири эди. Унинг кўпгина шеърлари бўлиб, девонга тўпланган. Унинг ҳақидаги машҳур хабарлардан: ас-Саъид Наср ибн Аҳмад бир куни чавгон ўйнаш учун отланади. Ёмғир ёғиб, майдонни ҳўл қилиб қўйганди. (Амир) хоҳишини қондириб саройга яқинлашганда, ал-Муродий уни қарши олиб, (шу шеърини) ўқиб беради:

Кўриб турибманки, ёмғир ҳам, булут ҳам амир Насрга хизмат қиляпти.

Тантанали юришда чанг унга азият бермасин деб (ёмғир) йўлдаги чангга сув сепиб турибди.

Ундан уч (наrsa) доимо аримасин: шон-шавкат, подшоҳлик ва ёшлик.

(Амир) унга уч минг дирҳам бериб юборишга амр қилди ва "агар яна давом этганингда, биз сенга (дирҳамни) янада оширган бўлардик", деди. Ал-Муродий кўпинча ўзининг (мана шу шеърини) ўқир эди:

Менинг фикри ёдим фақат бир парча нон ва (у билан) қўшиб ейиш учун кичик қозонда (пишган овқатда).

Саночдаги маст бўлишим учун кифоя қиларли хайрда Ва танҳоликдан қайтарувчи гўзал ёки қабиҳ (гуломда), Ҳамёнчага солинган динорчалар ҳам бизда бўлса.

Кимки менинг бундай ҳаётимни кўрса, у ҳам (шундай) яшаб, бошқача (ҳаётни) ёқтирмайди.

(Бу шеърдан) кейин: "Мана охирги турар жой. Биз буни ерда айш-ишратдан, фисқу-фасоддан воз кечганлар учун тайёрладик. Оқибат қўққанлар учундир", деган (оятни) ўқир эди.

У ўз шахсий иши билан Нишопурга келади. У (ер)нинг халқидан ёмонлик кўргач, (шундай) дейди:

Агар султон билан яқиндан алоқанг бўлмаса, мусофир сифатида Нишопурда тўхташ кўрма.

Йўқ, (бу шаҳар аҳлида) на фойдали адаб, на арзирлик фазилят ва на инсонга нисбатан ҳурмат йўқ.

Яна у (шундай) деган:

Ал-Муродий (сизларга) шубҳали бўлмаган сўзни айтди: Ахир ақлли (киши)дан чиққан насиҳат қабул этилиши керак-да:

Мусофир сифатида Нишопурда тўхташ кўрма, ҳақиқатан ғариб (киши) Нишопурда эътиборсиздир.

Ал-Мусъабий ҳақида (шундай) деган:

Юқори мартабали (киши)лар суҳбатига интилиш, менимча, мушкулдир, мана бу ал-Мусъабий суҳбатини (олиш) эса жуда қийиндир.

(Ўзи) қўлга киритишни орзу қилган нарсада мени камситади, мен хўрлик йўли билан қўлга киритиладиган шон-шўхратни сотиб юбораман.

Абу Жаъфар ас-Суълукий вафоти муносабати билан (шундай) деган:

Унинг қабиҳ жони ҳалок бўлди, ахир ўлимга ундан муносиброқ (киши) йўқ эди.

Асли туғилиши хатолик бўлган кишини ҳалок этиб,
ўлим ҳеч хато қилгани йўқ.

Абу Али ас-Сағонийга бағишлаб (шундай) деган,
қасидасидан:

Билимни кўп ишлатиб (ўрганганларим) орасида сендан
бошқа (ҳеч кимни) учратмадим, чунки сенга ўхшаган
жаҳонда топилмайди.

Қиличларинг душманга (қандай) санчилаётганини кў-
риб турибман, сен ҳаёт экансан, йўлдан озишлик
таянчини улар емириб ташлайди.

Кафтларингдан сахийлик ва ҳалокат ёғилиб туради,
сенга итоат этмаган омон қолмайди, сенга мурожаат
этган эса жавобсиз қолмайди.

Бакр ибн Молик ҳақида (шундай) деган:

Лашкар устидан ҳақиқий, саййидгина қўмондонлик қила
лади ва шундай лашкаргина ягона (ҳисобланади).

Бакрнинг қўли билан унинг қиличи ва Худонинг қўли
бирдир. Унинг малиҳ ва зариф (шеър)ларидан, унинг
сўзи:

Худди сўфитўрғай (сув) ичгандай ичаётган (анави)
текинхўр сизларга хуш келадими?

Агар ёнидаги саночнинг (оғзи боғланган) ипига унинг
кўзи тушса, шунга ҳам маст бўлади.

У ўлим тушагида ётганда ал-Жайҳоний унга кафанлик
юборади. (Шоир) ўзига келади ва (шеър) ўқиб (шундай)
дейди:

Жайҳон авлодлари мени тириклигимда ва ўлганимда
кийинтирдилар, уларнинг яхшиликларини мен ҳам охир
замонгача тирилтираман.

Уларнинг биринчи мурувватлари чопон эди, охириги
мурувватлари эса менга юборилган кафан бўлди.

Кейин у яна бир оз вақт ҳушидан кетгач, (шундай)
деди:

Ал-Муродий ўз меҳмонлари учун яшади ва ўзи осмон Худосининг меҳмони бўлди.

(Ахир) Худо меҳмонини қабул қилиш учун энг меҳмондўстдир.

Шундай экан (Ал-Муродий) учун йиғловчи йиғисини тўхтатсин.

Сўнгра у худди чироқ каби ўчди.

Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Абдулазиз ан-Насафий

Кундузи ухлаб, кечаси бедор юрадиган қоровулбоши ҳақида (шундай) деган:

Одамлар уйғониб, кун чиқиб бўлгандан кейин у ухлай бошлайди, кеча қоронғуси тушганда эса пойлоқчилик қилиб бедор юради. Бу кечаси ухламай чиқиб, тонг ёришганда мудраб, уйқуга кетадиган итнинг ўзидир.

Абу Али (Аҳмад) ас-Соғоний ҳақида (шундай) деган:

Дунё икки дунёдан (иборат): боқий ва ўткинчи, бутун халқларга ҳар иккиси кифоя қилади. Аҳмад ҳамма инсонларнинг (у дунёга) қайтиб бориши учун баробардир.

У (шундай) деган:

Ичувчиларнинг келишувига қараганда бошлар (ичганда) албатта оғирлашади.

Улар (бошлар)нинг ҳаққи баланд хурмо дарахти меvasидан (тайёрланган) соф шаробни ичишдир.

Абу-л-Фазл ас-Суккарий ал-Марвазий Аҳмад ибн
Муҳаммад ибн Зайд

Марвнинг машҳур шоири ва зариф (киши)ларидан. Унинг шеърлари малиҳ, руҳни жонлантирувчи, гўзал (ибора) ва мисолларга бойдир. Унинг сўзи:

Атрофдаги (кишилар) сендан рози экан, замона ва унинг бевафоликларидан нолима.

Саломат экансан, сенда дўстлар саломатлигининг боқийлигини (ўйлашдан) бошқа қайғу бўлмаслиги керак.

Унинг сўзи:

Ризқ ва унинг (қўлга киритиш) сабаблари қандай ажойиб, ҳар кимнинг ризқида ўз манбаи (бор).
Ўз йўли билан (ризқ) қадр-қимматига қараб ҳосил бўлаверади, одам эса унинг (келиш) сабабларини билмайди.

Унинг сўзи:

Одамлар интиладиган мақсадларнинг энг шарафлиси тўртта:
Бойликнинг кўплиги, ҳокимият, шон-шуҳрат ва осойишталик.
Шулардан биттасига рози бўлсанг, у билан бошқасини ҳам қўлга киритасан.

(Бу) магар бойлик ҳисобланмаса ҳам жоннинг етарлигича осойишта бўлишидир.

Нимаики жонни чарчатадиган бўлса, ундан (ҳеч) манфаат бўлмайди. Унинг сўзи: (Муздавижадан, бунда форс мақолларини (арабчага) таржима қилган).

Кимки қуёшни жаҳл билан бекитмоқчи бўлса, хато қилади.

"Қуёшни чойшаб билан ёпиб бўлмайди".

Кечанинг энг яхши сифати шуки, "кеча ҳомиладор, аммо нима туғишини билмайди".

Доноларга (тегишли) форс мақолаларидан: "Кийим бўёқчи қўлида гаровдир".

Туя ҳашаротларни ёқтирмайди, аммо у тирик экан, улар туянинг бурнида (яшайверадилар).

Эшак балчиққа юмалаб (истаган) нарсасига эришди ва ишдан қутилди.

Биз қадимги шартлашган ваъдаларда турамиз: "Йиртилган саноч ҳам, йиқилган карвон ҳам бўлмайди".

Эшак ҳақидаги (оғиздан-оғизга) ўтиб юрган мақоллардан: "эшак баъзан касаллиги учун ҳам ҳанграйди"

"Эчки фақат овқат билан семиради, мулойим гап билан семирмайди".

"Денгиз суви тўлиб-тошиб ётса ҳам, ит ундан тили билан ичади".

"Насиҳатларимга шубҳаланма, сенга мушукни қопга солиб сотаётганим йўқ".

"Кимнинг уйда таоми бўлмаса, унинг одамлар орасида ҳурмати бўлмайди".

"Ўз эҳсонингга мени умидвор қилдинг. Худо номи билан ёлвораман, (арзимаган) бақлажонингдан ташла".

"Айтишларича, кимки таклиф қилинмай дастурхонга келса, у ўзини камситган бўлади".

Форс мақолларини араб тилига ағдарилгача (ас-Суккарий) жуда берилган эди. Муздавижадан кейин улардан танлаб олганларим, унинг сўзи:

Агар бошнингга тупроқ сепмоқчи бўлсанг, уни энг баланд адрдан сеп, бунинг, албатта, фойдаси (тегади).

Сув ғарқ бўлаётган (киши)нинг тепасига чиққандан кейин, унинг ораси бир найзачами, минг (найзачами) фарқи бўлмайди.

Унинг сўзи:

Агар ожизлик туфайли тоғ чўққисига кўтарила олмасанг, унинг этагида тўхтаб қолавер — мақол шундай.

Унинг сўзи:

Ҳар бир мақталган нарсада, шубҳасиз, айб бўлади, тоза олтин ҳам айбдан холи эмас.

Унинг сўзи:

Агар (бирор) иш устидан ҳукм чиқарувчи тажрибали бўлса, (ишнинг) учдан иккиси тугаган бўлади, (бу ёғидаги) иш қийин эмас.

Агар мени ҳурмат қилишганда, итотсизлик қилмаган бўлардим, (ахир) ит кулча нондан қочмайди-ку.

Унинг сўзи:

Итнинг катагида суяк ахтариш сароб ялтираб турган (жойда) сув қидириш билан тенгдир.

Унинг сўзи:

Тулки қандайдир нарсага даъвогарлик қилиб олмоқчи бўлибди.

"Гувоҳинг борми?" — деб сўрашган экан, "мана дум" дебди.

Унинг сўзи:

Айёр тулки саҳрода юриб кетаяпти, у ерда нимаики бўлса кўради, лекин тўрни кўрмайди.

Унинг сўзи:

Халқ орасида тарқалган форс мақолларидан: "анжир ос касали билан (зарарланганда) суғорилади".

Унинг сўзи:

У оқшанини яшириб, кеккайиб юрса, ҳам уни қийнаб турган нарсадан қутила олмайди.

Исми ёдимдан кўтарилган қайсидир (шоир) тегишли қасидада таржима қилинган мана бу форс мақоллари хотиримга келиб қолди. Юқоридагиларга қўшимча бўлсин деб, улардан (баъзиларини) танлаб кўчирдим. Мана улар:

Шайтон қанчалик қабиҳ бўлмасин, барибир унга нақш берганларичалик ва уни эслаганларичалик эмас.

Нам ерни (суғориш) учун озгина сув етарли, лой ер учун эса янада озроқ намлик (керак).

Биродарим билан ўт ёнигача бордим, у ўтга қадам босгандан кейин, орқамга қайтдим.

Ўз вақтида фурсатдан фойдаланаман ва ёнғоқни тўкилгандан кейин териб оламан.

Одамнинг келиб чиқиши қилмишидан қидирилади, қилмиши эса келиб чиқишидан дарак беради.

Ўз макри ҳалок этган қанчадан-қанча маккорлар ва ўзи ковлаган чуқурга йиқилганлар (бор).

Қатрадан қочиб, менинг устимга жала бўлиб ёғаётган селга йўлиқдим.

Агар бир кўзликлар олдига келсанг, ўшаларга тақлид қил ва "сизларнинг олдингизга бир кўзлик киши келди" деб айт.

У (ёмонни) ўлдир, шу вақтда тирик одам сенга ғанимат

бўлиб қолади, шунда шикоят ҳам қилмайсан, додла-майсан ҳам.

Эшикни эгаси хоҳлаган жойга ўрнат, чунки у буни яхшироқ билади.

Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Аббос ал-Хоразмий

Замонасининг энг доноси, адаб денгизи, наср ва назмнинг туғи, фазл ва идрок оламидир. Ажойиб ва ибратли балоғатни (ўзида) мужассамлаштирганди. Араблар тарихи, жанглари ва девонлари билан (чуқур) танишди, луғат ва шеърятга оид китобларни ўрганди ва ҳар қандай бобидан ва дурларидан келтира оларди, адаб гўзалликларидан энг олий даражага эришганди. Мушоҳадасининг ёқимлилиги, иборасининг малиҳлиги, саховатининг юксаклиги, жиддийлигининг моҳироналиги ва ҳазилларининг ҳаловатлилиги билан ҳар қандай йиғилишда голиб чиқарди. Унинг рисоалар девони жилдларга ажратилиб, кенг тарқалган, шеърлари девони ҳам худди шундай. Мана булар унинг мақолга айланиб, кезиб юрувчи сўзларидир. Буларни унинг рисоаларидан (танлаб) олдим.

Ҳурмат эҳсон билан баробардир, сотиладиган мол нархининг қарама-қаршисидир. Унутилган жойда эсга тушириш (бўлади), эрк берилган жойда қозига рўпара бўлинади. Нафс ўз тузилишига мойилдир, қуш ўз зотига тортади. Ҳаёт ҳодисотлари эрлар кўзгусидир, хулқ-атвор эса улардаги нуқсон ва камолат меъёридир. Дўстлашиш мурожаат эмас, хушмуомалаликдир, хушмуомалалик эса чуқур текшириш ва ўрганишни узоққа чўзмайди ҳам, ҳисоб ва сарфни кўтармайди ҳам. Карамли киши таҳқирланса ҳам азиздир. Найзанинг кучи у мулойим бўлгандагина қудратли бўлади. Сабабсиз узр гуноҳдир, ишонч йўқолиши билан (қилинган) такаллуф ҳақоратдир. Эҳтиётсиз (қилинган) дори-дармон касалликдир, унга ҳожат тушгандагина, у шифо бўлади. Истеъфо бериш хатоликка йўл қўйишдир, бу гўё гўзаллик бахтсизликка олиб келгани кабидир. Хира кўзнинг гуноҳи зулматни севиш ва ёруғликни ёмон кўришдан (иборат). Касалнинг оғзи овқатнинг тушишини қийинлаштиради ва сувнинг таъ-

мидан роҳатланади. Карамли (киши) агар ёмонлик қилса, хатоликдан (бўлади), агар яхшилик қилса, ўйлаб ва ният билан (қилинган бўлади). Олижаноб (киши) агар жароҳатласа, (уни) боғлаб қўяди, йиртса-ямайди, агар бир томондан зарар келтирса, ҳар томондан фойда келтиради. Олижаноб (киши) зафарининг каромати (шундаки), агар қўлга киритса, (бошқаларга) беради, пасткаш зафарининг қабихлиги шундаки, қўлга киритса, яна (кўпроқ) киритишни истайди. Оталар икки (хил) отадир: туғилиш отаси ва таълим бериш отаси; биринчиси жисмоний ҳаёт сабаби, иккинчиси руҳий ҳаёт сабабидир. Китобга рашк (қилиш) карамли ишлардан, балки у оилага рашк қилишнинг ҳамшираси. Илм аҳли бўлмаганнинг илмга бахиллиги аслига қараганда ҳукмдир, фазли билан эса маърифатдир. Агар эр кишини хавотирлик ипи кишанлаб қўйган бўлса, орзу-умид улови томон қўзғалолмайди. Далил кўрсатишда мағлуб бўлган (киши) ҳамма нарсани айтиб беради, ғарқ бўлаётган эса ҳар бир ипга осилишга уринади. Ақлли киши икки ёмон ишдан яхшисини танлаб олади ва иккита ишончли кишининг энг адолатлисига ён босади. Саховатли (киши) бугдой сотиб олмайди, яхшиликни харид қилади. Карамли (киши) гўзаллик билан савдо қилади, мол билан савдо қилмайди. Олижаноб (одам)нинг ҳиммати унинг камбағалликдан ҳимоя қилувчиси ва қисматига қарши қуролдир. Иқрор бўлган кишига (қилинган) афв қаттиқ туриб талаб қилган кишига (қилинган) афвдан тезроқдир. Саховатли кишининг оти ўз аслига (қараб) чопади, (дарахт) шохи эса илдизига (бориб) тақалади.

Инсоннинг келиб чиқиши тақозо қилган нарсага қандай қилиб у қаршилик қила олади, тупроғи ёмон бўлгандан кейин (қандай қилиб) ҳосил яхши бўла олади? Агар масофани муҳаббат қулочи билан ўлчанса ва эсга олиш қўли билан чамаланса, у яқин жой ва кичик майдондай (бўлади), агар уни унутиш қулочи билан ўлчанса ва унга ғофиллик ҳамда ёддан чиқариб юбориш назари билан қаралса, у узоқдир. Ғазаб ҳурматни унутади, яхшиликларни кўмиб юборади ва бегуноҳлар учун жиноятларни вужудга келтиради. Қалбаки мақташ ҳақоратлашдир, пойдеворсиз қурилган бино қулайди. Даҳр қар-

здор, эҳтимол у ваъдасига вафо қилар, замона ҳомиладор, эҳтимол у эгизак туғар. Замон ўтиши сўз (эшитишга) кар, маломат ўқларининг отилишига сабрли, дарахтларни қирқиб ташлайди, шохларни синдиради, ёшликни ўғирлайди, орзу-умидларни ва баданни балоларга гирифтор қилади, борларни бўлиб ўтганларга қўшади.

Инсон эҳсони билан эҳсон султони билан, султон замони билан, замон имконияти билан, имконият эса маконнинг белгилаб бериши билан. Дунё — совчиси кўп келин, подшоҳлик-харидорга сероб бир мол. Кишиларга маълум бўлмаса ҳам, ҳақиқат ҳақиқатдир, кўр кўрмаса ҳам, кундузи кундузидир. Танбеҳ эркакларнинг халос бўлишидир, мусибат эса аҳволнинг сайқалидир. Шижоат, ҳатто унга қарши киши учун ҳам севимлидир, қўрқоқликнинг у билан муносабатда бўлган кишига жирканчли (бўлиши) ҳам худди шундай, сахийликнинг ҳатто ўз душмани қалбига ёқимли (бўлиши), бахилликнинг эса ҳатто унга меросхўр ва унга дўст киши учун оғир (бўлиши) ҳам худди шундай. Даҳр секин ҳаракат қилади, эҳтимол шошилиши ва иқболга нима хоҳласа, шуни қилиши мумкин. Саховатни кўп тақдирлаган киши карамлидир, динорни кам йиққан киши буюқдир. Итоатсиз бола туфайли (чеккан) мусибат (катта) даҳшатдир, унинг (ўлими туфайли одамлар) таъзияси эса табриклашдир. Муҳаббат ҳар қандай қиммат нарсанинг баҳосидир ва ҳар қандай юқори нарсанинг шотисидир. Давр хоинлик қилгандан кейин вафо қилади, синдиргандан кейин тузатади, гуноҳдан кейин тавба қилади, ҳақорат қилгандан кейин тақдирлайди. Мақсадга ортиқча интилиш ундан кейин қолишдир, етарликдан зиёдаси унинг кам (бўлишидир). Қариндош қариндошнинг биродари, адиб адибнинг бир дарахт илдиздан кўкарган шохи. Шухратли кишилар орасидаги шон-шараф-насаб, қариндошчилик бурч ва ҳурматдир, карамли карамликнинг биродари, улуғ улуғликнинг биродари, ҳатто уларнинг шаҳарлари бошқа-бошқа ва ёшлари турлича бўлса ҳам. Қилич аъзонинг қувватига қараб санчилади, от эса минган кишининг ҳолига қараб чопади.

Раҳбарлик (қилиш) тобеларнинг кўплигига боғлиқ, тобеларнинг кўп (бўлиши) хайру саховатнинг кўп

бўлишига боғлиқ. Қаерда рағбатлантириш бўлса, умид шу томонга йўл олади, қаерга дон сепилса, шу ерга қуш қўнади. Агар ҳокимият атрофида адолат ҳукм сурмаса, у инқирозга юз тутади. Биродарларга шавқ қилиб муסיқий асбоблари билан завқланади, қўй гўштига хирс қўйиб ҳўкиз гўшти ейилади, узумнинг номи билан майизни жойиз дейилади ва туркнинг йўқлигида славяннинг хизматини қилинади. Бозори касоднинг олди-соттиси ҳисоблашдир, боғлаб қўйилганнинг ечилиши садақадир, адашганнинг тўғри йўли ибодатдир. Айбсиз кишининг ҳақорат қилиниши соғломликдир, гўё соғлом (кишини) даволаш касаллик бўлмагандай. Чопқир от урилса қоқилади, кескир шамшир зўр-зўракай (урилса), кесмайди, ростгўй тил ёлғон сўзласа, тутулиб қолади. Чиройли кўз эҳсон (қилинадиган) офатларнинг биридир. Ташаккур айтганнинг шукрини қабул қилиш унинг (янада) кўпайиши учун қарзидир, маддоҳ сўзини тинглаш унинг ҳожатини (чиқариш) гаровидир. Кўрганнинг тили айтиб берганнинг тилидан нотикроқдир, воқеанинг гувоҳи бўлиш(биров) сўзининг гувоҳи бўлишдан адолатлироқдир. Ҳаяжонланган (киши)нинг тили жавраш билан нотикдир. Кичикка мурувват энг латиф ва энг ёқимли бўлади, худди озгина сув энг ширин ва мазали бўлганидай. Адабнинг меваси катта ақдир, илмнинг меваси яхши амалдир. Узоқ хизмат ҳурматни мустаҳкамлайди, ҳурматнинг мустаҳкам бўлиши эса яқинлик ва қариндошликни қаттиқ боғлайди. Таги бўлмаган фазилатни даъво қилиш камчиликдир, гўё камчиликка узр сўраб иқроп бўлиш фазилат бўлганидай.

Қочаётган аскар томондан жанг қилиниши амри маҳолнинг бир тури ва ажал ўқларига ўзни тутишдир. Эҳсон эшиги унга киришни хоҳлаганлар учун очиқдир, мурувват қилишни хоҳлаган киши учун унинг иҳота қилинган жойи бемалолдир. Карамли (киши) учун тўсиқ йўқдир, унинг олдидан эшик беркитилмайди ҳам. Яхши кўрган китобни ўқиш қайғу заҳарига қарши доридир. Фаровонликка шукр (қилиш) балога сабр (қилиш) дан осонроқдир, саломатликни сақлаш дардни даволашдан енгилроқдир. Султоннинг оз (нарсаси) ҳам кўпдир, у билан муоамала қилиш (учун) эҳтиёткорлик ва тадбир

(керак), унинг (айбини) очиш алданиш ва алдашдир. Бўхтончидан кўра унга қулоқ солган киши ёмонроқдир, ёмон матодан уни қабул қилган киши ёмонроқдир. Муҳаббат (сувидаги) хор-хашакларга бардош берилмаса ва унинг лойқа сувларини ичилмаса, унда яхшилиқ бўлмайди. Сўзнинг энг яхшиси зиддига қарши чиқилишидан роҳатланиш, ҳазил ва жиддийлигидан хурсанд бўлишдир. Иқболдан қалинроқ сатри-аврат бўлмайди, ишончдан қулайроқ шафе бўлмайди. У туфайли йиғлаш мумкин бўлмаган калтак унинг энг оғритадиганидир, балонинг энг кучлиси уни шикоят енгиллаштиролмаганидир. Худо қудуққа уни қазигандан бошқанинг йиқилишини ва ёмон макрга макр қилгандан бошқанинг йўлиқилишини хоҳламайди. Саховат қилган киши чарчамайди, бахиллик қилган эса ҳеч роҳатланмайди. Муваффақият келтирган меҳнат қандай яхшию, меваси йиғиб олинган шавкат (қандай яхши). Қора заҳарга чидаб бўлмайди, шернинг наърасига тоқат қилиб бўлмайди. Бурчакларда яширин нарсалар, одамлар орасида эса саралари (бор).

Дўстлик муносабатлари эскирса, яқин қариндошликка айланиб кетади ва иккинчи марта онани эмишгандай бўлиб қолади. Қаерда отлиқ (пиёда) аскардан йиқилган, қачон одамсиз якка бино тик турган? Муҳаббат қандай яхши шафедир ва унинг эгасига қалб қандай яхши ёрдамчидир. Иккита табиб ўртасидаги касал тузаладими, бир ғилофга иккита шамшир сиғадими? Замондан яхшироқ таълим (берувчи) муаллимни, инсондан яхшироқ таълим оладиган ўқувчини кўрмадим. Одамлардан шундайи (борки, ҳокимиятни), бошқарганда, нафси уни амалдан туширади, одамлардан шундайи (борки), лавозимдан бўшаганда, фазилати уни яна ўрнига ўтқазади. Мезбонни хурсанд қилиш ва зарофатли бўлиш учун саховатли киши тўқ бўлатуриб овқат ейди ва ташна бўлмаса ҳам, сув ичади. Ой нур сочганига, мушк эса ҳид берганига шукр қилади. Муддат қандай яхши қуролдир, саломатлик қандай яхши ҳимоядир, тақдир қандай ёмон душман, маҳрум бўлиш қандай ёмон шафе, кимсасиз қолиш қандай ёмон рафиқ. Эр кишининг фазилати унинг кийимидир, агар у калта бўлиб қолса, киши яланғочдай бўлиб қолади, агар узун бўлса, унинг ичида қоқилиб кетади. Меҳнат

бу бир сел, агар сел тўхтаб қолса, сингиб кетади. Нозу неъмат кунлари бир қўшин, агар қўшин (душманга) ташланиб турмаса, орқага қайтиб кетади, агар у сенга юзини кўрсатмаса, сендан юз ўгиради.

Яширин (нарсаларнинг) орқаси беркитилган, туҳфалар ва бахтсизликлар учун умрлар ва муддатлар бор. Устахона (қуриш) йўлида санъатда адашган киши бой бўлмайди, ўз ўрнига деҳқончилик қилмаган экинига қарши (турган) бўлади. Асирдан каттароқ (шундай) кишики, уни асир олади, сўнгра қўйиб юборади, шердан шижоатли (шундай) кишики, уни боғлаб олади, кейин қўйиб юборади. Энг тоза ўсимликдан ҳам карамлироқ уни эккан кишилар, карамлидан ҳам карамлироқ уни тарбиялаган кишилар. Инсондан буюк ов йўқ, тилдан яхшироқ овлайдиган тузоқ йўқ, ваҳший ҳайвонни тузоғи билан овлайдиган киши билан инсонни сўзи билан овлайдиган киши ўртасида қандай катта фарқ бор. Кимки одамлар қалбларини овлайман деса, унга эҳсон ва мурувват донларини сепиши, фазл ва олижаноблик тузоқларини қўйиши керак. Яширин дардга даво бўлмайди, даво бўлмагач, шифо бўлмайди. Кимки ўз биродарини фақат кўргандагина эсласа, уни топиши гўё уни йўқотишдир, у билан учрашиши эса, ундан жудо бўлишидир. Кимки молининг (сифатини) яхшиласа, у билан талаб қилган нарчасини қўлга киритади. Кечаси юлдузларини йўқотган, оқаётган селни тўхтатган, денгиз сувини қуритган, давр муддатини тугатган киши ким? Кимки наҳс (ишларни) такомиллаштиради, нафси унга насиҳат қилмай қўяди, кимки дўстидан ўзини юқори тутмаса, уни ўзини севишга мажбур этган бўлади, кимки дардини даволамаса, дард унга ҳамроҳ бўлиб қолади. Кишининг тақдир ўқидан сақланиши, ўз қадр-қиммати учун курашиши қандай яхши ва ризқ учун нарвон (бўлиши), ҳақиқий хизмат йўли билан уни қўлга киритиши қандай яхши.

"ТАТИММАТ АЛ-ЙАТИМА"

Ас-Саолибий "Йатимат ад-даҳр"нинг иккинчи тўлдирилган нусхасини ёзиб тугатгандан кейин ҳам бу борадаги ишини тўхтатмаган. Турли шаҳарларга саёҳат

қилиш, янги адиб ва шоирлар билан учрашиш жараёнида шоирлар ҳақида янгидан-янги маълумотлар йиққан. "Йатимат ад-даҳр"га киритилган шоирлар ҳақида эса қўшимча маълумотлар тўплаган. Шундай қилиб, Саолибийда ўз тазкирасига қўшимча тариқасида алоҳида асар ёзиш фикри туғилган ва "Йатимат ад-даҳр"даги йўл, услуб ва тартиб асосида "Татиммат ал-Йатима" ("Йатимага қўшимча") номли асарини ёзган. Бунда муаллиф имкон борича "Йатимат ад-даҳр"ни янги шоирлар билан тўлдирган ва унга аввал киритилган шоирларнинг айримлари ҳақида қўшимча маълумотлар берган. Саолибий ўзи қайд қилиб ўтгандек, бу қўшимчасиз "Йатимат ад-даҳр" тўлиқ ҳисобланмаган бўларди.

"Татиммат ал-Йатима"ни Саолибий 424(429—1032)1038 йиллар давомида ёзган бўлиши керак, чунки китобнинг икки жойида 424 ҳижрий йил зикр этилган (1-ж., 114, 145-бетлар). Демак, "Татиммат ал-Йатима"нинг ёзилиши бу йилдан олдин бўлмаган. Саолибийнинг ҳижрий 429 йил вафот этганини ҳисобга олсак, бу қўшимча 424—429 йиллар орасида, муаллиф умрининг сўнгги даврларида ёзилгани аниқ бўлиб чиқади.

"Татиммат ал-Йатима"ни ёзишда ҳам Саолибий учун асосий манба вазифасини жонли шахслар — шоирларнинг ўзлари бажарган. Тазкирага киритилган шеърларнинг кўпчилигини муаллиф шоирларнинг ўзидан ёзиб олган, айрим шеърини парчаларнигина бошқа адиблар — муншидлардан эшитган ва ўз китобида уларнинг номини зикр қилиб кетган. Ана шундай муншидлардан Абу-л-Қосим ибн Абу Мансур (33-бет). Абу Али ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Котиб ан-Насафий (55-бет), Абу-л-Қосим Абдусаммад ибн Али-ат-Табарий (64-бетлар) қайд қилинган.

Саолибий тазкирага киритган шоирлари билан ҳамаср бўлган ва уларнинг кўпчилигини шахсан танигани, улар билан мулоқотда бўлгани учун унинг манбаларини шубҳасиз ишончли ва аниқ маълумотлар тариқасида қабул этиб, тадқиқ қилмоқ зарур.

"Татиммат ал-Йатима" Саолибийнинг қисқа муқаддимаси билан бошланади. Муқаддимада муаллиф "Йатимат ад-даҳр" ёзилгандан буён ниҳоятда шуҳрат қозониб кет-

гани, қўлма-қўл ва юртма-юрт кезиб юрганини айтиб, уни ёзган вақтда кўп шоирлар ҳақида қўлимда маълумот йўқ эди, кейин тўплаган маълумотларим асосида уни тўлдиришни лозим топдим ва бу китобни "Татиммат ал-Йатима" деб атадим, дейди.

Бу қўшимчада "Йатимат ад-дахр" да номи тилга олинмаган ёки китоб ёзилгандан кейин шуҳрат қозонган жуда кўп шоирлар ҳақида маълумот берилиб, шеърларидан намуналар келтирилган. "Татиммат ал-Йатима" ҳам муаллиф томонидан худди "Йатимат ад-дахр" каби тўрт қисмга бўлинган.

Биринчи қисм. Шом (Сурия) ва ал-Жазира (Месопотамия) аҳли фозиллари ҳақидаги биринчи қисмнинг қўшимчаси (1-ж., 3—52-бетлар). Бу қисмда 48 та шоир ҳақида маълумот ва шеърӣй парчалар берилган.

Иккинчи қисм. Ироқ аҳли шеърларининг гўзалликлари ҳақидаги иккинчи қисмнинг қўшимчаси (1-ж., 53—91-бетлар). Бу қисмга 32 та шоир киритилган.

Учинчи қисм. Рой, Ҳамадон, Исфаҳон ва Жабал вилоятлари ва уларга қўшни бўлган Журжон, Табаристон аҳлининг фозиллари ҳақидаги учинчи қисмнинг қўшимчаси (1-ж., 92—156-бетлар), бунда 25 та шоир ҳақида маълумот ва шеърларидан намуналар берилган.

Тўртинчи қисм. Хуросон ва унга қўшиладиган бошқа шаҳарлар аҳлининг фозиллари ҳақида тўртинчи қисмнинг қўшимчаси (2-ж., 1—116-б). Бу қисмга газнавийлар даврида яшаган Хуросон ва Мовароуннаҳрлик 104 та шоир ҳақидаги маълумотлар, шеърларидан намуналар киритилган. Баъзи бирларининг таржимаи ҳоли ҳам қисқача берилган. Ўрта Осиё, Афғонистон ва Эрон халқлари араб тилидаги шеърятини ўрганишда бу қисмнинг аҳамияти каттадир.

Шундай қилиб ҳаммаси бўлиб, "Татиммат ал-Йатима"га 209 та шоир ҳақидаги маълумот киритилиб, унинг ярми Ўрта Осиё ва хуросонлик шоирлардир.

"Татиммат ал-Йатима" муаллиф замонидан буён адабиёт аҳллари орасида шуҳрат қозониб келди. Ёқут Ҳамавий (1179—1229) "Иршод ал-ариб" асарида "Татиммат ал-Йатима"нинг ўз қўлида мавжудлигини айтиб, ундан бир қанча парчалар нақл қилган. Ибн Халликон (1221—

1282) ҳам бу китобнинг ўзида борлигини ёзиб, Абу Муҳаммад Абдулмуҳсин ас-Сурий (вафоти шаввол 419 (ноябрь 1028) ҳақидаги маълумотини шу китобдан олганини қайд қилган. Ҳожи Ҳалифа бу асарни "Йатимат ад-даҳр"нинг қўшимчаси сифатида эсга олган, лекин асар номини "Татиммат ал-Йатима" эмас, "Йатимат ал-Йатима" деб нотўғри ёзган. Унинг ёзишича, Ҳасан ибн Музаффар Найсобурий (вафоти 443 (1051—1052) бу китобга қўшимча ёзган.

"Татиммат ал-Йатима"¹ биринчи марта ҳижрий 1353 (милодий 1934) йили Техронда Фардин матбаасида Париж миллий кутубхонасидаги нусха асосида эрон арабшунос олими Аббос Иқбол томонидан нашр этилди. Асар икки жузга берилиб, ҳар жуз алоҳида бет билан бошланган. Унинг аввалги уч қисми биринчи жуз (1—156- бетлар), тўртинчи, яъни Хуросон ва Мовароуннаҳр шоирларига бағишланган қисми эса иккинчи жуз (1—116-бетлар) қилиб нашр этилган ва ҳар иккала жуз бир жилд қилиб муқоваланган. Муқаддимада "Йатимат ад-даҳр" ва "татиммат ал-Йатима"нинг аҳамияти, ёзилиш тарихи ва қўлёзмалари ҳақида тўхталиб ўтилган.

"ТАТИММАТ АЛ-ЙАТИМА" ТЎРТИНЧИ ҚИСМИНИНГ МАЗМУНИ

Тўртинчи қисмга 104 та шоир ҳақидаги маълумот киритилгани ва бу ҳажм жиҳатдан тазкиранинг ярмини ташкил этганини юқорида айтиб ўтган эдик.

"Татиммат ал-Йатима"нинг қисмлари "Йатимат ад-даҳр" каби 10 тадан махсус бобларга ажратилмаган. Лекин шоирлар ҳақида маълумотлар улар яшаган жойлар ва уларнинг лавозими асосида қуйидаги сарлавҳалар остида берилган:

¹ Китоб "Татиммат ал-Йатима". Таълифи Абу Мансур Абдумалик ас-Саолибий ан-Найсобурий, жузъ 1—2. Техрон матбаати "Фардин". Санаси 1353 ҳижрий қамарий (бундан кейин бетлар шу нашр бўйича кўрсатилади.

Ўзбекча таржимаси: Абу Мансур Абдумалик ибн Муҳаммад ас-Саолибий Татиммат ал-Йатима. Тошкент, ЎзССР "Фан" нашриёти, 1990.

1. Хуросон ва унга ёндош ўлкалар шоирлари, булар 18 та (1—18).

2. Завзанлик шоирлар, булар саккизта (19—26).

3. Нишопур атрофида яшаган шоирлар, булар бешта (27—31).

4. Хуросоннинг бошқа шоирлари, булар 17 та (32—48).

5. Аркони давлат ва пойтахт аъёнлари, турли давлат ишларини бошқариб ундан кетганлар ва насаби билан унинг хизматида бўлганлар зикри, булар 18 та (49—66).

6. Ушбу китоб хотимаси, булар 37 та (67—103).

Охирида "Хотиманинг хотимаси" деб шоир Абу Усмон ибн Абдурраҳмон ас-Собуний ҳақида тўхтаб ўтилган. Кейин "Ушбу китоб муаллифи (шундай) деган" сарлавҳа остида Саолибийнинг қисқа сўнги сўзи илова қилинган.

"Йатимат ад-дахр" тўртинчи қисмининг охирида ас-Саолибий шундай ёзган эди: "Ўнинчи боб ниҳоясига етди, шу билан китоб ҳам тугади. Шеърлари менинг ҳузуримда бўлмаган Нишопур аҳлидан бир қанча кишиларнинг зикри менинг (бўйнимда) қолди. Улар: Абу Салмо Ал-Муаддиб, Абу Ҳомид ал-Хоразанжий, Абу Саҳл ал-Бустий, Абу-л-Ҳасан ал-Абдуний ал-Фақиҳ, Абу Бакр ал-Жалобазий, Абу-л-Қосим ал-Алавий, Абу Саъд ал-Хайррўзий, Абу Саъид Масъуд ибн Муҳаммад ал-Журжоний, ал-Фақиҳ Абу-л-Қосим ибн Ҳабиб ал-Музаққир, Абу-л-Қосим ал-Ҳасан ибн Абдуллоҳ ал-Муставфий ал-Вазир, аш-Шайх Абу-л-Ҳасан ал-Кархий, аш-Шайх Абу Наср ибн Мушкон, Абу-л-Ало ибн Ҳасула, тангри уни қўлласин. Менга ёки мендан кейингиларга улар шеърларининг малиҳларидан лойиқ бўладиганини шу бобга илова қилиш муяссар бўлар, тангри хоҳласа". Бу ерда кўрсатилган ўн учта шоирдан фақат иккитаси аш-Шайх Абу-л-Ҳасан ал-Кархий ва аш-Шайх Абу Наср ибн Мушкон "Татиммат ал-Йатима"га киритилган, холос, қолганлар нима учундир қолиб кетган. Демак, ас-Саолибий ўз "Қўшимча"сини ўзи ўйлаган даражада тўлдирмаган, унга киритмоқчи бўлган шоирларнинг бир қанчасини яна қандайдир сабабларга кўра тушириб қолдирган. Эҳтимол, бунга ўзи қайд қилганидек, мазкур шоирларнинг шеърлари унинг қўлида бўлмагани сабаб бўлса керак.

"Йатимат ад-дахр"га киритилган шоирлардан учтаси

ҳақида "Татиммат ал-Йатима"да қўшимча маълумотлар берилган ва шеърлари илова қилинган. Булар: Абу Ҳафс ибн ал-Муттавий ал-Ҳоким (11—14-бетлар), "Йатимат ад-даҳр"да бу шоир исми Абу Ҳафс Умар ибн Али ал-Муттавий ёзилган (433-бет) ва ал-Қозий ал-Ҳиравий (46—53-бетлар), "Йатимат ад-даҳр"да унинг исми Мансур ибн ал-Ҳоким Абу Мансур ал-Ҳиравий кўрсатилган (348—350-бетлар).

"Йатимат ад-даҳр"да фақат номи зикр қилиниб, ҳаёти ҳақида маълумот берилмаган шоирлардан Абу-л-Қосим Али ибн ал-Ҳусайн ал-Алимоний (106-бет), Абу-л-Ҳасан Али ибн Илёс ал-Оғажий (114-бет, "Йатимат ад-даҳр"да ал-Аъжум, 155-бет), Абу-л-Қосим Али ибн Абдуллоҳ ал-Меколий (106—107-бетлар) ва ал-Амир Абу-л-Аббос Исмоил ибн Абдуллоҳ (107-бетлар) ҳақида бу асарда анчагина маълумотлар берилган.

Саолибий "Йатимат ад-даҳр"га 47 та Бухорода яшаган ва еттита хоразмлик шоирларни киритган эди. "Татиммат ал-Йатима" эса асосан хуросонлик шоирларни ўз ичига олган. Фақат учта Бухорода яшаган шоир: ас-Соллимий (107—108-бетлар), ал-Асмаъий (108-бет), Абу-л-Ҳасан ал-Оғажий (155-бет) ва битта хўжандлик шоир Ҳайдар ал-Хўжандий (113-бет) шеърларидан киритилган, холос. Улар ҳақида ҳеч қандай бошқа маълумот берилмаган. Саолибий "Йатимат ад-даҳр"ни ёзишдан олдин Бухоро ва Хоразмга келиб, ўз китобида зикр этилган шоирлари ҳақида маълумотлар йиғиб кетган. "Татиммат ал-Йатима"ни ёзишда эса кексайиб, Нишопурда муқим туриб қолган ва Моваруоннаҳрга келиши унга оғир бўлган. Ҳозиргача номаълум бўлган Ҳайдар Хўжандийнинг бу ерда тилга олиниб, шеърларидан парча берилиши муқим аҳамиятга эга.

"Татиммат ал-Йатима" биографик ва тарихий маълумотлар нуқтаи назаридан жуда камбағал, унда кўпчилик шоирлар таржимаи ҳолига оид ҳеч қандай маълумот берилмаган. Саолибий уларнинг шеърларидан парчалар келтириш билан кифояланиб қолган. Асар муаллиф умрининг охирида, у 70 ёшдан ўтгандан кейин ёзилгани учун муаллиф бу борада анча қийналган бўлиши керак.

"Татиммат ал-Йатима"га киритилган шоирлар ўз она

тиллари бўлмиш форсий тилини яхши билганлар ва бу тил, шубҳасиз, улар учун жонли тил вазифасини ўтаган. Саолибий ўз олдига фақат араб тилида ижод этган шоирларни тазкирага киритишни мақсад қилиб қўйган. Шундай бўлса ҳам, Абу Мансур Қосим ибн Иброҳим ал-Қоиний, лақаби Бузуржмеҳр (Бузургмеҳр) деган шоир зуллисонан бўлгани, яъни икки тилда ижод этганини (араб ва форсий) Саолибий ўзи қайд қилиб ўтган. Тазкирада форс-тожик адабиёти намояндалари шеърлари таржимаси ҳам баъзан киритилган: Масалан, асарда Маҳмуд саройида яшаган Абу Зайд Муҳаммад ар-Розийнинг икки байт шеъри таржимаси форсийдан асл нусхаси билан берилган (45-б). Тазкирадаги шоирлар учун форсий тили она тили вазифасини ўтганини исботловчи яна бир далил-шеърларда форсча-тожикча сўзларнинг ишлатилишидир.

Шоирлар ўзлари форсий тилини яхши билиш билан ўқувчилари ҳам бу тилни яхши билишига ишонганлар. Абу Саъд Аҳмад ал-Амидий "Ўтин сўраб" шеърининг бир байтида "Совуқнинг ҳаддан ошгани туфайли "мазийя" деб аталган нарсанинг тескарисига ниҳоят муҳтож бўлиб қолдик (59-бет), деб ёзади. Агар арабча "мазийя" сўзини тескари ўқисак, тожикча ҳизум (ўтин) сўзи келиб чиқади. Бу байт мазмунини фақат форсий тилидан тўла хабардор бўлган кишигина тушуна олади.

"Татиммат ал-Йатима"нинг тўртинчи қисмига ҳаммаси бўлиб 1357 байт шеър киритилган. "Йатимат ад-дахр" тўртинчи қисмига эса 4160 байт шеърий парча киритилган эди. Демак, ас-Саолибий ўз тазкирасини 30 фоиз янги шеърлар билан тўлдирган. Бу шеърлар орасида форсий тилидан арабчага шоир Абу Аҳмад Мансур ал-Яздий таржима қилган икки байт (51-бет), Абу Солиҳ ан-Найсобурий таржима қилган бир байт (113-б) ва Абу-л-Ҳасан Оғажий таржима қилган икки байт (114-бет) шеър бор. Қолган шеърларнинг барчаси араб тилида ёзилган.

Тазкирага кирган шеърларнинг кўпчилиги парчалардир, унда тўла асарлар жуда кам. Ҳажми энг кўп шеърларга Абу-л-Фараж ал-Ҳамадонийнинг 16-байт (96—97-бетлар) ва 17 байтли (98—99-бетлар) иккита, ал-Ҳоким Абу Али ал-Дарожибардийнинг 9 байтли (105-бет)

шеърини кўрсатиш мумкин. Шеъринг намуналарнинг жуда кўпчилиги 1—2 байтлардангина иборат парчалардир. Шеърлардан 16 байтдан иборат бештаси китоб муаллифи Саолибий қаламига мансубдир (68—70-бетлар).

"Татиммат ал-Йатима"га киритилган шоирлар насрий асарлар ҳам ижод этганлар. Абу-л-Баракот ал-Алавийнинг касал кўриш ҳақидаги фасллари (3-бет), Абу Бакр Юсуфий рисоалари (27—28-бетлар), Абу Али ал-Бохарзий (37—38-бетлар), Абу Аҳмад ал-Аздий (47—48-бетлар), Абу Абдуллоҳ ал-Бағавий (57-бет), Абу-л-Фатҳ Масъуд ибн ан-Лайс (72-бет) ва Абу Тоҳир ал-Ҳасан ибн Ҳассул (103) рисоалари, Абу Мансур ибн Мушконнинг Маҳмуд Ғазнавийга бағишланган "Султония"си (63—64-бетлар) сажъда ёзилган насрий асарлардир.

"Татиммат ал-Йатима" тазкира бўлгани учун унда бирорта шоирнинг таржимаи ҳоли ва тўла асарлари берилмаган. Шунинг учун айрим шеъринг парчалар асосида у ёки бу шоир ижоди ҳақида мукамал сўз юритиш, унинг ижодига тўла баҳо бериш мумкин эмас. Бундан ташқари бу асар "Йатимат ад-даҳр"га кўшимча тариқасида ёзилгани сабабли Саолибий уни ёзишга "Йатимат ад-даҳр"га сарфлагандай вақт кетказмаган, уни бир неча бор қайта-қайта ишламаган ҳам. Булар ҳаммаси тазкирадан мукамаллик талаб қилишга имкон бермайди. Аммо тазкирага киритилган шеъринг намуналар асосида фикр юритиб, ўша давр арабийнавис шоирлар шеърининг мавзуи, жанр ва шакллари, ғояси ва йўналиши ҳақида айрим мушоҳадаларимизни билдиришимиз мумкин.

"Татиммат ал-Йатима"га киритилган шеърлар асосан қасида, васф, ғазал ва ҳажвлардан иборат. Битта уржуза ҳам бор (5-бет). Лекин кўпчилик парчаларда унинг қандай шеър жанри ёки шаклига кириши кўрсатилмаган, фақат "ундан", "унинг сўзи" деб кетилган, холос. Шеърлар мазмунига қарабгина уларнинг нима ҳақида ёзилганини аниқлаш мумкин.

Қасидалар ўз-ўзидан маълумки, айрим ҳукмдор, нуфузли шахслар ёки ўз дўсти, яқин кишисини мадҳ этишга бағишланган.

Қасидаларнинг ҳаммаси ҳам мадҳ учун ёзилмаган. Шоир Абу-л-Фараж ал-Ҳамадонийнинг "ягона, ниҳоятда

бадий" (Саолибий) қасидасидан келтирилган 16 байтли шеърда гўзал маҳбуб ҳусни, чиройли манзил, ундаги қушлар, дўст иштиёқи, баҳодирлар қаҳрамонлиги ва шоир отасининг яхши сифатлари тараннум этилади. Мазмун жиҳатдан бу парча исломгача бўлган араб шоирлари қасидаларидан олинганга ўхшайди (96—97-бетлар). Абу-л-Ҳусайн ат-Тағлабий қасидасидан келтирилган тўрт байт дунёдаги энг кичкина нарсалар тавсифига бағишланган бўлиб, бу қасиданависликда ўзига хос бир мазмунга эгадир (100-бет).

Шеърлар орасида ҳажвий парчалар айниқса диққатга сазовордир.

Абу Толиб ал-Муставфий Пўлад (Пўлат) деган бир амалдорни танқид қилар экан, лаимликда у устоддир, ўз номига мос пўлатдай қаттиқ, хасис деб ёзади (93-бет). Абу наср ал-Холидий қуйидаги икки байтда бир қозини қаттиқ ҳажв тифига олади:

Бизнинг қозимиз иблисдир, шармандаликларда унга ўхшаш иблиснинг йўқлиги (бунинг) гувоҳидир.
У гўё бир парча темир ёки бир палаж, бод чиқариш жойи эса оҳанграбонинг ўзидир (87-бет).

Шоир бошлиқлардан шикоят қилар экан, улардан халқ манфаат кўрмаслиги, хасислигини танқид қилади:

Бошлиқ ва унинг ажойиб ўғлидан умидимни уздим.
Ва улар томонга девор уриб қўйдим, чунки улардан ҳеч фойда йўқ.
Уларнинг саховатидан биратўла икки қўлимни ювдим (87-бет).

Абу Юсуф Яъқуб ибн Аҳмад ҳеч ишнинг уддасидан чиқа олмаса ҳам, доим мансаб учун интилувчи нодон амалпарастларни икки байтда жуда чиройли ўхшатиш ва иборалар билан кулги остига олади:

Мансабга интилиши сабабли, унга етишишни орзу қилади.
Лекин бу ерда мансаб учун (унинг) ҳеч қандай асоси йўқ.

Бу худди қувватсиз кишининг бокира қизга уйланишни Орзу қилиб, (у қизнинг) уддасидан чиқолмагани ва қўшмачиликка мойил бўлиб қолгани кабидир (22-бет).

Абу-т-Таййиб Тоҳир ибн Абдуллоҳ қандайдир Абу Саъд ибн Ҳамдоннинг хулқи ва ёқимсизлигини ҳажв қилса (67-бет), Абул-л-Ҳасан Бармакий ўз шеърида Абу Бакр ибн Ҳамдон деган кишини насл-насабсиз, бахил, аҳмоқ ва жоҳиллигини ҳажв қилиб, никоҳсиз туғилган дейди (85-бет), Абу-л-Қосим ал-Алимоний бир вазирни киноя билан ҳажв тигига олиб, карамлилар учун унинг ҳузурда итнинг катакдаги ўрни каби ўрин ажратилган, дейди (106-бет).

Ҳажвий шеърлар билан бир қаторда тазкирага кирган парчаларда замон ва тақдирдан шикоят қилиш, адолатсизлик, тенгсизлик ва жабр-зулмни танқид қилиш ҳам асосий ўрин тутди. Абу Масъуд ал-Хушномий қуйидаги икки байтда замона мусаффо эмаслиги, унда ҳузур-ҳаловат йўқлиги сабабли ҳаёт ниҳоятда оғирлигидан, замонда қадр-қиммат, меҳру вафо йўқлигидан шикоят қилади:

Замона мусаффоликдан маҳрум бўлгандан кейин,
замонангда ҳаётнинг мусаффо бўлишига ишонасанми?
Бу дунё одамларидан вафони умид қиласанми,
ахир вафодан қудратли ҳеч нарса йўқ-ку (18-бет).

Абу Али Бохарзий насрий рисоаларининг бир фаслида замона ноҳақлиги, унда адолат қолмагани, фисқ-фасод авжга чиққани жуда ифодали қилиб тасвирланган:

"Тангри тақдиримиз учун замонамизни жонлантурсин, унда шеърнинг баҳоси тушиб кетди, котиблик ғам-қайғуси пайдо бўлди, илм байроғи эгилди, ақлни таъқиқ этиш ўрнатилди, сахийлик мавжудлиги нодир бўлди, қалблар эшиги беркитилди, ёзилган гиламлар йиғиб қўйилди, қозоннинг қадри кўтарилди, ёзилган дастурхонлар фойдасиз қолди, давом этиб келаётган қариндошликлар йўққа чиқди ва фисқ бозори тикланди" (37—38-бетлар).

Замона қабиҳ, нодонлар замонаси, фозил ва донолар эса камбағаллик, қийинчилик ва хорликда яшамокда, улар ҳақида қайгурувчи йўқ, деб ёзади шоир Абу Али ат-Табаристий:

Бу замона ҳодисотларидан тоқатим тоқ бўлди,
у қабихга ён босиб, олижанобга ҳамла қилади,
Олижанобни бу (замон)да қашшоқ ҳолда кўрасан,
ҳар қанча ҳаракат қилмасин, унда фақирлик азобидан
бошқа нарса йўқ.

Ҳар қандай лаим эса фаровонлик ва ноз-неъматда.
Замона ишлари ана шундай ўлчовда кетмоқда (42-бет).

Замона шундай экан, унинг кирдикорларига алдан-
маслик, қатъиятли бўлиш шоир Абу Бакр Муҳаммад
ал-Абдонийнинг қуйидаги икки байтида ифодаланган:

Қатъий бир фикрда турган бўлсанг, хоин замонага
алданиб қолма.

Ғазабланма ҳам, чунки сен фаришта билан ашулачи
чўрини ажрата оладиганлардансан (115-б).

Абу Абдуллоҳ ал-Бағавий замона бутунлай адолатсиз-
лик ва жафодан иборатлигидан шикоят қилади (58-бет).
Абу-л-Ҳасан ал-Арбобий ўз замонасида ҳаёт ва нозу
неъмат тамоман тугаб кетаётганини ёзади (79-бет). Абу
Бакр ал-Ғазнавий замонасини зинокор ва бузуқлар за-
монаси, дейди (81-бет). Абу-л-Фатҳ ад-Далиғоний ҳам
замонани бузилиб кетаётганидан шикоят қилар экан,
халқни мусибатларга гирифтор қилган эзувчи синф ва-
килларини бўриларга тенглаштиради ва қиличини қўлга
олиб, уларнинг чангал ва тишини қолдирмасликка чақира-
ди (86-бет).

Тазкирада мавжуд шеърлар орасида бойлик, молпара-
стлик, бахиллик, очкўзликни қораловчи байтларни ҳам
учратамиз. Абу Мансур ас-Саъдийнинг мана бу шеъри
бунга мисолдир:

Эй, бойлик тўпловчи, қачонгача у билан бахиллик
қиласан,
азбаройи худо, у билан абадий тамагир бўлиб қоласан,
Майит ўзи билан бойликни олиб кетадими?
У тўплагандан бошқага тегишли эканини ўйлаб кўр-
майсанми? (95-бет).

Абу Бакр ал-Ғазнавий бойлиги билан мағрурланиб

кетган шахсларни танқид қилар экан, "бойлик ҳеч нарсага арзимади, унинг ҳалок этишидан сақлан",— дейди (80-бет).

Шоирлар бойликни, унинг айрим шахслар қўлида тўпланиб қолганини танқид қилар экан, кўпчилик халқ қашшоқ, оч-яланғочлиги, бутун ҳаёти мусибат ва қийинчиликда ўтишини ачиниш билан тасвирлайди:

Қандай замона, маҳбубдан ажралиш, қишнинг совуғи
ва қашшоқлик
Жамоа бўлиб мени кузатишди ва ваъда қилинган
жойда менга йўлиқишди (110-бет).

"Татиммат ал-Йатима"га киритилган шоирларнинг айримлари ислом дини ва унинг қонун-қоидаларига бефарқ қараганлар. Шоир Муҳаммад аш-Ширажий ислом қоидаларини ўрганишдан кўра айш-ишратни афзал деб билади:

Диндаги фикҳни ўрганишдан мени халос қилинг,
ўзимга кифоя қиларлик илмим етарлидир.
Мени гўзаллар юзлари, най ва удларнинг овози билан
сероб қилинг (89-бет).

Тазкирада бевосита майга бағишланган хамриётлар жуда кам, айрим парчаларда май ҳақида йўл-йўлакай сўз боради. Лекин майни танқид қилиб ёзилган мисраларни кўплаб учратамиз. Абу Али ал-Бохарзий ичкилик фақат ёмонликларга олиб боришини ёзар экан, шундай дейди:

Эй соқий, менга у (шароб)ни ичирма, зеро қиёматда
оёқдан олинисидан қўрқаман.
Шароб мастлиги ёмонликни қўзғотади, ундан
(бўладиган) ёмонликларни фарқ қил ва менга бошқа
нарсани ичир (39-бет).

Абу Саҳл Аҳмад ал-Ҳамдуний май ичиш фисқу фасоднинг бошланиши ва унинг оқибати гуноҳ эшикларининг дарвозаси, уни тўхтовсиз ичиш йўлдан озиш,— деб ёзади (61-бет), Абу Саҳл ибн ал-Ҳасан хамриётдан олинган икки байтда майни "Кўзада у бачодондаги бола

каби бўлса, бошга чиққанда у жинниликдир", деб таърифлайди (66-бет). Абу Али ал-Бохарзий ўзининг насрий асарларида майнинг зарари ҳақида ёзар экан, "Ким майнинг қизиллиги билан ўзини иситса, совуқда чопонсиз ялонғоч қолади", дейди (37-бет).

"Татиммат ал-Йатима"да қариликдан шикоят қилиб ёзилган шеърлар ҳам анчагина учрайди. Бу ўша давр шоирлари учун асосий мавзулардан бири эди. Қарилик бир томондан мўътабар ёш, киши ақл-идроки камол топган бир давр. Кексалар ҳамма жойда ҳурмат ва икромда. Лекин иккинчи томондан афсус-надомат, қийинчилик ва оғир ҳаёт кечирish даври. Шоир кучдан қолади, сочи оқаради, касалликлар унга ёпишиб олади, кезиш, саёҳат қилиш, ёру дўстлар билан учрашишдан маҳрум бўлади, ёш шоирлар билан рақобатлаша олмайди, амиру вазирлар базмини безолмайди, даромад манбалари унга бекилади, ўлим васвасаси уни доим қийнайди. Мана буларни куйлаш шоирлар ижодида, у кексайган даврида асосий ўринни олган. Улар қариликнинг афзаллиги, мўътабарлигини куйлаш билан бирга, ундан норози бўлиб, шикоят қилганлар. Абу Солиҳ ан-Найсабурий қарилик ҳақида шундай ёзади:

Бугунги кун (кўчага) чиқиш куни эмас, уйда ўлтириш кунидир,

Иссиқ уйда (ўлтириш) куни, ипак кийим кийиш кунидир.

Куйлаш ва ўйин-кулги куни, кўзадан (май) ичиш кунидир.

Мана бундай кун қарилик совуғининг нишонасидир (112-бет).

Абу Али ал-Бохарзий ёшликда ўйнаб-кулиб, айш-ишрат қилиб олиш, қариликда бу ишлардан тийилиш кераклигини айтади (39-бет). Абу Аҳмад ал-Аздий соч оқариши сабаби фақат қарилик эмас, балки замона кирдикори, ҳодисотлар бошга солган азоблар ва ташвишлар эканини ёзади (48-б). Соч оқини зўрма-зўраки бўяш, уни халқ кўзидан яширишдан фойда йўқ, барибир тақдир кўзидан уни яшириб бўлмайди, дейди Абу Абдуллоҳ

Ал-Багавий (58-б). Шоир Абу Бакр ас-Сижзий учун эса соч оқи юз чиройини ўзгартириб, жамики айбларни ошкор қилган бўлса ҳам, қариликдан, соч оқи зулмидан кўра чўнтакнинг бўшаб қолиши, қашшоқлик ёмонроқдир (60-б),— дейди.

Соч оқини қарилик тонгининг отишига ўхшатиш Шарқ шоирлари ижодида кўп учрайдиган мажозлардан биридир. Шоир Абу-л-Ҳасан Мусофир буни ниҳоятда чиройли тавсифлаган:

Ёшлигим давом этиб, сочнинг туни тонг отишига рухсат бергани учун қавмим мени маломат қилди. Мен дедим: "Тонг (отиш) олдидан бир лаҳза лаззатланиш учун мени маъзур тутинг, чунки тонг кун қизигидан дарак беради" (70).

Бундай ўхшатишни Абу Али Абдулваҳоб ибн Муҳаммаднинг икки байтида ҳам учратамиз (104-бет).

Шоир Абу-л-Ҳасан ал-Бармакий соч оқариши билан киши ҳурматига сазовор бўлиши, илм аҳллари, мўйсафидлик билан табарруклигини, ҳатто гўзаллар ҳам сочи оқарганлар гуноҳини ўтиб юборишини жуда чиройли бадний санъатлар билан тавсифлаган (85-бет). Абу-л-Фарах ал-Ҳамадоний соч-соқол оқи ва кексаликнинг афзалликларини янада чиройли иборалар билан ифодалайди:

Юзимдаги соқол оқи мени уялтирмоқда, агар (оёқларида) оқ билакузуклари бўлмаганда, қора отлар мақталмаган бўларди.

Соч оқи белимни букди, лекин жасоратим мустаҳкамланди, агар ёй эгилмаганда, ўқ (теккан жойини) тешиб ўтолмас эди (96-б).

Ал-Халил ибн Аҳмад ас-Сижзий учун кексалик ёшлиқдан ёқимлироқ, сочнинг оққа бўялишини маломат қилиш ярамайди, чунки соч қораси қарға бўлса, оқи лочиндир (101-бет). Абу Али ал-Ҳасан ад-Даробижардий ёшлиқдаги доноликни сочи қора кексалик деб атайди (104-бет). Тазкирада панд-насиҳат, ақл-ҳикмат, одоб, яхши хулқ, бир-бирига ҳурмат, ёмон ишдан тийиб, яхшиликка даъват этувчи назмий ва насрий парчалар кўплаб

учрайди. Масалан, Абу Али ал-Бохарзийнинг сажъ билан ёзилган ҳикматли сўзлари (37—38-бетлар) бунга далилдир. Абу Мансур ибн Мушкон ёмонлик ва унинг оқибати ҳақида ёзади: "Кимки ёмон ният билан тузоқ қўйган бўлса, ўзи унга илиниб ҳалок бўлади, ёмон макр-ҳийла фақат уни (ўйлаган) кишинигина ҳалок этади" (63-бет). Шоир ишەқмас, ялқовлар ҳақида ёзар экан, "ялқов кишидан яхши хулқлар юз ўтиради",— дейди (65-бет).

Шоир Абу Али ал-Бохарзий насрий асарларидан олинган парчалар бошидан-оёқ панд-насиҳат ва ҳикмоматомиз жумлалар бўлиб, халқ мақоллари тимсолида ёзилган. Масалан: "Инсон учун эҳсонни такрорлаш қандай яхши. Касаллик оғир мусибат натижаси, роҳат эса истироҳат мевасидир. Бутун ҳаёти давомида дунёга фойда етказмаган киши одамлар умри муддатини ҳам қисқартирган бўлади. Сассиқпопишак табиб бўлганда, уясини ёқимли қилган бўларди. Кимга яхшилигинг тегмаса, у бошқага хизмат қилади",— кабилар (37-бет).

Абу Бакр Кўҳистоний "Ким бир нарсани талаб қилиб жиддий киришса, (уни) топади, ким эшикни қоқса ва қаттиқ туриб олса (албатта), ичкарига киради",— дейди. Кўҳистоний ўзининг икки байт шеърда йигитлик даврини ганимат билиш, уни беҳуда ўтказиб юбормаслик, дунё ва ундаги ҳаётдан самарали фойдаланиш кераклигини ёзар экан, киши умрини бир ўққа ўхшатиб, "у ҳеч қайтиб ҳам келмайди, ушланиб ҳам қолмайди",— дейди. (74-бет). Абу Толиб Муҳаммад ибн Али зулм, адоват, қаҳр-ғазабни қаттиқ қоралайди: "Кимки ўз салтанатида одамларга қаҳр-ғазаб қилса, у салбга тортилади, тошбўран қилинади ва бу иккисидан кейин боши қирқилади" (93-бет).

"Татиммат ал-Йатима"га кирган шоирлар ижодида дўстлик мавзуи, дўстга дўстнинг ёрдам қўлини чўзиши, қадрлаши, адашса тўғри йўлга солиб қўйиши, арзимаган нарсалар учун уни маломат қилмаслиги гоёлари олдинга сурилади. Абу Ҳафс ал-Муттавий (13—14-бетлар), Абу Аҳмад ал-Ҳиравий (53-бет). Абу-л-Ҳасан Мусофирлар (69-бетлар) нинг Саолибий ҳақида ёзган шеърларида бу машҳур олимга жуда юксак баҳо берилган, унинг адаб ва инсонийликдаги олижанобликлари тавсиф этилган. Абу Мансур ас-Саолибий дўстга ҳурмат ҳақида ёзиш билан,

қандайдир дўсти ҳақидаги салбий томонларни танқид ҳам қилади (95-бет).

Арабийнавис шоирлар ижодида васфий шеърлар ҳам алоҳида ўрин тутади "Йатимат ад-даҳр"га 600 байт васфий шеърлар киритилган эди. Шоир Абу Толиб ал-Маъмунийдан (вафоти 383/994) 100 дан ортиқ васфлар сақланиб қолган. У ўз замонасида васфий шеърлар борасида ягона бўлган. "Татиммат ал-Йатима"га киритилган шеърлар орасида ҳам васфий шеърлар анчагина учрайди. Буларга Абу Мансур ибн Мушконнинг сув ҳақидаги (62-бет), Абу Бакр Кўхистонийнинг қуймоқ ҳақидаги (75-бет), Абу Бакр ал-Ғазнавийнинг баҳор тавсифидаги (80-бет) ва Абу Али ан-Найсабурийнинг баҳор ва куз ҳақидаги (105-бет) васфларини киритиш мумкин. Булардан ташқари васф бошқа шеър жанрлари орасида ҳам учрайди.

Шоирлар васфда тавсиф қилинаётган нарсани ёки бирор воқеа-ҳодисани чиройли ўхшатишлар, мажозий иборалар орқали, бадий тавсифлаб берганлар. Васфий шеърлар маъносини ҳамма вақт ҳам есонлик билан англаб бўлмайди, боиси улар гоҳида шеърий топишмоққа айланиб кетади. Баъзан шеърларда турли шаҳарлар мақталади, уларнинг ҳавоси, меваси ва одамлари тавсиф этилади, номаълум шоирнинг Буст ҳақидаги бир байти (75-бет) ва Абу Закариё ас-Сижзийнинг Нишопурни мадҳ этиб ёзган икки байти (56-бет) бунга мисолдир. Шу билан бирга шоирлар айрим шаҳарларни, уларнинг ифлослиги, ва қаровсизлигини танқид ҳам қилганлар. Шоир Маъруф ибн Абу-л-Фазл Бўшанжни қаттиқ ҳақоратлаган (55-бет), Абу-л-Ҳасан ал-Оғажий жуда чиройли тажнис қўллаб Балх шаҳрини, танқид қилган (113-бет).

Ўрта Осиё ва Эронда Наврўз ва Меҳржон байрамлари узоқ вақт давом этиб келган, Наврўз ҳозир ҳам Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистонда алоҳида тантаналар билан байрам қилинади. Меҳржон (Форсий манбаларда меҳргон) эронча меҳрмоҳ ойининг ўн олтинчи куни, яъни кузда йиғим-терим тугагандан кейин ўтказиладиган байрам. Форс-тожик адабиётида Наврўз ва Меҳржонга аталган шеърлар кўплаб учрайди. Бу байрамлар арабийнавис шоирлар томонидан ҳам куйланган. "Йатимат ад-даҳр"да Абу-т-Таййиб ат-Тоҳирийнинг икки байт, Абу Абдуллоҳ

ал-Хоразмийнинг тўққиз байт меҳржонияси ва Абу Муҳаммад ал-Матронийнинг тўрт байт наврўзияси берилган эди. "Татиммат ал-Йатима"да Абу Муҳаммад ал-Ҳарбийнинг икки байт наврўз ҳақидаги (22-бет) ва Абу Солиҳ ал-Муставфийнинг уч байт меҳржон ҳақидаги шеъри (111—112 бет) берилган.

"Татиммат ал-Йатима"га киритилган шоирлар ижодидаги ишқ-муҳаббатни куйлаш ҳам асосий ўрин тутди. Маҳбубни куйлашда шоирлар бадий санъатларнинг ҳамма турларидан фойдаланганлар. "Икки кўзим кўп йиғлаганликдан қип-қизил, юзим сап-сариқ, қалбим эса кул рангидадир",— дейди Абу-т-Таййиб Тоҳир ибн Абдуллоҳ (67-бет). Шоир Абу-л-Фатҳ Мъсуд ибн ал-Лайс учун "маҳбубнинг назар солиши ўқ бўлса, икки ёноғи гулини ўпиш-даводир" (72-бет). Абу Бакр ал-Кўҳистоний "ёр ишқида мўйсафид бўлиб қолган", уни кўрганлар "оқсоқол шайх",— деб атайдилар (75-бет).

Абу-л-Фатҳ ад-Домғоний маҳбубни оҳуга ўхшатиб, унинг уясини ўзига ибодат қилиш учун хонақоҳ қилиб олади ва ўша ерда зоҳидлик қилмоқчи бўлади (85-бет). Абу-л-Аббос Исмоил ибн Абдуллоҳ маҳбубни тавсифлашда жуда чиройли ўхшатишларни қўллаб, "унинг икки кокили човгон ўйини ёғочига ўхшаса, юзи унинг майдони, қалбларимиз эса унинг тўпидир",— дейди (107-бет). Шоир ал-Асмаъий маҳбуб тавсифида янада чиройли ибора ва ўхшатишларни қўллайди:

Кўз ташлаши сарахслик, ички (тузилиши) марвлик,
лафзлари бухоролик, қадди эса балхликни кига ўхшайди
(107-бет).

Абу-л-Ҳасан ал-Абдуна ёр ишқида шунчалик кўз ёши тўкадики, "бу кўз ёшлар тилга кириб, ошиқ дардини баён қилади, қалб эса ишқ алангасида ёнмоқда" (115-бет). Биз бунда ишқ-муҳаббат тараннум этилган байтларнинг айримлари ҳақидагина тўхталиб ўтдик, холос. Форс-тожик ва араб адабиётидаги каби бу давр арабийнавис шоирлари ижодида ҳам пок муҳаббат жабру жафолари, унга етишиш йўлидаги машаққатлар, ёр висоли ва ундан жудо бўлиш кабилар куйланади.

Арабийнавис шоирлар ижодида учрайдиган нодир мавзулардан бири — тўй табрикларидир. Абу Бакр ал-Анбарийнинг қизини куёвга узатган қайсидир бир кишини табриклар ёзган беш байти бунинг яққол намунаси. Саолибий бу ҳақда "бундай шеърни ҳеч эшитмаганман", — деб эътироф этган (59—60-бетлар).

"КИТОБ ЛАТОИФ АЛ-МАОРИФ"

Саолибийнинг яна бир муҳим асари унинг "Китоб латоиф ал-маориф" ("Ажойиб маълумотлар китоби") асаридир. Бу асар 990—995 йиллар араб тилида ёзилган.

Китобда муҳим тарихий — этнографик маълумот берилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги ноёб хабарлардир. Шунингдек китобга Саолибий ва унга замондош бир қанча арабийнавис шоирларнинг шеърлари ҳам киритилган. Мазкур асар ўша даврда Ўрта Осиё, Эрон, ва Афғонистонда араб тилида яратилган шеърятни ўрганиш учун муҳим манба вазифасини ўтайди. Шуниси диққатга сазоворки, бу шеърларнинг айримлари бошқа манбаларда учрамайди.

Энди Саолибий келтирган маълумотлардан баъзилари ҳақида тўхтаб ўтамыз.

Биринчи бўлиб у ёки бу ишни, урф-одатларни қилган, бирор нарса ёки буюмни тайёрлаган кишилар ҳақида сўзлар экан, "меҳмон учун мажлиснинг юқори томонини расм қилган ва (меҳмонни) "меҳмон" бу сўзнинг тафсири "уйнинг хожаси" демакдир — деб атаган биринчи киши Баҳром Гўрдир", — дейди (6-бет). "Савик" деган арпа ва буғдой унидан тайёрланган ёвғонни биринчи пиширган, пистирма қўйиш учун отларни биринчи бичма қилган, душман аскарларидаги жосусларни аниқлаб, қочаётган душманни қувлашни тўхтатиш ҳақида буйруқ берган биринчи киши Искандардир (7-бет). Темирдан найза ясаттирган биринчи киши Зу Язан ал-Ҳимярийдир (8-бет). Шунинг ҳам айтиш керакки, Саолибийнинг у ёки бу ишни биринчи қилганлар ҳақидаги маълумотларининг ҳаммасига ҳам ишониб бўлмайди, у кўпроқ Шарқ халқларида биринчи марта юз берган шундай ишларни кўзда тутган.

"Асарнинг "Шеърлари туфайли лақаб берилган шоир-

ларнинг лақаблари ҳақида", ва "Машҳур кишилар, аёнлар ва шулар кабиларга тегишли бошқа ислом лақаблари ҳақида" — деган боблари ҳам диққатга сазовордир. Бу ерда Саолибий исломгача ва ундан кейинги жуда кўп шоирлар, арабларнинг машҳур кишилари, халифалар лақаблари ва турли мамлакатларни фатҳ этган лашкарбошиларга ерли халқлар қўйган лақаблар ҳақида нодир маълумотларни қолдирган.

Араб босқинчилари бошқа мамлакатларни забт этганда, босиб олинган мамлакатларнинг халқлари уларга нафрат кўзи билан қараганлар, ўз ерларини оёқости қилиб, халқ оммасини эзган фотиҳлар устидан кулиб, уларни мазаҳ қилганлар ва уларга турли лақаблар тўқиганлар: Саъд ибн Абдулазиз ибн Ҳорис Уммавийлар саркардаси Муслима ибн Абдулмалик томонидан Хуросон ҳоқими этиб тайинланади. Унда хунасалик, ҳезалаклик ва нозиклик хусусиятлари кучли бўлгани учун Самарқанд аҳли уни Хузайна (озод қилинган чўри аёл) деб лақаблаган (30-бет). Асад ибн Абдуллоҳ ал-Қасрий биродари Ироқ ҳукмдори Холид ибн Абдуллоҳ томонидан Хуросон ҳоқими этиб тайинланганда, унинг афти ангори жуда қора бўлгани учун ерли халқлар унга зоғ (қора қарға) лақабини берган экан (30-бет).

Саолибий машҳур араб ва арабийнавис олим ва шоирлардан ал-Мубаррад, Нифтавайҳ, Жаҳза, ал-Атавоний кабиларнинг лақаблари сабаби ҳақида сўз юритади. Масалан, машҳур грамматика олими Кифтавайҳ ниҳоят хунук бўлгани учун уни нефтга ўхшатиб, Нифтавайҳ деб аташган ва бу билан унинг лақабини устоди Сивавайҳ номига тақлид қилишган (34-бет).

"Латонф ал-маориф"нинг тўртинчи бобида қадимги котиблар ҳақида жуда қимматли ва ноёб маълумотлар келтирилган. Бу ерда Саолибий ўзидан аввал ўтган ва ўзига замондош бўлган машҳур котиблар номини келтириб, уларнинг котиблик санъатидаги моҳирлиги ҳақида далилий ҳикоялар қилган. Бу бобда Муҳаммад алайҳис саломнинг шахсий котиби Абдуллоҳ ибн Собит Абу Сарҳ ҳақидаги маълумот диққатга сазовордир. У Муҳаммадга Тангри "туширган" ваҳийларни ёзган. Кейин "йўлдан тойиб, мушрикларга қўшилиб кетади". Бунга сабаб қилиб

"Муҳаммад менинг хоҳлаган нарсамни ёздираверди" деган баҳонани айтади (40—41-бет).

Аёллардан энг сахийси ва бутун мол-мулкни тарқатиб сочиб юборгани, ислом оламида ҳеч бир эркак ёки хотин подшоҳ тенг келолмаган Жамила Носируддавла ҳақидаги Саолибий ҳикояси ҳам мароқлидир. У аёл уч минг қул ва икки минг чўрини озод этган, қўшниларига жуда катта туҳфалар қилган, эллик минг кишига сарпо кийгизган. Буни кўролмаган бувайҳийлар амири Азудуддавла Фанно Хусрав (949—983) Жамиланинг мол-мулки ва қалъаларини мусодара қилади. Жамила қашшоқлашиб, жуда ночор ва ачинарли аҳволда қолади. Фанно Хусрав уни хотинликка сўрайди, лекин ўзини амирдан юқори тутиб, амир талабини рад этади. Фанно Хусрав аёлни қўлга олиб, яланғоч ечинтиради ва агар хотинликка рози бўлса, мол-мулкни қайтиб беришини, бўлмаса фоҳишахонага жўнатишини айтади. Жамила ор-номсусини сақлаган ҳолда миршабларни рафлатда қолдириб қочади ва ўзини Дажла (Тигр) дарёсига ташлаб, фарқ бўлади (55—56-бетлар).

Асарнинг саккизинчи боби пайгамбарлар, қўрайшийлар, турли подшоҳ-ҳукмдорларнинг баданидаги нуқсонлари ҳақида жуда қизиқарли ва мароқли маълумотларни ўз ичига олган. Бу ерда Саолибий бир кўзли, кўр, чўлоқ, ниҳоятда новча ёки паст бўйли ва ғайри-қонуний туғилган ҳукмдорларни бирма-бир санаб ўтган: Искандар чўлоқ бўлган, Анушервон-бир кўзли, Яздигард — чўлоқ, ғассонийлар шоҳи ал-Ҳорис (иккинчи) — чўлоқ, Ҳира шоҳи Жузайма ал-Абраш — пес бўлганлар. Уммавийлар халифаси Абдулмалик ибн Марвоннинг қорни ниҳоятда катта бўлган, Язид ибн Абдулмалик — ҳаддан зиёд семиз, Ҳишом ибн Абдулмалик эса ғилай бўлган. Айниқса, никоҳсиз, ғайриқонуний, яъни чўрилардан туғилган машҳур ислом намоёндалари ва халифалар ҳақидаги маълумотлар диққатга сазовордир. Булар халифа Абу Бакрнинг (632—634) набираси Қосим ибн Муҳаммад, Умарнинг (634—644) набираси Салом ибн Абдуллоҳ, Алининг (656—661) набираси Али ибн Ҳусайн кабилардир. Аббосий халифаларидан ас-Саффоҳ (749—754), ал-Маҳдий (775—785) ва ал-Аминдан (809—813) бошқа ҳаммаси чўрилардан никоҳсиз туғилган.

"Латиф ал-маориф"нинг тўққизинчи бобида Саолибий шоҳ ва ҳукмдорларнинг касби-кори, қилмишлари ва ёвузликлари ҳақида ажойиб маълумотларни зикр қилган. Подшоҳларнинг юрт сўраши ҳақида сўзлар экан, она қорнида туғилмай туриб тахт сўраган подшоҳ Сасонийлар шоҳи Шопур Зулактоф (310—379) бўлган, — дейди. Унинг отаси Хурмуз ҳалок бўлгач, ундан ворис қолмабди. Хотинларидан бирининг ҳомиладорлигини аниқлаб, унинг қорнига тожни қўйишибди ва шундай қилиб Шопур она қорнида туриб тахт сўраган экан (76-бет). Сўнг Саолибий энг кўп ва энг оз юрт сўраган подшоҳлар ҳақида ҳам ажойиб воқеаларини ёзиб кетган. Умуман, халифа, шоҳ ва амирлар ҳаётида олинган жуда мароқли ва тарихий муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотлар асарда мужассамлаштирилган.

Бизга маълумки, исломни тарқатиш давомида араб фотиҳлари жуда кўп мамлакат ва шаҳарларни забт этиб, ерли халқларни қирғин қилдилар ва маданий бойликларни талон-торож қилиб, шаҳар ва қишлоқларни вайрон этдилар.

Саолибий ислом оламида ҳар бири миллиондан одам ўлдирган кишилардан ал-Ҳажжож, Абу Муслим ва ал-Буркуийлар номини тилга олган (85-бет).

Асарда муаллиф ҳалифалар халқни эзиш ҳисобига тўплаган ҳаддан зиёд бойликлар ҳақида сўзлар экан, уларнинг ўғиллари томонидан бу бойликлар беҳудага сочиб юборилишини далиллар билан ривоят қилган (71—73-бетлар). Муаллиф бошқа ҳукмдорларнинг меҳнаткаш халқ ҳисобига тўплаган бойликлар ва бу бойликларни беҳуда тўй-томоша ва оддий халққа ҳеч манфаати тегмайдиган айшу-ишратларга сарфлаб юборилишини ҳам мисоллар асосида кўрсатиб кетган. Масалан, аббосийлар ҳалифаси ал-Маъмун (813—833) ўз вазири ал-Ҳасан ибн Саҳлнинг қизи Бўронга уйланганда, вазир қирқ кун зиёфат бергани, мисли кўрилмаган харажатлар қилиб, исрофгарчиликлар қилгани батафсил баён этилган. Бу ерда Саолибий вазир ал-Ҳасан ихтиёрида ўттиз олти минг денгизчи сузиб юришини ҳам айтиб ўтган (73—77-бетлар).

Асарнинг охири ва энг катта — ўнинчи (92—130-бет) бобида турли мамлакат ва шаҳарларнинг ўзига хос

хусусиятлари ва уларнинг гўзалликлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Ўрта ва Яқин Шарқнинг айрим йирик ва машҳур, маданият ва савдо-сотиқ ривожланган шаҳарлари ҳақида бу бобда Саолибий келтирган маълумот ва ривоятлар жуда муҳим тарихий, этнографик ва адабий аҳамиятга эгадир. Муаллиф бу ерда шаҳарларнинг ўзига хос хусусиятлари, об-ҳавоси, ташқи ва ички савдоси, фойдали қазилмалари ва қимматбаҳо тошлари, суви, ҳайвонот дунёси, қуш-паррандалари, деҳқончилиги ва экинлари, ҳунармандчилик ва санъати ҳақида нодир маълумотлар қолдирган. Халқнинг кийим-кечаги, урф-одатлари, қонун-қондалари, озиқ-овқатлари ҳақида мароқли ҳикоя қилган. Шаҳарлар ва мамлакатлар ҳақида кишилар айтган сўзлар ҳам келтирилган. Шеъринг парчалар орасида Саолибийнинг ўз қаламига мансублари ҳам, Хуросон ва Ўрта Осиёда яшаган арабийнавис шоирлар асарларидан олинган парчалар ҳам мавжуд. "Латоиф ал-маориф"да қуйидаги шаҳарлар хусусида маълумот берилган. Макка, Мадина, Шом (Сурия), Миср, Басра, Куфа, Бағдод, Ахвоз, Форс, Исфаҳон, Мавсил, Рой, Табаристон, Журжон, Найсобур (Нишопур), Тус, Ҳирот, Марв, Балх, Буст, Ғазна, Сижистон, Ҳиндистон, Бухоро, Самарқанд, Хитой, Турк диёри ва Хоразм.

Саолибий Ҳиндистон ҳақида ёзар экан, шундай дейди: "Денгизи — дур, тоғи — ёқут, дарахти — уд; (дарахтининг) барги эса атрдир" (124-бет). У ернинг бошқа жойларда бўлмайдиган ёки кам учрайдиган ўзига хос нарсаларидан фил, каркидон, йўлбарс, товус, тўти, курка, қизил ёқут, оқ сандал дарахти, фил суяги, уд, тўтиё, қалампирмунчоқ, сунбул, жавзобобо, бахмал каби нарсаларни қайд қилиб ўтган (125-бет).

Хитойда қўл санъатининг ниҳоятда ривожланганлиги, айниқса чинни идишлар тайёрлаш, ҳайкалтарошлик ва рассомликда хитойликлар маҳорати юксаклигини ажойиб мисоллар билан ривоят қилади (127—128-бетлар).

Турк диёри ўзига хос нарсалари жиҳатидан Ҳиндистон билан бир хил эканлигини айтиб, у ерда мушк, соболь, олмахон, оқсусар, қора тулки, оқ қуён, ҳутув, оқ терак, оқ лочин, от, оҳу ва бошқа ноёбликлар мавжудлигини ёзиб кетган.

Саолибий Самарқандни Маворауннахрнинг кўзи деб атайди (114-бет). У Самарқанд қоғози ҳақида биринчи марта шундай қимматли маълумотларни қолдирганки, уларни бошқа бирор-бир манбаларда учратмаймиз. У шундай ёзади: "Самарқанднинг ўзига хос (нарсаларидан қоғоз (бўлиб), у Миср қоғозини ва авваллари хат ёзишган териларни орқада қолдириб кетади. Чунки (Самарқанд) қоғози энг яхши, энг нафис, энг мулойим ва энг қулайдир. У фақат шу ерда ва Хитойдагина бўлади" (126-бет). Шунингдек, Саолибий Самарқанднинг ўзига хос нарсаларидан аммиак, тикилган либослар, сямоб, фундук кабиларни ҳам зикр қилади (126-бет).

Шоир Абу-л-Фатҳ Бустийнинг Самарқанд ҳақида ёзган куйидаги шеърини ҳам фақат "Латоиф ал-маориф"да учратдик:

У дунёда одамлар учун жаннат бор, бу дунёнинг жаннати эса Самарқанддир.

Эй, Балх заминини унга тенглаштирган киши, ахир итқовун билан қандни тенглаштириб бўладими?

Бизга маълумки, Хоразм қовунлари ҳозир ҳам машҳур ва уларнинг таърифи оғиздан-оғизга ўтиб юради. Саолибий сўзига қараганда, бундан минг йил бурун ҳам Хоразм қовунларининг таърифи жаҳонга тарқалган. У Хоразмнинг боранж деган қовуни ҳақида ҳикоя қилар экан, бу қовунни қалайидан ясалган махсус қутиларга солиб, атрофига муз қўйиб, Бағдодга ҳалифа ал-Маъмун (813—833) ва ал-Восиқ (842—847)ларга олиб боришганини ёзади. Агар яхши сақланиб олиб борилса, битта қовун учун ҳалифалар етти юз дирҳам тўлаганлар (129-бет). Саолибий Хоразмнинг кирбос номли нозик ип газламаси ҳақида ҳам ёзиб кетган. Хоразмнинг совуқ жой эканлиги, Амударёнинг қишда музлаши, ҳатто унинг устидан фил, карвон ва қўшинларнинг бемалол ўтиши ва Амударё музининг бир ойдан икки ойгача туриши ҳақида ҳам қимматли маълумотлар қолдирган.

Марв шаҳри ҳақидаги маълумотлар ҳам муҳим тарихий аҳамиятга эгадир. Марв матолари ҳақида ёзар экан, Саолибий шундай дейди: "Араблар Хуросондан келтирил-

ган ҳамма қалин либосларни Марвники деб атардилар, у ердан олиб келинган ҳамма юпқа либосларни эса "Шоҳжаҳоний" деб атардилар, чунки Марв улар наздида Хуросоннинг онаси ва уни Шоҳжаҳон деб атаганлар". Шундан кейин Саолибий Марвнинг мулҳам деган ипак либоси, мулаббан ва муррий деган ширинлик ва таомлари ҳақида ривоят қилган (119—120-бетлар). Охирида шоир Абу Али ас-Сижжийнинг Марв ҳақидаги қуйидаги шеърини келтирган:

"Ажойиб шаҳар, сувлари зилол, хушбўй ҳидининг кўплиги эса абирни қолдириб кетади.

Агар одам уни ташлаб кетишга қарор қилса, у ўз номи билан у (одамни) кетишдан қайтариб қолади".

("Марв" сўзини "марав" ўқилса, "кетма" маъносини беради).

Ҳайвонлар дунёси ҳақида ҳам асарда жуда ажойиб маълумотлар келтирилган. Масалан, Саолибий Миср заҳарли илонлари ҳақида ҳикоя қилар экан, уларнинг кушандаси нимс деган ҳайвон ҳақида шундай ёзади: "Заҳарли илонлар фақат Мисрдагина бўлади. У одам боласини ҳалок этишда ажойиб бир маҳлуқдир. Унинг душмани фақат нимсдир. Бу дунё ажойиботларидан бири. Шундайки, у қимирлаб турадиган кичик бир ҳайвон (бўлиб), худди қуриган гўштга ўхшайди. Заҳарли илонни кўрганда унга яқинлашади, илон уни чақмоқчи бўлиб унга чирмашади. Нимс ҳавога тўлиб, шишиб кетади ва нафас ола бошлайди, илонни иккига бўлиб юборади, баъзан уни бир неча бўлакка бўлиб юборади" (93-бет).

Миср эҳромлари фақат Фиръавнлар шон-шухратини улуғлаш мақсадида эмас, балки табиат офатлари — яъни, сувда ғарқ бўлиш, ўтда ёниб кетишдан сақланиш учун қурилганини ва керак пайтларда уларда озиқ-овқатлар ҳам сақлашганини ҳикоя қилар экан, иккита эҳромнинг аниқ ҳажмини ҳам ёзиб қолдирган (101—102-бетлар).

Бағдод ҳақида ҳикоя қилар экан, ҳалифалик пойтахти бўлган бу шаҳарнинг ҳамма яхши сифатларини тилга олади. Шу билан бирга бу энг йирик шаҳарда яшаш бойлар, пулдорлар учун роҳат, камбағаллар учун азоб-

уқубат эканини таъкидлашни ҳам унутмайди. Бу ҳақда шоир Ибн Зурайқнинг қуйидаги шеърини келтиради:

Тангри Бағдодни жаннатдан сероб қилган, у одамларга
жон роҳати бўлиб қолган.

У пулдорлар учун орзу-умид, лекин камбағаллар учун
ҳасратдир (106-бет).

Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон ва умуман мусулмон Шарқи халқларининг тарихи, этнографияси, адабиёти ва умуман, маданияти тарихи ҳақида муҳим ва қимматли маълумот берувчи манба сифатида "Латоиф ал-маориф" ниҳоятда улкан аҳамият касб этади¹.

* * *

Муҳтарам китобхон, биз мазкур рисоламизда Ибн Сино ва Берунийларнинг замондоши, буюк тилшунос, адабиётшунос, тарихчи олим, Ўрта Осиё халқлари маданияти, тарихи ва адабиётига оид ноёб асарлар муаллифи Абу Мансур Абдулмалик ибн Муҳаммад ас-Саолибий ҳаёти ва ижоди ҳақида қисман бўлсада маълумот бериб, сизларни бу буюк сиймонинг адабий мероси билан таъништиришга ҳаракат қилдик. Бизнинг бу ҳаракатимиз буюк аллома меросини тадқиқ қилишда дастлабки уринишдир. Унинг асарларини синчиклаб, ҳар томонлама ўрганиш ва ўзбек тилига таржима қилиш шарқшунос олимлар олдида келгусида энг муҳим вазифадир.

¹ Ушбу китоб ўзбек тилига таржима қилинган: Абу Мансур ас-Саолибий. Китоб Латоиф ал-маориф ("Ажойиб маълумотлар китоби"). Тошкент, ЎзССР "Фан" нашриёти, 1987.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
АБУ МАНСУР АС-САОЛИБИЙНИНГ ҲАЁТИ	6
АБУ МАНСУР САОЛИБИЙНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ	16
Саолибий шоир	16
Саолибий — буюк олим	23
"ЙАТИМАТ АД-ДАҲР ФИ МАҲОСИН АҲЛ АЛ-АСР"	42
Абу Аҳмад Ибн Бакр Ал-Котиб	50
Абу-л-Ҳусайн Муҳаммад ибн Муҳаммад Ал-Муродий	57
Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Абдулазиз ан-Насафий	60
Абу-л-Фазл ас-Суккарий ал-Марвазий Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Зайд	60
Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Аббос ал-Хоразмий	64
"ТАТИММАТ АЛ-ЙАТИМА"	69
"ТАТИММАТ АЛ-ЙАТИМА" ТҮРТИНЧИ ҚИСМИНИНГ МАЗМУНИ	72
"КИТОБ ЛАТОИФ АЛ-МАОРИФ"	86

- А 15 Абдуллаев И.
Абу Мансур Абдулмалик Ас-Саолибий. (Масъул муҳаррир М. М. Хайруллаев).—Т.: Ўзбекистон, 1992.—94 б.

ISBN 5-640-00837-7

Рисолада XI асрда яшаб ўтган буюк бобокалонларимиз Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон ал Берунийларга замондош йирик тилшунос ва адабиётшунос олим, тарихчи, адиб, Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатлари санъати ва маданиятининг беҳиёс билимдони, илму фаннинг турли жабҳаларидан баҳс этувчи ўнлаб асарлар муаллифи Абу Мансур Абдулмалик ибн Муҳаммад ас-Саолибийнинг ҳаёти ва ижоди тарихий манбалар асосида таҳлил этилади.

Шунингдек рисоладан аллома қаламига мансуб асарлар рўйхати, у қолдирган адабий мерос гулгожи саналмиш "Татиммат ал-Йатима", "Китоб латойиф ал-маориф" асарларидан парчалар ҳам ўрин олган.

Кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

Абдуллаев И. Абу Мансур Абдулмалик Ас-Саолибий

ББК 83.3Ў31

№ 164—92

Навоий номли ЎзЖ
Давлат кутубхонаси.

А ~~4402000000~~—34 доп. 118—92
М351 (04)92

Исматулла Абдуллаев

АБУ МАНСУР АБДУЛМАЛИК АС-САОЛИБИЙ

На узбекском языке

Издательство "Ўзбекистон"—1992 700129, Ташкент, Навои, 30

Кичик муҳаррир *Н. Умарова*
Безовчи муҳаррир *А. Деҳқонхўжаев*
Техник муҳаррир *А. Горшкова*
Мусаҳҳиҳ *М. Мажитхўжаева*

ИБ № 5444

Теришга берилди 12.12.92. Босишга рухсат этилди 26.03.92.
Қоғоз формати 84X108 1/32 № 2 босма қоғозига "Таймс" гарнитурда офсет
босма табоқда босилди. Шартли босма табоқ 5,04. Шартли кр.-отт. 5,25.
Нашр табоқ. 4,62. Тиражи 3000. Заказ № 201/1133.

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30, Нашр № 230—91.

Оригинал-макет масъулияти чекланган "Ношир" жамияти техникавий ва про-
граммавий воситалар базасида тайёрланиб.

"Ўзгипрозем" босмахонасида босилди.
Тошкент, Муқимий кўчаси, 182.